

Наргис ҚОСИМОВА, Назира ТОШПҮЛАТОВА

**ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА
БОЛАЛАР МАВЗУСИНИ
ЁРИТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА
АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

*Олий таълим муассасалари
журналистика факультетлари
талабалари учун ўқув қўлланма*

Тошкент-2014

Наргис ҚОСИМОВА, филология фанлари номзоди, доцент.
Назира ТОШПҰЛАТОВА, филология фанлари номзоди, доцент.

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультетининг Ўзбекистондағи ЮНИСЕФ ваколатхонаси кўмагидаги амалга оширилган «Болалар масалаларини оммавий аҳборот воситаларида ёритилиши ва журналист этикаси» лойиҳаси доирасида тайёрланиб, журналистика факультетининг талабалари ҳамда Ўзбекистон оммавий аҳборот воситалари таҳририятларида фаолият юритаётган журналистлар учун мўлжалланган. Қўлланма бола ҳуқуқларининг вужудга келиш тарихи, турли жабҳаларда болалар мавзусини ёритиш борасида методик тавсияларни ўз ичига олган.

Ўқув қўлланмада ЮНИСЕФ ва ЎзА суратларидан фойдаланилди.

Тақризчилар: Ёқутхон МАМАТОВА,
филология фанлари доктори.

Бобоқул ТОШЕВ,
юридик фанлари доктори.

Гулнора БОБОЖОНОВА,
филология фанлари номзоди.

Масъул муҳаррир: Ҳуршид ДЎСТМУҲАММЕДОВ,
филология фанлари доктори.

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети Илмий Кенгашининг 2013 йил 30 декабрдаги 6-сонли қарори ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашининг 2014 йил 30 январь куни бўлиб ўтган 6-сонли мажлисида тасдиқланиб, нашр этишига тавсия қилинди.

СҮЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси истиқдолининг илк кунлариданоқ ҳалқаро талаблар ва умумэтироф этилган ҳалқаро ҳуқуқ тамойилларга асосан миллий қонунчилиги базасини яратишга киришди. Мазкур йўналишдаги биринчи қадам 1992 йил 8 декабрда Конституцияни қабул қилиш ва унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш бўлди. Республикани Бос Қомуси эълон қилинار экан, Ўзбекистон инсоннинг, шу жумладан болаларнинг ҳуқуқ ва эркинларини ҳимоя этувчи ҳуқуқий ва ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратишни ўз зиммасига олди. "Ўзбек модели" асосини ташкил этувчи бешта тамойиллардан бири - кучли ижтимоий сиёsatни юргизиш асносида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳалқимизнинг миллий қадриятлари ва анъаналаридан бири бўлмиш бола ҳуқуқларини қабул қилинган қонунлар орқали ҳимоя қилмоқда ва бундан кейин ҳам фарзандларини кўз қорачигидек асрарашда ўз давлат сиёsatини олиб бормоқда.



Мамлакатимиз Конституцияни қабул қилгани (1992 йил 8 декабрь)дан сўнг биринчилар қаторида ратификация қилинган халқаро хужжат Бола ҳуқуқлари тұғрисидағи Конвенциядир (1992 йил 9 декабрь).

Конвенциянинг иштирокчи давлатига айланган Ўзбекистон унинг барча талаби ва нормаларига риоя этиш ва жаҳон ҳамжамияти олдида уни бажариш мажбуриятини олди. Ўзбекистонда фуқаролик жамиияти ва ҳуқуқий давлатнинг барпо этилиши жамият аъзоларининг болалик чөфиданоқ ҳуқуқий онгини ўстириш ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш масалалари билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли бу борадаги миллий ва халқаро қонунчиликни, хусусан Бола ҳуқуқлари тұғрисидағи Конвенцияни ўрганиш мұхым аҳамият касб этади. Мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисмини болалар ташкил этишини иnobatта оладиган бўлсак, бола ҳуқуқларини ўрганиш ва уларга асосий эътиборни қаратиш куннинг долзарб масалаларидан биридир. Зоро, юртимизда болалар давлат ҳимоясидадир.

"Ўзбекистон ОАВда болалар мавзусини ёритишининг наزارий ва амалий асослари" ўқув-амалий қўлланмаси Халқаро болалар ташкилоти — ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети билан ҳамкорликда олиб борилган "Журналистика факультетларининг талабалари учун болалар масалаларини ёритиш ва журналист этикаси бўйича маҳсус ва факультатив курсларни татбиқ этиш" лойиҳаси доирасида тайёрланиб, унда бола ҳуқуқлари бўйича ОАВ ва унда фаолият кўрсатадиган журналистларнинг бу мавзуни қай даражада ёритишлиари, мазкур йўналишда халқаро ҳуқуқ, ва миллий қонунчилик нормаларига қай даражада амал қилишлари ва касбий бурчлари, журналистнинг жамият олдидаги мажбуриятлари нимадан иборат эканлиги ҳақида тушунча берилади. Бола ҳуқуқлари ва миллий журнали-

стика муаммолари, болалар мавзусининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши, бола хуқуқлари ва профессионал маҳорат, бола ҳуқуқлари ва ахборот манбалари билан ишлаш тамойиллари, болаларни ОАВда ёритишнинг амалий натижаларини назарий жиҳатдан ўрганиш имконини яратади.

Қўлланманинг асосий мақсади талабаларни бола ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқий асослари, ушбу ҳуқуқларнинг ОАВда ёритилиши ва журналист этикасига доир халқаро ва миллий меъёрий ҳужжатлар билан таништириш, фаолият жараёнида ОАВ ҳамда журналистларнинг ва уларни болаларни ёритиш амалиётида ҳуқуқ ва мажбуриятларини қўллаш юзасидан малакасини шакллантиради.



1-БОБ. БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ СИФАТИДА

1.1§. Бола ҳуқуқлари ва журналистика

Инсоният вужудга келибдики, у авлодининг давомчиси, юрт келажаги бўлган болани асраб-авайлаш, уни вояга ет-казиб, жамиятнинг етук аъзоси сифатида тарбиялашга ҳара-кат қилиб келган. Аммо ҳар доим ҳам кўпчилик болалик-нинг баҳтиёр онларидан баҳраманд бўлмайди. Ҳанузгача дунёда очлиқдан, турли касалликлардан азият чекаётган, мактаб остонасига қадам қўймай, оиласига ёрдам бериш мақсадидаги беғубор болаликни оғир, машаққатли меҳнатга алмаштирган миллионлаб болалар бор. Уларнинг ҳуқуқла-ри ҳар куни, ҳар дақиқа бузилмоқда.

Хўш, бола ким? Неча ёшгача бўлган шахслар бола де-йилади? Уларнинг қандай ҳуқуқлари бор? Бола ҳуқуқла-рининг катталарникидан фарқи нимада?



Дунёнинг турли мамлакатларида қонунчиликда белги-ланган ёшга етмаган инсонлар вояга етмаганлар ҳисоб-

ланади. Масалан, Европа давлатларида 21 ёшга тўлмаганлар вояга етмаган ҳисобланса, мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган шахслар бола дейилади. "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига биноан болалар етимлиги, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган, ижтимоий ҳимояяга муҳтож, ногиронлиги, ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга ажратилади.

! бола (болалар) — ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар);

етим бола — отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган бола;

жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола — ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлган бола;

ижтимоий ҳимояяга муҳтож болалар — юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳига ҳимоя қилишига ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар;

ногирон бола — жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлганлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдамга, ҳимояяга муҳтож ҳамда қонунда белгиланган тартибда ногирон деб топилган бола;

ота-она қарамогидан маҳрум бўлган бола — ҳар қандай сабабга кўра ота-она қарамогидан маҳрум бўлган бола, етим бола бундан мустасно.

*"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни,
3-модда*

Ҳозирда дүпс аҳолисининг 40 фоизидан ортиқроғи болалардир (2013 йил декабрь ойи ҳолатига). Ўзбекистон умумий аҳолисининг қарийб 40 фоизини 18 ёшта етмаган шахслар ташкил қиласи. Салкам 30 миллионсли Ўзбекистон аҳолисининг 30 фоизини 18 ёштагача бўлган болалар ташкил этади.



Демак, аҳолининг салкам учдан бир қисми ҳисоблашган болаларга ғамхўрлик қўрсатиш, уларнинг тарбияси ва ўқиши учун етарли шароит яратиш, соғлиғипи муҳофаза қилиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлатпинг устувор вазифасига айланган. Бундан кўзланган асосий мақсад болаларни ҳар қандай шароитда, ҳар доим ҳимоя қилиш, уларни ота-оналари бағрида эмин-эркин ўсиб, улфайишларини таъминлаш, айниқса кўмакка муҳтоҷ бўлганини давлат ўз муҳофазасига олиши, уларга ёрдам бериш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш орқали соғлом авлодни вояга етказишидир.

Она сайёрамизнинг қайси бурчагида чақалоқ дунёга келмасин, мурғак инсон катталар сингари ўз ҳуқуқларига эга бўлади. Бу Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва унга асосан турли мамлакатларда қабул қилинган шу йўна-

лишдаги қонуналарда белгилаб берилген хукуқлар туркумидир.



Болалар ҳақида үйлаганда, күча-күйда уларга күзи түшганды одамнинг юзида бирдан табассум пайдо бўлади. Қайсиdir қилифи билан, хатти-ҳаракати ёки айтган гапи билан ҳар қандай жиiddий одамни ҳам кулдира олади-да бу миттивойлар. Уларнинг ҳаракатлари табиий, үйланмаган, режалаштирилмаган, ҳар қандай мақсаду манфаатлардан ҳоли ва тоза. Шунинг учун ҳам болаларни софлик, тозалик, беғуборлик рамзи сифатида қабул қиласиз. Болалар қанчалик беғубор бўлсалар шунчалик ҳимоясиз ҳамдир. Расмий манбаларда ҳам аҳолининг мазкур қатлами энг ҳимоясиз ҳисобланади.

! *Болалар инсониятнинг энг ҳимоясиз қатлами бўлиб, катталар ўз хукуқларини талаб қилиб, ўзларини ҳимоя қила олсалар, болалар буни қила олмайдилар ва буткул катталарга қарамдирлар.*

Фарзанд туғилиши, оила қувончи, ота-онасининг ҳаёти мазмуни деб таърифланадиган дунёдаги кўп оилаларда,

күпинча болаларнинг ҳуқуқларига эътибор берилмайди. Айниқса, улар бола бўлгани учун ҳам, қўлидан иш келмай, оиланинг даромадига баъзан ота-онанинг ҳаётига халақит бергани учун ҳам камситилади, уларнинг фикрлари ипо-батта олишмайди. Қолаверса, ҳалқ орасидаги айрим эскича қарашлар, стериотипларнинг мавжудлиги, боланинг каттальар сингари оила аъзоси сифатида унинг ташвишлариши тенг кўтаришга, ҳали кичик ёшидан оиланинг манфаатлари учун катталар билан тенг хизмат қилишга мажбурулаш, оғир, жисмоний меҳнатга жалб қилиш уларнинг ҳуқуқлари бузилишига мисол бўла олади. Болаларга қилинган ҳар қандай муносабат йиллар давомида уларнинг онгида салбий ёки ижобий таассурот билан шаклланиб боради ва ўзининг маълум бир ҳосиласини беради. Шунинг учун ҳалқ орасидаги "Нима эксанг—шуни ўрасан" деган мақол бола тарбиясига ҳам бевосита тааллуқли бўлиб, унинг замирида агар болани ёшлигидан иззат қилсанг, аясанг, шахс сифатида ҳуқуқини ҳурмат қилсанг, келажакда унинг ҳурматини, роҳатини кўрасан деган маъно келиб чиқади. Аммо дунёдаги айрим мамлакатларда болалар ҳатточи яшаш, таълим олиш, ривожланиш учун оддий шароитга ҳам эга эмаслар.



Таъкидлаш жоизки, бола аввало инсон сифатида худди катталар сингари ўз ҳуқуқига эга. Яъни, ҳар бир бола эркин яшаш, табиат (муайян бир ҳудудда туғилиши, аниқ бир ота-онага, наслга тааллукли бўлиши, оиласда яшаш, ота-онанинг қарамогида бўлиши) ва жамият (таълим олиш, дам олиш, даволаниш, болаларга аталган маданий-майиний мас-канлардан фойдаланиш ва ҳ.з.) неъматларидан баҳраманд бўлиш, шахсий ва турар-жой дахлсизлиги, ўзига тааллукли бўлган маълумотларнинг сир тутилиши ҳуқуқига эга. Болага ҳуқуқ туғилган вақтидан бошлаб давлат томонидан берилади. Яъни, туғилган бола аввал тугруқхонада дафтарга рўйхатга олинади, кейин фуқаролик ҳолати ғалобатномаларини қайд этиш органлари томонидан боланинг исми, ота-онасининг исми, туғилган санаси, вақти, жойи (туман, шаҳар, вилоят, мамлакат) қайд этилади ва шу асосида унга туғилганлик ҳақида гувоҳнома берилади.



Бу ҳужжат боланинг фуқаро сифатидаги ҳуқуқий мақомини белгилайди, яъни мамлакатда фуқаролар қандай ҳуқуқларга эга бўлса, туғилган болалар ҳам худди шу ҳуқуқларга эгалик қиласилар. Ҳатто айрим мамлакатларда боланинг ота-онасида фуқаро сифатида ҳуқуқ бўлмаслиги

мумкин (мигрант сифатида), аммо ўша давлатда түгилган болага бу ҳуқуқ ҳеч қандай тұсиқсиз берилади. Баъзан бундай болалар ота-онасига муайян мамлакатда яшашлари учун ҳимоя воситасини үташлари ҳам ҳаётда күп учрайди.

Инсон ҳуқуқлари тизимида бола ҳуқуқлари алоҳида ўрин тутади, зотан, бундай ҳолат бир неча омиллар билан тавсифланади. Жумладан, бир томондан, болалар катталар эта бўлган ва фойдаланағидан ҳуқуқларнинг ҳаммасидан ҳали фойдалана олмайди, иккинчи томондан эса, айнан уларнинг ҳали вояга етмаганликлари боис давлат ва жамият томонидан алоҳида ғамхўрона муносабат кўрсатилиши ва айрим имтиёзлар берилиши талаб этилади¹.

Қайд этиш лозимки, бола ҳуқуқларини таъминлаш ҳозирги даврнинг глобал муаммоларидан бири бўлиб, уни ҳал этиш билан боғлиқ масалалар жаҳон ҳамжамиятининг доимий дикқат-эътиборида турибди. Бу бежиз эмас, чунки ёш авлод жамият тараққиёти ва истиқболини таъминловчи етакчи куч ҳисобланади. Бола ҳуқуқларини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш, таъминлаш давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг ўзаро ҳамжиҳатликдаги саъиҳаракатлари тизимидан иборат бўлиб, бу халқаро миқёсда бир неча йўналишда амалга оширилади. Жумладан, бола ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни шакллантириш мақсадида декларация, резолюция, конвенциялар ишлаб чиқиш, бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича маҳсус назорат органи тузиш, давлатларнинг миллий қонунчилигини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, БМТнинг Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ орқали халқаро кўмак беришдан иборатdir.

1. Фанибоева Ш. Международный механизм контроля реализации конвенции о правах ребенка// Давлат ва ҳуқуқ. 2002. С. 27-31.; Л.А. заматова. Международное институциональное обеспечение прав ребенка// Ҳуқуқ. Право. Law. 2003. №4. С.87-89.

! ЮНИСЕФ хукуматларга бола ҳуқуқларини илгари суришга ёрдам беради ва унинг фаолияти адвокатив фаолият, ҳамкорлик ва техник ёрдамни ўз ичига олиб, мақолалар эълон қилиш, ахборот компаниялари, йирик халқаро конференцияларда иштирок этиши ва оммавий баёнотлар ёрдамида ташвиқот компаниясини ўtkазиши билан бирга нафақат дононор, балки ривожланаётган мамлакатларнинг ҳукуматлари билан ҳам ҳамкорлик олиб боради. ЮНИСЕФ ёрдамида амалга ошириладиган дастурлар болаларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишини соғлиқни сақлаш, таълим орқали амалга оширади ва миллий бюджетдан фойдаланишига асосий хизматларга унинг 20 фоизини ажратишни рағбатлантиради;

✓ хусусан БМТ тизими доирасидаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди. Буларга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ривожланиши мақсадларида ёрдам кўрсатиши дастури (ЮНДАФ) ва халқаро молия институтлари киради;

✓ фуқаролик жамияти ташкилотлари билан болалар, оиласлар ва бошқа жамият аъзолари билан биргаликда ҳамкорлик ришиналарини ўрнатишига хизмат қиласди;

✓ бола ҳуқуқлари бўйича қўмитага техник ёрдам кўрсатади;

✓ барқарор натижаларга эътиборини қаратади ва доимий равишда олиб бориладиган мониторинг ва дастурларни баҳолаб боришни қўллаб-қувватлаиди.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари қонуний ҳимоя қилинishiга қарамай, афсуски, объектив ва субъектив сабабларга кўра, айrim оиласларда боларнинг барча тадбирлардаги тенг ҳуқуқли иштироки таъминланмайди. Бу эса, табиий ра-

вишда боланинг кайфиятига таъсир кўрсатиб, унинг тўло-қонли шахс сифатида шакланишига тўсқинлик қилади. Катталар болани шахс сифатида эътироф этмаслигининг объектив-субъектив омиллари сифатида психология фанлари номзоди М.Мавлонов қўйидагиларни кўрсатади²:

“ - боланинг жамиятда туттган ижтимоий мавқеи ва роли, у катталар учун ҳар қандай шароитда ҳам “ўқувчи” сифатида идрок қилинади. Афсуски, баъзи стериотиплар таъсирида ҳам уларга нисбатан муносабатларимизни ўюштирамиз, босим ўтказишда мавқеимизни сустеъмол қилишга йўл қўяшимиз;

- боланинг иқтисодий жиҳатдан ота-онаси ёки катталарга тобе эканлиги. Фарзандларни моддий таъминлаш бизнинг конституциявий бурчимиз бўлсада, афсуски баъзида бу ҳолатни ҳаддан зиёд бўрттириб юборамиз...

- турли вазиятларда бола ўзини катталардек тутишга интилса, бироқ, унинг ҳулқида болаларга хос одат ва ўйин-қароқдикнинг намоён бўлишини баъзида илғаб қоламиз, афсуски, бундай ҳолатлар бола ҳақидаги тасаввуримизни тубдан ўзгартирмайди;

- боланинг таклиф ёки фикрлари билан ҳар доим ҳам ўртоқдашавермаймиз, уларнинг ҳам фикр-мулоҳазаларига эътибор бериш, мақсадларини тушунишимииз зарур;

- боланинг жисмоний, ижтимоий, ақлий имкониятларидан келиб чиқиб, турли тадбирларда (тўй, ҳашпар ва шу кабилар) унинг зиммасига жиҳдий топшириқ, ва вазифаларни юклатиш туфайли ижтимоий жараённи тезлаштиришга сабаб бўлади.”

Рұҳшунос олимнинг таҳдиллари ва эътирофларини қўллаб-қувватлаган ҳолда таъкидлаш жоизки, фарзандига тарбия берадиган ота-оналарнинг кўпчилиги бола ҳуқуқи билан боғлиқ маълумотларни етарлича билмайдилар.

2. Мавлонов М. Оила ва болалар ҳуқуқлари масалалари. Оила-нинг долзарб муаммолари, устувор вазифалар ва ривожланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент 2008 49-50 бетлар.




Бунда жамоатчиликка энг кўп таъсир кўрсатадиган оммавий ахборот воситалари ўрни аҳамиятлидир. Аҳолини тўлиқ ахборот билан таъминлашда ОАВ мухим роль йўнаб, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини оширишда асосий восита бўлиб хизмат қиласди. Айниқса, бола ҳуқуқлари ва эркинликлари, яъни уларнинг эркин фикрлаши, ҳар қандай ахборотни турли тарзда (оғзаки, ёзма ёки бошқа шаклда) олишлари ёки оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий-маданий йўналишларида ахборот материаллари билан қатнашишларига тўсқинлик қиласмаслик зарур. Афсуски, сўнгти йилларда бола ҳуқуқлари мавзусида ёритилаётган журналистик материаллар таҳдил этилганида, кўпроқ бир томонламаликка йўл қўйилиши, бола ҳуқуқлари билан боғлиқ меъёrlарнинг бузилиши, эълон қилинаётган материалларнинг, асосан, ахборот жанрларида бериләётгани, таҳдиллий, аҳолига осон етиб борадиган материаллар камлиги кўзга ташланади. Шунингдек, болалардан интервью олишда журналист этикасига риоя қиласмаслик ҳолатларининг учраши журналистларнинг, хусусан, журналистика факультети талабаларининг ҳуқуқий онг ва маданиятини шакллантиришни тақозо этади. Бу ўз навбатида оиласда бола

тарбияси, унинг фаровонлигини таъминлаш йўлари, отоналарнинг бола тарбиясида тутган ўрни, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, катталарнинг болаларга бўлган муносабати ҳақида сифатли ва таҳлилий материаллар тайёрлаш учун зарурдир.

Айни пайтда бола ҳуқуқлари масаласи жаҳондаги етакчи университетларнинг журналистика факультетларида ўрганилади. Хусусан, Дублин технологик университетида (Ирландия), Истамбул университетида (Туркия) у асосий фан сифатида киритилган. МДҲ мамлакатлари ичида биринчи маротаба Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида 2012 йилдан бошлаб ЮНИСЕФ — халқаро болалар жамғармасининг молиявий кўмагида бакалавриат ва магистратура йўналишидаги талабаларга "Бола ҳуқуқларининг ОАВда ёритилиши ва журналист этикаси" маҳсус ва факультатив курслари ўқитила бошланди.

Назорат учун саволлар:

1. Бола ким?
2. Неча ёшгача бўлган шахслар бола дейилади?
3. Болаларнинг қандай ҳуқуқлари бор?
4. Бола ҳуқуқларининг катталар ҳуқуқларидан фарқи нимада?
5. Нима учун бугунги кунда болалар мавзуси ОАВда дол зарб ҳисобланади?



Мустақил ўрганиш учун топшириқлар:

1. Ўзбекистонда болалар журналистикаси қай дарражада ривожланган? Ўзбекистон Республикасида "Фунча", "Класс" ва "Гулхан" журналларида болалар фикрлари қай тарзда берилишини ўрганинг ва олинган натижалар асосида реферат ёзинг.
2. Халқаро болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятини ўрганинг.

1.2 §. Бола ҳуқуқларининг вужудга келиш тарихи

Ҳар бир давлатнинг демократик тараққиётини белгиловчи энг муҳим мезонлардан бири, шубҳасиз, инсон ҳуқуқлариdir. Бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий механизмлари изчил тақомиллашиб бормоқда. "Аёллар ҳуқуқлари", "ногиронлар ҳуқуқлари", "беморлар ҳуқуқлари" сингари шахснинг алоҳида ҳуқуқлари шаклланмоқда. Бундай ҳуқуқли шахс ўзининг жисмоний ва ижтимоий аҳволи, алоҳида эътиборга эҳтиёжи борлиги туфайли жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳаёт кечириши билан бир қаторда, ёрдамга муҳтоҷлиги учун алоҳида ҳуқуқ, имтиёз ва кафолатлардан фойдаланади. Шу нуқтаи назардан, халқаро ҳуқуқ тизимида жисмоний ва ақдий жиҳатдан камолга етмаган, алоҳида эътибор ва ғамхўрликка, бинобарин, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам ҳимояга муҳтоҷ болаларга тақдим этилаётган ҳуқуқ, имтиёз ва кафолатларни қамраб олувчи "бала ҳуқуқлари" деган ҳуқуқ соҳаси юзага келди. Бола ҳуқуқлари ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтган муҳим соҳа бўлиб, инсон ҳуқуқлари концепциясининг ажralmas таркибий қисмидir.

Гап инсон ҳуқуқлари тизимида бола ҳуқуқларининг халқаро-ҳуқуқий асослари ҳақида борар экан, бу бора-да 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган БМТнинг асосий шартномаларидан бири – Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясига асосий халқаро ҳужжат сифатида кенгроқ тўхталмоқ жоиздир. Ушбу ҳужжатнинг пайдо бўлиши тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у 1919 йилда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида жаҳоннинг турли мамлакатларида турли ташкилотларнинг вужудга келишидан бошланади.



АҚШнинг Балтимор шаҳрида истиқомат қилган 8 ёшли Мари Элен Уильсон исмли қизалоқнинг онаси томонидан мунтазам калтакланишини кўрган Ҳайвонларни қийноқча солишига қарши курашиб жамиятининг маҳаллий бўлими аъзолари унга ёрдамга келиб, қизини хўрлагани учун онасини судга берадилар. Ана шу воқеа бола ҳуқуқдарини ҳимояяни қилиш борасида қўйилган илк қадамлардан бири эди³.

1919 йил 19 май куни Лондонда Джебб Эглантин ва унинг синглиси Дороти Бакстон томонидан "Болаларни қутқаринг" ташкилоти тузилади⁴. Мазкур ташкилот кейинчалик Болалар хавфсизлиги жамғармасининг вужудга келишига туртки бўлаади.⁵ Ташкилотнинг асосий мақсади - болалар ҳимояси би-

3. Международные стандарты в области соблюдения прав детей и их имплементация в национальное законодательство. Доклад уполномоченного по правам человека в Республике Казахстан №20 о соблюдении прав детей в Республике Казахстан". http://www.ombudsman.kz/publish/docs/doklad_spec/detail_2.

4. Школы для всех. Включение детей со специальными потребностями в образование. London © Save the Children, 2002.

5. Олег Старовойтов. Становление и развитие международной защиты прав ребенка.// Белорусский журнал международного права и международных отношений. 1998. № 5 С.55-59.

лан шүгүлланувчи, дунёнинг ҳар бир бурчагида ваколатхонасига эга бўлган жамғарма тузиш эди.

1919 йилнинг 4 февраль куни Россиядаги ҳам Болаларни ҳимоя қилиш кенгашини тузиш ҳақида декрет қабул қилинади. Шу йилнинг 19 ноябрь куни Швецияда Рада-Барнен номи билан аталмиш жойда биринчи болаларни ҳимоя қилиш ва ҳар қандай қийноқ ва азоблар, очлик ва муҳтожлиқдан қутқаришга қаратилган ташкилот дунёга келади. Унинг асосчилари Элен Пальмшерна (раиси), ёзувчи Элин Вагнер ва Герда Маркуслар ҳаётларининг охиригача ташкилот фаолияти доирасининг кенгайиши учун жон кўйдиришади.⁷ 1920 йили Женевада "ҳалқаро болаларни қутқариш иттифоқи"га асос солинади. Унга биринчилардан бўлиб, Буюк Британиянинг "Болаларни қутқаринг" ва Швециянинг "Рада-Барнен" ташкилотлари аъзо бўладилар.

! 1919 йил 19 май куни Лондонда Джебб Эглантина унинг синглиси Дороти Бакстон томониган "Болаларни кутқаринг" ташкилоти тузилади.

! 1920 йили Женевада "Халқаро болаларни құтқарыш" Иттифоқыға асос солынади.

Шундан кейин бола ҳуқуқлари бүйича иккита муҳим ҳужжат, яъни 1924 йилда Джебб Эглантин томонидан ишлаб чиқилган⁸. Бола ҳуқуқлари бүйича Миллатлар Лигасининг Бешинчи Ассамблеяси томонидан тасдиқланган Женева декларацияси⁹ ҳамда 1959 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг Бола ҳуқуқлари Декларацияси қабул

6. И.Н. Войткевич. История беспризорности в России в 20-е годы XX века. Современные проблемы науки и образования. – 2012. – № 2; www.science-education.ru/102-6002

7. <http://www.savethechildren.org>

8. Black, Maggie, *Children First: The Story of UNICEF, Past and Present*, Oxford: Oxford University Press, 1996.

қилинди¹⁰. Ушбу Декларацияда жамиятнинг асосий ташкилоти оила эканлиги ва унинг барча аъзолари, айниқса боаларнинг ўсиб улғайишлари учун жамият доирасидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олиши кўрсатиб берилди.



**! 1959 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг
Бола ҳуқуқлари Декларацияси қабул қилинди.**

Бола туғилгандан бошлиб, унда ҳуқуқ лаёқатининг вужудга келиши, аниқ бир исм билан аталиши ва фуқароликка эга бўлиши, яшаш ҳуқуқи, шунингдек, ота-онасини билиши ва уларнинг ғамхўрликларидан баҳраманд бўлиши каби ҳуқуқлари вужудга келди. 1979 йил эса БМТ томонидан дунё бўйича "Халқаро бола" йили деб эълон қилинди¹¹. Орадан 10 йил ўтгач, 1989 йилнинг 20 ноябрь куни Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қабул қилинди.

**! 1979 йили Халқаро бола йили деб эълон қилинди.
1989 йил 20 ноябрда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қабул қилинди.**

10. wikipedia.org/wiki/Declaration_of_the_Rights_of_the_Child

11. ООН. Памятные даты. <http://www.un.org/ru/events/observances/years.shtml>

Ўзбекистон Республикаси қонунчиллик тизими халқаро ҳуқуқ, нормаларини тан олади ва қадрлайди. Бундан, табиийки, болалар ҳуқуқлари ҳам мустасно эмас. Аввалин, Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида ратификация қилган дастлабки халқаро ҳужжатларидан бири – бу Инсон ҳуқуқлари Умумжахон Декларацияси ҳисобланади. Ушбу меъёрий ҳужжатнинг 27-моддасида “оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳсиз туғилишидан қатъий назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак”ligи қайд этилган.

! “Оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳсиз туғилишидан қатъий назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак”.

**Инсон ҳуқуқлари Умумжахон Декларациясининг
27 –моддаси**

БМТ Баш Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция Ўзбекистон Республикаси томонидан дунёнинг 193 давлати қаторида 1992 йил 9 декабрида ратификация қилинди. Давлат ўз зиммасига мазкур халқаро ҳужжатда қайд этилган болаларнинг барча ҳуқуқларини, жумладан боланинг шахси, турар-жой дахлсизлиги, хатхаблари сир тутилишини таъминлаш ҳамда бола экспулатациясининг барча шакларидан, шу жумладан, жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликлардан, қийноққа солишлардан ёки шафқатсизлик, қўпол ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шакллардаги муомаладан, жиноий фаолиятга, фоҳишалик билан шуғулланишга жалб этилишдан ҳимоя қилиш мажбуриятини олди.



Мамлакатдаги ҳар бир боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари суд орқали ҳимоя қилиниши, шунингдек, давлат, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг бола ҳуқуқларига зид қарорлари, мансабдор шахсларнинг файриқонуний ҳаракатлар(ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқлари кафолатланди. Ҳар бир боланинг ўз оиласида яшами ва тарбияланиши, ўз ота-онасини билиши, улар билан бирга яшами ва уларнинг ғамхўрликларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги, боланинг ота-онаси бўлмагандан ёки улар ота-оналий ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганда ёхуд бошқа ҳолларда унинг оиласида яшами ва тарбияланиши ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан таъминланиши белгиланди.

Назорат учун саволлар:

- Илк маротаба Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти қачон вужудга келди ва бунга нима сабаб бўлди?
- Нима учун 1979 йили БМТ томонидан "Халқаро бола" йили деб эълон қилинди?

3. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Бола ҳуқуқлари тұғрисидаги Конвенция қағон қабул қилинди?

4. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тұғрисида»ғи Ұзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши натижасыда бола ҳуқуқлари ҳимояси бүйічә қандай үзгаришлар із берди?



Мустақил үрганиш учун топшириқ:

Жаһонда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қандай ташкилотлар мавжуд?

Уларнинг фаолиятини интернетдеги сайtlар орқали таҳдил қилинг.



2-БОБ. БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

2.1§. Бола ҳуқуқларига доир халқаро ҳужжатлар

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш ҳозирги замоннинг глобал муаммоларидан бири бўлиб, уларнинг ҳал этилишидан бутун дунё ҳамжамияти манфаатдор. Бу жамиятнинг фаровонлиги ва келажакдаги ривожланиш истиқболларини кафолатлашда ўсиб-улғайиб бораётган авлоднинг тутган ўрни билан белтиланади. Бироқ, тан олиш керакки, дунёда ҳеч бир давлат бола ҳуқуқларига риоя этиш бўйича намуна бўла олмайди.



Демократик ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар учун ҳам вояга етмаганлар жиноятчилигининг ўсиши, ҳаёт даражаси паст оиласарнинг мавжудлиги, тиббий хизматнинг етарли даражада эмаслиги оқибатида болалар ўлими, қаровсиз, бошпанасиз болаларнинг қўпайиши каби хусусиятлар хос.

Бундай омилларнинг барчаси болалар муаммоларини фақаттина миллий воситалар билан ҳал этиш мумкин эмас-лигини исботлаб, дунё ҳамжамияти доирасида ҳаракатларни бирлаштиришни ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган халқаро-ҳуқуқий институттинг пайдо бўлишини тақозо эта-ди. Бугунги кунда бола ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш шахснинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши ва му-каммал шаклланиши, бола ҳуқуқларининг миллий қонун-чилиқда белгиланишига кўмаклашиб ва ривожланаётган давлатларда болаларга халқаро ёрдам қўрсатиш мақсадида бола ҳуқуқларини ишлаб чиқиш ва таъминлашга қаратил-ган давлат ва нодавлат халқаро ташкилотларнинг ўзаро ке-лишилган ҳаракатларини ифодалайди.

1923 йилда Болаларни қутқариш халқаро иттифоқи ноҳукумат ташкилоти кенгаши томонидан "Бола ҳуқуқла-ри тўғрисида"ти Декларациянинг¹² қабул қилиниши, Мил-латлар Лигаси эса 1924 йил Женева шаҳрида бўлиб ўтган 5-сессиясида Болаларни қутқариш халқаро иттифоқи то-монидан таклиф этилган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ти Декларациясини¹³ қабул қилингани инсонияттинг энг ҳимоясиз қатлами бўлмиш болалар муаммосига бўлган эъти-борнинг ilk куртаклари эди. Бу болалар манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий тусга эга биринчи ҳужжат ҳисобланади.

! Беш татомийлдан иборат бўлган Декларация болаларни халқаро ҳимоя қилишининг мақсадларини бел-гилаган: болага унинг меъёрга ривожланиши учун мод-дий ва матънавий имконият бериш (1-модда); оч қол-ган бола тўйдирниш, бетоб бўлган болани парвариш қилиш, ахлоқи бузилган болаларни тўғри йўлга солиш, етим ва бошпанасиз болаларга турар жой бериш ҳамда уларнинг яшаши учун барча зарур нарсалар билан

12. Black, Maggie, Children First: The Story of UNICEF, Past and Present, Oxford: Oxford University Press, 1996.

13. wikipedia.org/wiki/Declaration_of_the_Rights_of_the_Child

таъминлаш (2-модда); фалокат соид бўлган вақтда бола биринчилардан бўлиб ёрдам олиши шарт (3-модда); болага тирикчилик воситасига эга бўлиши учун ишлаш имконияти берилиши, ва у эксплуатациянинг барча кўринишларидан сақланган бўлиши шарт (4-модда); бола шундай онгли равишда тарбияланиши керакки, унинг яхши фазилатларидан келажак авлоднинг саодати йўлида фойдаланиш мумкин бўлсин (5-модда)¹⁴.

Декларацияда биринчи марта бола ҳақида ғамхўрлик ва уни ҳимоя қилиш оиласининг, жамиятнинг ёки алоҳида бир давлатнинг бурчи бўлмасдан, балки бутун инсоният боланинг баҳт-саодати тўгрисида қайгуриши таъкидланган. Бироқ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг таркибий қисми сифатида бола ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш тизими узил-кесил Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида шаклланди, унинг асосий тамоилларидан бири инсон эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳеч қандай камситишларсиз ҳурмат қилиниши эълон қилинди. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принципи БМТ уставида ҳам белгиланган¹⁵. Ушбу Низомнинг муқаддима қисмида "... инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахснинг қадр-қимматига нисбатан ишончни қайта қарор топтириши" тўгрисида халқ бирдамлиги билдирилган.

БМТ уставининг 1-моддаси 3-бандига мувофиқ, ташкилотнинг мақсадларидан бири "**барчанинг ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишни рағбатлантириш ва ривожлантиришда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш**", БМТ кўмаги билан "**барчанинг асосий эркинликларига ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишига ялпи ҳурмат билан қараш (55-модда, с-банди)"**"дир.

14. [wikipedia.org/wiki/Declaration_of_the_Rights_of_the_Child](https://en.wikipedia.org/wiki/Declaration_of_the_Rights_of_the_Child)

Устав инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бүйича давлаттар ҳамкорлигини мувофиқлаштирадиган органларни ҳам белгилаган, хусусан: Бөш Ассамблея тадқиқотлар уюштиради ва тавсиялар беради (13-модда), Икәтисодий ва Ижтимоий кенгаш маслаҳат ва тавсиялар бериш ҳамда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш бүйича комиссиялар тузади (63—68-моддалар). Бундай мақсаддар учун универсал хусусиятта эга бўлган маҳсус органлар ҳам ташкил этилган (Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия), шунингдек, аҳолининг алоҳида қатламларини ҳимоя қилиш бўйича функционал (Аёллар ишлари бўйича комиссия, Озчиликни ҳимоя қилиш ва камситишларни олдини олиш бўйича комиссия, Қоюқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, ҳуқуқбузарлар билан муносабатда бўлиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича БМТ Конгресси). Шундай қилиб, БМТ устави инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро стандартларни ишлаб чиқишни ва уларга риоя этилишини назорат қиласидиган халқаро назорат органларини ташкил қилишни ўз ичига қамраб олган инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш механизмини шакллантириш учун ҳуқуқий асосни яратди. Бола ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича чоралар ишлаб чиқиш зарурияти ҳамда унинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотта эришмаганлиги болалар ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилишни асосий соҳага ажратишни талаб қиласиди. Ушбу мақсадда БМТ доирасида Ижтимоий комиссия ва Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ташкил қилинган. Бундан ташқари, алоҳида соҳаларда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан БМТнинг қўйида-ти ихтисослашган муасассалари ҳам шуғулланади:

- Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ),
- Бутунжаҳон соглиқни сақлаш ташкилоти (БССТ),
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фан, маданият ва таълим масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО)¹⁵.

15. Устав ООН. <http://www.un.org/ru/documents/charter>

Фақат болалар муаммолари билан шуғулланадиган ташкилот - бу БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳисобланади.

! ЮНИСЕФ БМТ Бош Ассамблеясининг 1946 йил 11 декабрда қабул қилинган 57(1)-Резолюцияси асосига ташкил этилган. Ушбу резолюцияда урушдан кейинги Европага болаларга ёрдам кўрсатиш мақсадига Жамғарма ташкил қилиниши белгиланган.

Жамғарма ўзининг тассарруфида мавжуд бўлган маблагълари доирасида ташкил қилиниши ва ундан мақсадди фойдаланиши лозим. ЮНИСЕФдан ёрдам оладиган ҳукуматлар учун ушбу ёрдамни эҳтиёжга қараб ҳамда ирқи, дини, миллати ва сиёсий эътиқодига нисбатан камситишларсиз тақсимлашга мажбур. Резолюцияга мувофиқ, ЮНИСЕФнинг бошқарув органи - Ижроий кенгаши ташкил этилган.

1953 йилда Болалар жамғармаси БМТ тизимиға киритилди (Бош Ассамблеяниңг 1953 йил 6 октябрдаги 802(8)-Резолюцияси) ва унинг ваколатлари кентайтирилди¹⁶: Унга давлатларда юзага келган иқтисодий ва сиёсий ҳолатлар натижасида, шунингдек, қуролли тўқнашувлар вақтида етишмовчиликни бошидан кечирган болаларга узоқ, муддатли ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи берилди. ЮНИСЕФнинг асосий вазифаси - ривожланаётган давлатлар ҳукуматларига мактаблар учун жиҳозлар, озиқ-овқатлар, дори-дармонлар етказиб бериш, ўқитувчилар учун стипендиялар ажратиш ҳисобланади. ЮНИСЕФнинг Ижроий кенгаши 36 давлатдан иборат бўлиб, фаолиятнинг асосий йўналишларини белгилайди, дастурларни таҳдил қиласи ва Жамғарма бюджетини тасдиқлайди. ЮНИСЕФ котибиятининг бош қароргохи Нью-Йоркда жойлаштан бўлиб, ўз фаолиятини 140 дан ортиқ мамлакатда (жумладан, Ўзбекистон Республикасида) жойлашган ўзининг бюrolари (200 дан ортиқ) орқа-

16. Black, Maggie, Children First: The Story of UNICEF, Past and Present, Oxford: Oxford University Press, 1996.

ли амалга оширади. ЮНИСЕФ ҳузурида болаларни ривожлантириш халқаро маркази фаолият юритиб келмоқда.

У 1988 йилда Италия ҳукуматининг молиявий таянч кўмаги билан Инноченти ихтисослашган тадқиқот ва ўқув мусасасаси сифатида ташкил қилинганд¹⁷.

! Болалар ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш қўйигаги бир неча йўналишларда амалга оширилади:

1) болалар ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларни тайёрлаш мақсадида конвенция, резолюция, декларацияларни ишлаб чиқиш;

2) болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус назорат органини ташкил этиш;

3) миллий қонунчиликни халқаро мажбуриятларга мувофиқлаштиришга кўмаклашиш (имплементация фаолияти);

4) *БМТ Болалар жамғармаси орқали халқаро ёрдам кўрсатиш.*

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишда энг самарали восита бу ҳуқуқий-ижодкорлик фаолиятидир. У икки йўналишда олиб борилди: 1) инсон ҳуқуқлари бўйича умумий конвенция ва декларацияларда ёки бола билан узвий боғлиқ алоҳида ижтимоий гурӯҳлар ҳуқуқларини (аёллар ҳуқуқи) белгилайдиган ёки муайян соҳалардаги муносабатларда бола ҳуқуқларини (оила, меҳнат ҳуқуқи, таълим олиш ва бошқалар) халқаро шартномаларда мустаҳкамлаш; 2) бола ҳуқуқларини тартибга соладиган махсус декларация ва конвенцияларни ишлаб чиқиш.

Инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш доирасида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан **1948 йил 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси**¹⁸, 1966 йилда **Фуқаролик ва сиёсий ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактлар қабул**

17. www.un.org/ru/documents/decl_conv/.../protocol_slavery.shtml

18. А.С. Автономов. Ювиналъная юстиция. М., 2009

қилинди¹⁹. Мазкур Декларация ва пактларда бевосита бола ҳуқуқлари ва манфаатларига тааллуқли қатор қоидалар ифодаланган: **болаларнинг тенглик принципи, оналик ва болалик муҳофаза қилиш тұғрисида, болаларни эксплуатация қилинишидан ҳимоя этиш тұғрисидаги нормалар, болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи ва бошқалар**. Шунингдек, Декларация ва пактларда болаларнинг тенглик принципи эълон қилинган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тұғрисидаги халқаро Пактда ҳар бир бола ирқи, ранги, жинси, тили, дини, миллий ва ижтимоий келиб чиқиши, туғилиши ва мулкий ҳолати белгилари бүйіча ҳеч қандай камситишларсиз оила, жамият ҳамда давлат томонидан унинг бола сифатида талаб қилинадиган ҳимоя чоралари ҳуқуқига эга (24-модда 1-банд)²⁰.

Іқтисодий, ижтимоий ва мәданий ҳуқуқлар тұғрисидаги халқаро Пактда оиласави келиб чиқиши ҳамда бошқа белгилар бүйіча камситишлар тақиқланади (10-модда 3-банд)²¹.

Декларацияда болалар ота-онасининг никоҳи давомида туғилғанлығи ёки никоҳсиз туғилғанлығидан қатын назар уларнинг тенглиги тұғрисида қуидаги белгиланган: "Никоҳда ёки никоҳсиз туғилған ҳамма болалар бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланишлари шарт" (25-модда)²².

Декларациянинг 25-моддасыда "оналик ва болаликка нисбатан алоҳида ғамхұрлық құрсатилади ва ёрдам берилади" деб белгиланган.

Іқтисодий, ижтимоий ва мәданий ҳуқуқлар тұғрисидаги халқаро Пактда²³ оиласа "асосан унинг пайдо бўлишида ва унинг қарамогидаги болаларнинг тарбияси билан борғлиқ масалаларда имконият даражасида жуда кенг муҳофаза ва ёрдам қўрсатилиши" шарт деб белгиланган (10-модда 1-банд), шунингдек, оналар тувишгача бўлган ва ундан

-
- 19. www.un.org/ru/documents/decl_conv
 - 20. www.un.org/ru/documents/pact_conv
 - 21. www.un.org/ru/documents/pact_conv
 - 22. www.un.org/ru/documents/decl_conv
 - 23. www.un.org/ru/documents/pact_conv

кейинги маъқул даврларда алоҳида муҳофаза остида бўлишлари эътироф этилган (10-модда 2-банд). Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактда²⁴ оиланинг жамият ва давлат томонидан ҳимоя ҳуқуқи борлиги тўғрисида сўз юритилган (23-модда). Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга мувофиқ, давлат "болалар ўлими ва уларнинг нобуд туғилиши ҳамда боланинг соғлом ривожланишини таъминлаш" учун чоралар кўради (12-модда). Декларациянинг 26-моддаси ҳар бир инсоннинг таълим олишга бўлган ҳуқуқини эътироф этган: "Умумий ва бошлангич таълим текин бўлиши лозим; бошлангич таълим мажбурий бўлиши шарт" ва "ота-оналар ўзларининг ёш болаларига таълим турини танлашда устунлик ҳуқуқига эга" деб белгиланган. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактда ҳам бошлангич таълимнинг ҳамма учун текин ва мажбурийлиги тўғрисида сўз юритилган (13-модда).

Болалар соғлиғи ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун болалар никоҳларини тақиқлаш тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий нормалар муҳим аҳамият касб этади. Никоҳ ёшида никоҳга киришга розилик ва никоҳни қайд этиш тўғрисидаги 1962 йилги Конвенцияда²⁵ давлат томонидан энг кичик никоҳ ёшини белгилайдиган қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши белгиланган. Конвенция "никоҳга кирувчи томонлар манфаатларида ваколатли органнинг ушбу қоидадан истисно ҳолатида рухсатидан ташқари ҳолларда белгиланган ёшта тўлмаган шахслар билан никоҳ тузишни" тақиқлаган (2-модда).

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1965 йил 1 ноябрда қабул қилинган энг кичик никоҳ ёшда никоҳга киришга розилик ва никоҳни қайд этиш тўғрисидаги Тавсиянома²⁶ ҳамда 1967 йил 7 ноябрда қабул қилинган Аёлларга нис-

24. www.un.org/ru/documents/pact_conv

25. www.un.org/ru/documents/pact_conv

26. www.un.org/ru/documents/decl_conv

батан камситишларни тугатиш тұғрисидеги Декларация²⁷ бола ёшида никохға кириш ва ёш қыздарни унаштиришни тақиқлаш ҳақидағи қоидаларни үз ичига олган, давлаттарға никохға кириш учун энг кичик ёшни белгилаш ва никохни расмий муассасаларда қайд этиши бўйича самарали чораларни қабул қилишни таклиф қилган.



Шу үринде болалар қуллиги, одам савдоси ва фоҳиша-бозлик мақсадида аёллар ва болаларниң савдосига қарши курашга бағишиланган халқаро ҳужжатларни ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

1953 йилда Бөш Ассамблеяның 794(8)-Резолюцияси билан 1926 йилда қабул қилинган Қуллик тұғрисидеги Конвенцияга²⁸ ўзгартышлар киритиш ҳақида Протоколни маъқуллади. 1956 йилда Женевада бўлиб ўтган конференцияда қуллик, одам савдоси, қуллик билан боғлиқ одатлар ва институтларни тугатиш тұғрисида қўшимча Конвенция²⁹ қабул қилинди.

27. www.ru.refugeeclawreader.org/index.php?option=com_content.

28. www.un.org/ru/documents/decl_conv

29. http://oxtrud.narod.ru/konvencionMOT_4.htm

Конвенцияда болалар меҳнатини эксплуатация қилиш сингари қулликка ўхшаш институтни йўқотиш ифода этилган. Бунда ҳар қандай институт ёки одат деганда "18 ёшга тўлмаган ўсмири ёки бола ўзининг ёлғиз онаси ёки отаси, ёхуд ота-онаси томонидан ёки васийси томонидан ҳақ эвазига ёки бепул унинг меҳнатини эксплуатация қилиш мақсадида" бошқа шахста бериш тушунилади, дейилган (1-модда d-банди). Конвенция қул савдоси учун жиноий жавобгарликка тортилишни назарда тутади.

1947 йил 20 октябрда БМТ томонидан 1921 йилги "Аёллар ва болалар савдосига қарши кураш тўғрисида"ти халқаро Конвенция³⁰ ҳамда 1933 йилги "Вояга етган аёллар савдосига қарши кураш тўғрисида"ти Конвенцияга Протоколлар³¹ қабул қилинди. Мазкур Конвенция ва Протоколларда аёлларни фоҳишабозликка жалб қилиш ва аёллар ҳамда болалар савдоси билан шуғулланадиган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш, аёллар ва болалар савдоси билан шуғулланадиган профессионал савдогарлар ҳақидағи маълумотларни алмасиши тўғрисида давлатлараро мажбуриятлар белгиланган.

1960 йил 14 декабрда ЮНЕСКО давлатларнинг таълим соҳасида ирқи, жинси, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, сиёсий эътиқодини камситишга йўл қўймаслик бўйича таълим соҳасида Камситишларга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияни³² қабул қилди. Конвенцияда шундай қоида белгиланганки, унга кўра бошлангич таълим мажбурий ва бепул бўлиши давлат зиммасига юклатилган (4-модда a-банди).

30. base.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc;base= INT; n=15260

31. [https://www.un.org/ru/ga/2/docs/2res.shtml?](https://www.un.org/ru/ga/2/docs/2res.shtml)

32. www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/refugees.shtml?



Қуролли түқнашувлар даврида аёллар ва болаларни ҳимоя қилишга доир ҳалқаро ҳужжатларни алоҳида кўрсатиш лозим. **1949 йилги "Уруш вақтида аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ти Женева конвенцияси³³ ҳамда ушбу ҳужжатнинг 1977 йилда қабул қилинган Қўшимча Протоколлари³⁴ аёллар ва болаларга ҳарбий ҳаракатлар бўлганда маҳсус ҳимоя тақдим этилишини белгилаган.

! *1974 йилда тинч аҳолига мансуб бўлган аёллар ва болаларни алоҳида ҳимоялаш борасида давлатларга берилган тавсияларни ўз ичига олган фавқулодда ҳолатларда ва қуролли түқнашувлар даврида аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Декларация қабул қилиши.*

Болалар меҳнатини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳалқаро нормалар (**ХМТ**) томонидан қабул қилинган конвенцияларда акс этган. Таъкидлаш жоизки, ХМТ доирасида қабул қилинган дастлабки конвенцияларда болалар меҳ-

33. www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/educat.shtml
34. www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/armed.shtml

натидан фойдаланишни қисқартириш бүйича талаблар белгиланган³⁵.

ХМТНИНГ 1946 йилда қабул қилинган 77- ва 78-Конвенциялари болалар ва ўсмирларни, уларнинг саноатда ва бошқа корхоналарда меҳнат қилишга яроқлилигини аниқлаш мақсадида мажбурий тиббий кўриқдан ўтказишни белгилаган³⁶. Ушбу ҳужжатларда, агар 18 ёшга тўлмаган болалар ва ўсмирлар тиббий кўрик натижасига кўра, улар тайинланган ишларга яроқсиз деб белгиланса, ишга қабул қилинмаслиги лозим. 79- ва 90-конвенциялар саноат ва бошқа корхоналарда болалар ва ўсмирларнинг туғи меҳнатини чеклашга қаратилган.

1973 йилда Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 138-Конвенция³⁷ қабул қилинган бўлиб, унга мувофик, давлатлар "болалар меҳнатини самарали равишда туғатишни ва ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшни ўсмирларнинг тўлиқ жисмоний ва ақдий ривожланишига кўпроқ мос келадиган даражагача оширишни таъминлаш" мажбуриятини олади (1-модда).

Мазкур Конвенцияда уни ратификация қилған ҳар бир давлат ўз ҳудудида ўсмирларни ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисидаги маълумотлардан хабардор қилиш лозимлиги тўғрисида маҳсус қоидалар белгиланган.



35. www.un.org/ru/humanitarian/law/geneva.shtml

36. www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations

37. Ўша ерда.

ХМТнинг Меҳнат соҳасида асосий принцип ва ҳуқуқлар ҳамда уларни амалга ошириш тўғрисидаги Декларациясининг 2-моддасида "барча аъзо-мамлакатлар, ҳаттоқи агар улар кўрсатилган Конвенцияларни ратификация қилмаган бўлсалар ҳам, уларнинг ушбу Ташкилотга аъзолигидан келиб чиққан ҳолда, Низомга мувофиқ, ушбу Конвенцияларнинг предмети ҳисобланган асосий ҳуқуқларга дахлдор принципларга риоя этиш, уларни қўллаш ва ҳаётта татбиқ этишга қўмаклашиш мажбуриятига эга", деб белгиланган.

1999 йилда қабул қилинган Болалар меҳнатининг энг ёмон шакларини тугатиш бўйича кечикириб бўлмайдиган чораларни кўриш ва уларни тақиқлаш тўғрисидаги 182-Конвенция³⁸ давлатлардан болалар меҳнатининг энг ёмон шакларини (БМЁШ) тугатиш учун зарур чоралар кўришни талаб қиласди. БМЁШга қуидагилар киради:

а) қуликтининг барча шаклари ёки қуликка ўхшаш амалиёт. Масалан, болалар савдоси, қарз эвазига қул бўлиб қолиши ва крепостной қарамлик, шунингдек мажбурий меҳнат, жумладан, болалардан ҳарбий тўқнашувлар вақтида фойдаланиш учун уларни мажбурий ва куч ишлатиш йўли билан ёллаш;

б) фоҳишлилик билан шуғулланиш, порнографик маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ёки порнографик томошалар учун болалардан фойдаланиш, уларни ёллаш ёки таклиф қилиш;

в) ноқонуний фаолият билан, хусусан халқаро шартномаларда кўрсатилганидек, гиёхванд моддаларни ишлаб чиқариш ва уларнинг савдоси билан шуғулланиш учун болалардан фойдаланиш, уларни ёллаш ёки таклиф қилиш;

г) хусусияти ёки шароитига кўра бажариладиган иш болаларнинг соғлигига, хавфсизлигига ёки ахлоқига зарар етказса.

2001 йилда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган болалар меҳнатининг асосий нормаларини белгилаган

38. Уша ерда

**"Кишлоқ хұжалиғида мәңнат хавфсизлиги ва гигиена-
си тұғрисида"ти ХМТнинг 184- Конвенцияси³⁹ қабул
қилинди.**

Назорат саволлари:

1. Бола ҳуқуқларига доир қайси халқаро ҳужжатларни
биласиз? Уларни санаб чиқынг.
2. Вояга етмаганларни ишпа қабул қилиш борасида қан-
дай халқаро ҳужжатлар мавжуд?

2.2.§ Бола ҳуқуқлари тұғрисидаги Конвенция

**1990 йил 2 сентябрда Бола ҳуқуқлари тұғрисида Кон-
венциянинг күчгә кириши болаларнинг заиғлиғи ва ало-
ҳыда әзтиёжларини халқаро ҳамжамият томонидан тан оли-
ниши учун қарийб етмиш үйлік курашнинг энг юксак
нүктаси бўлди. Шунинг учун ҳам Конвенциянинг қабул
қилиниши болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида
муҳим воқеа ҳисобланади. Конвенцияда биринчи марта бола
нафақат маҳсус ҳимояни талаб қиласидиган обьект сифати-
да, балки инсон ҳуқуқларининг бутун спектри берилади-
ган ҳуқуқ субъекти сифатида қабул қилинмоқда. Конвен-
ция **3 қисм, 54 мөддадан** иборат бўлиб, у болаларнинг фу-
қаролик-сиёсий ҳамда ижтимоий-иктисодий ва маданий
ҳуқуқларини қамраб олган.**

Бола ҳуқуқлари тұғрисидаги Конвенцияни муқадди-
масида мазкур ҳужжатнинг тарихий шаклланиш асос-
лари матнида "Инсон ҳуқуқлари тұғрисида"ти Умум-
жаҳон Декларациядан, "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар
тұғрисида"ти халқаро Пактдан, "Иқтисодий, ижтимоий
ва маданий ҳуқуқлар тұғрисида"ти халқаро Пактдан,
шунингдек "Бола ҳуқуқлари Декларацияси"дан ҳаво-
лалар келтирилган.

39. www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions /childcon.shtml?

Бола ҳуқуқлари түғрисидаги Конвенциянинг **1-модасида "18 ёшга тұлмаган ҳар бир инсон, агар болага нисбатан құлланиладиган қонун бүйича у эртароқ балоғатта етмаган бұлса, бола ҳисобланади"**, деб белгиланған⁴⁰.

Конвенция, унинг иштирокчилари бўлган давлатлар учун юридик мажбуриятларни келтириб чиқарадиган ҳужжатни акс эттиришини ҳисобга олган ҳолда, ушбу ёшнинг чегараларини аниқлаш муҳим аҳамиятта эта-дир. Бола ҳуқуқлари түғрисидаги Конвенцияда катта ёшдагилар учун жиноий жавобгарлик ёши 18 ёш деб белгиланған бўлиб, унинг иштирокчилари ҳисобланган давлатларга, агар уларнинг миллий қонунларида балоғат ёшига этишнинг бошқача ёши белгиланған бўлса, унда мазкур ёшни қабул қиласликка рухсат берилган. Таъкидлаш керакки, ушбу Конвенциянинг аъзо-мамла-катлари нафақат Конвенция қоидаларига риоя этиши, балки ўзларининг миллий қонунчилигини ушбу қоида-ларга мослаштиришлари лозим. 1989 йилда Бола ҳуқуқлари түғрисидаги Конвенциянинг қабул қилини-ши билан халқаро ҳамжамият болаларнинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотта етмаганлиги боис, улар-ни маҳсус ҳимоя билан таъминлаш зарурлигини эъти-роф этди.

Шу даврда халқаро ҳуқуқда "бола" тушунчасини аниқлаш жиiddий масала сифатида юзага келди. "Бола" тушунчаси ижтимоий контекстда кўриб чиқилишига қарамасдан ушбу терминни ҳуқуқий нуқтаи-назардан таърифлаш ёки унинг вақтингчалик чегарасини белги-лаш жуда муҳим ҳисобланиб, бола шахс сифатида фа-қатгина мазкур даврда ўзига хос маҳсус ҳуқуқлардан фойдаланади. Халқаро ҳуқуқда бундай таърифлашнинг

40. www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/childcon.shtml



мушкуллиги мамлакатлар ўртасида маданият соҳасида, диний масалаларда, сиёсий, ҳуқуқий тизимларда (хусусан, аборт қилишга нисбатан ҳар хил қонунчилик) мавжуд фарқланишлар "бола" тушунчасига барча манфаатдор томонларни қониқтирадиган аниқ таъриф бериш мумкин эмаслигига кўринади.

Одатда давлатлар қонунчилигига "бола" тушунчаси ёшта оид мезонлар билан ўлчанади, яъни муайян муддат мавжуд бўлиб, у даврда шахс бола ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқий тизимда вақтинчалик чегара асос қилиб олиниб, у қайси даврдан бошлаб болаларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошланишини ва у қачон тугашини белгилаш йўли билан "бола" тушунчасини таърифлашга ҳаракат қилинди.

! Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг қабул қилиншишига қадар фақатгина 1959 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари Декларациясида шахснинг қайси вақтдан бошлаб бола ҳисобланishi айтиб ўтилган.

Ушбу ҳужжатнинг Муқаддимасида “**бала, унинг жисмоний ва ақлий камолотга етмаганилиги боис туғилишига қадар ундан сўнг алоҳида муҳофазага ҳамда фамхўрликка, шунингдек зарур бўлган ҳуқуқий ҳимояга эҳтиёж сезади**” дейилган. Чунончи, бола ҳаётининг бошланғич даврини аниқлаш масаласи Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция лойиҳасини муҳокама қилишда жиддий баҳслашувларга сабаб бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Конвенция қабул қилиниши билан боланинг қатор янги ҳуқуқлари жорий қилинди: омонлиқда яшаш ва соғлом ривожланиш ҳуқуқи (6-модда),



ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолиш ҳуқуқи (8-модда), ўз қарашларини эркин ифодалаш ҳуқуқи (12-модда), ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмаслиги (38-модда), ишлатиш ва сунистеъмолликларнинг қурбони бўлган боланинг жисмоний ва руҳий тикланиши ҳамда ижтимоий жиҳатдан ўзини ўнглаб олишига кўмаклашиш (39-модда).

! Конвенцияда илк бор оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти алоҳига кўрсатилган: иштирокчи-давлатлар бола турли хил миллий ва халқаро манбаларнинг ахборотларидан баҳраманғ бўлиши учун оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ва маданий муносабатларда бола учун фойдали ахборот ҳамда материалларни тарқатишни рағбатлантиради (17-модда). 42-моддага мувофиқ, иштирокчи-давлатлар "Конвенциянинг принциплари ва қоидалари ҳақида катта ёшдагиларни ҳам болаларни ҳам кенг хабардор этишини" ўз зиммасига оладилар.

Конвенциянинг II-қисмида (42-45-моддалар) бола ҳуқуқи бўйича қўмитани таъсис этиш, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг принцип ва нормаларини бажарилиши ҳақида миллий маъruzalарни тақдим этиш жараёнини ўз ичига олган ҳолда Конвенцияга риоя қилиниши устидан мониторингни амалга ошириш тартиби тавсифланган.

Шунингдек, Конвенциянинг ушбу қисмига мазкур ҳужжат қоидалари тўғрисида "катта ёшдагилар ва болаларни кенг хабардор қилиш учун зарур чораларни қабул қилиш" ҳақида муҳим талаблар киритилган (42-модда)⁴¹. Тарихда илк бор Конвенция доирасида унинг қоидаларини бажарилиши устидан халқаро назорат механизми – Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита яратилган. У вақти-вақти билан (5 йилда бир марта) иштирокчи-давлатларнинг Конвенция қоидаларини амалга оширилиши бўйича қабул қилган чора-тадбирлари тўғрисидаги маъruzalарини кўриб чиқиш ваколатига эга (44-модда). Бундан ташқари, қўмита шунингдек, Конвенцияда қўйилган мақсадларни бажариш бўйича халқаро ҳамкорликнинг мувофиқлаштирувчиси ҳисобланади, деб белгиланади.

41. [www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/childcon.shtml?](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/childcon.shtml)

ган (45-модда). Бунинг учун қўмита ишида БМТнинг Болалар жамғармаси, ихтисослаштирилган муассасалири, халқаро ноҳукумат ташкилотлари иштирок этишлари мумкин. Конвенциянинг яна бир янгилиги – бу шундай қоидаки, унга биноан иштирокчи-давлатлар "маърузаларини ўз мамлакатларида кенг ошкора этилишини" таъминлайдилар (44-модда б-банد).

Конвенциянинг ІІ-қисмида (46-54-моддалар) уни имзолаш, ратификация қилиш ва унга қўшилиш жараёнлари белгиланган. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция бола ҳуқуқлари тўғрисида ҳам минтақавий конвенцияларни (Африка бирдамлик ташкилоти доирасида 1990 йилда "Болаларнинг баҳт-саодати ва ҳуқуқлари тўғрисида" ги Африка хартияси⁴² қабул қилинди; Европа кенгаши томонидан бола ҳуқуқлари тўғрисида Европа конвенцияси ишлаб чиқилмоқда), боланинг алоҳида ҳуқуқларини тартибга соладиган (масалан, 1993 йил 29 майда Гаагада қабул қилинган халқаро Фарзандликка олиш муносабатларида ҳамкорлик ва болаларни ҳимоя қилиш бўйича Конвенция⁴³) ишлаб чиқилиши учун асос вазифасини ўтади.

! Узбекистон Республикаси 1992 йил 9 декабрда
Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилди.

Бола ҳуқуқларини ривожланишининг янги босқичи **2000 йил 30 сентябрда Нью-Йорқда болалар манфаатлари бўйича ўтказилган олий даражадаги Умумжаҳон учрашуви⁴⁴дан сўнг юқори даражага кўтарилди.**

42. http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/childcon.shtml

43. Конвенция о защите детей и сотрудничество в отношении иностранного усыновления. http://www.usynovite.ru/documents/international/convention_int

44. Всемирная декларация об обеспечении выживания, защиты и развития детей// http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/decl_child90.shtml



Мазкур учрашувда болаларни омонлик яшашы, ҳимоя қилиниши ва равожланишини таъминлаш тұғрисида Умумжашон декларацияси ҳамда мазкур декларацияни амалга ошириш бүйича Иш режаси қабул қилинди.

Ушбу хужжатларда ҳозирги юз йилликнинг якунига қадар амалга оширилиши лозим бўлган аниқ мақсадлар ифодаланган. Масалан:

- болаларнинг асосий қасалликларига қарши кураш;
- 5 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўлим сонини камайтириш;
- оналар ўлими даражасини қисқартириш;
- ногирон-болаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;
- қуролли тўқнашувлар шароитида болаларни ҳимоя қилиш;
- болаларнинг ажралмас ҳуқуқларини таъминлаш.

2000 йил 25 майда Бола ҳуқуқлари тұғрисидаги 1989 йилги Конвенцияга иккита қўшимча протоколлар қабул қилинди – Қуролли тўқнашувларда болаларнинг иштирокига доир факультатив протокол ва Болалар савдоси, болалар ўртасидаги фоҳишабозлик ва болалар порнографиясига доир факультатив протокол⁴⁵.

45. Всемирная декларация об обеспечении выживания, защиты и развития детей// <http://www.un.org.ru>

Штаб-квартираси Женевада жойлашган ва халқаро ҳамжамият томонидан сайланган мустақил эксперт органи бўлмиш Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита Конвенция талабларининг бажарилиши бўйича мониторингни олиб боради ва Конвенцияни ратификация қилган давлатлардан ўз мамлакатларидағи болаларнинг аҳволи ҳақида муентазам равишда ҳисобот бериб туришни талаб этади. Қўмита ҳавола этилган ҳисоботларни кўриб чиқади ва барча давлатларни бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш борасида маҳсус чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий институтларни барпо этишга давлатларни ундайди. Зарур ҳолатларда Қўмита турли хил давлатлар томонидан кўрсатиладиган халқаро ёрдам ва ЮНИСЕФ томонидан кўрсатиладиган молиявий ёрдамни таклиф этади.

ЮНИСЕФ учун Конвенция маълумот учун ташкилот ишига амалий қўлланма бўлиб хизмат қиласи. ЮНИСЕФнинг дастурий баённомасида қайс этилишича, Конвенция "бала ҳуқуқларини ҳимоя қилишга киришади" ва "бала ҳуқуқларини болаларга нисбатан муносабатда аҳлоқий тамоийлар ва халқаро стандартларни ўрнатишга ҳаракат қиласи".

ЮНИСЕФ ўз фаолиятида Конвенциянинг тамоийлари ва ҳолатларини илгари суради ва тизимли асосда бола ҳуқуқларининг устуворлиги учун курашади.

Конвенция барча мамлакатлар томонидан амал қилинishi шарт бўлган стандартлардан ташкил топиб, унда болаларга нисбатан янгича қараш ўз аксини топган. Болалар ўз ота-оналарининг мулки, ҳомийликнинг ҳимоясиз объектлари ҳисобланмайди. Улар инсон бўлиб, ўз ҳуқуқларининг эгалариdir. Конвенция болани унинг ёши ва ривожланиш даражасига мос келадиган, ўз ҳуқуқ, ва мажбуриятларига эга бўлган оила ва жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатиди қарашни таклиф этади. Агарда аввал бола эҳтиёжлари

музокаралар предмети бўлган бўлса, бугун у ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий ҳуқуқларга ва бола эса ҳуқуқ эгасига айланди.



Айтиш жоизки, Конвенциянинг ўзига хос томонлари бўлиб, булар:

- барча мамлакатлар учун бир хил кучга эга ва шу орқали болалар учун мўлжалланган дастурларнинг умумий аҳдоқий, ҳуқуқий асосини яратишга ундайди;
- илк маротаба расмий равишда бола ҳуқуқларининг бажарилиши ва унинг мониторинги бўйича мажбуриятлар қабул қилинди;
- бола ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг ажralmas қисми эканлигини эътироф этади.
- бола ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларини тўлдиради ва ундан бирор бир жиҳати билан ажralib турмайди.
- бола ҳуқуқлари ҳомийлик ёки болаларга ёрдам сифатида кўрилмайди, балки улар барча катталар томонидан амалга оширилиши ва таъминланиши мажбуриятини юклайди;
- болалар билан ишлайдиган нодавлат, шунингдек БМТ тасарруфидағи ташкилотлар учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қиласди;

- барча ҳуқуқлар боланинг ҳар томонлама ривожла-ниш учун муҳим ва аҳамиятли эканлигини тасдиқлайди;
- инсон ҳуқуқлари учун давлат масъул эканини ва мазкур масъулият билан боғлиқ шаффоффлик ва жамоат назоратини амалга ошириш лозимлигини тасдиқлайди;
- бола ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган халқаро бирдамлик тизимининг илгари суримишини таъминлайди;
- бола ҳаётида оиланинг муҳим ролини таъкидлайди ва ҳимоя қиласи.

! Инсоният тарихига Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция инсон ҳуқуқлари бўйича ҳужжатлар ичида энг кўп, яъни 193 давлат томонидан ратификация қилинган.

Жаҳонда Конвенцияни ратификация қилмаган давлатлар ҳам бўлиб, булар АҚШ ва Сомалидир. Сомалининг айни пайтда расмий ҳукумати бўлмагани сабабли Конвенцияни қабул қила олмайди, АҚШ эса мазкур ҳужжатни имзолаган бўлса-да, уни ҳанузгача ратификация қилгани йўқ. Чунки ҳар бир халқаро ҳужжатни қабул қилишдан олдин АҚШ ҳукумати уни ҳар томонлама таҳлил қиласи ва ўрганади. Мазкур жараён бир неча йиллар давом этиши мумкин. Айни пайтда Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция инсон ҳуқуқлари бўйича барча битимлар ичида миллатнинг асосий ҳужжати сифатида қабул қилинган.

! Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва Бола ҳуқуқлари бўйича Кўмита

Турли мамлакатлар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботларни шарҳлаш орқали қўмита давлатларнинг ўз стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга

тадбиқ этишига Конвенциядан амалий қўлланма сифатида фойдаланишини тавсия этиди:

- ✓ болалар учун ҳар томонлама мукаммал миллий гастурларни ишлаб чиқишида;
- ✓ ҳукуматнинг барча доираларида фаолият юритадиган мувофиқлаштирувчи, мониторинг ва баҳолашни олиб борадиган доимий органлар тизимини яратишида;
- ✓ болаларга оид қонунчилик Конвенцияга мувофиқ келишини тасдиқлаш учун;
- ✓ болага нисбатан таъсирни баҳолаш мақсадига болалар манфаатларини назарда тутадиган хукумат сиёсатини ишлаб чиқишида;
- ✓ болаларга сарфланадиган давлат бюджетининг бир қисмини таҳлил этиши ва ундан самарали фойдаланиши учун;
- ✓ мамлакатдаги болалар ахволини яхшилаш учун маълумот тўпллаш ва улардан фойдаланиши учун;
- ✓ болалар билан ишлайдиган ва болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилишида давлат сиёсатини шакллантиришида қатнашадиганларга Конвенция хусусига билимлар берши ва у ҳақида кенгроқ маълумот тарқатиш учун;
- ✓ болалар билан биргаликда фуқаролик жамиятини болалар ҳуқуқлари ҳақида кўпроқ маълумот олиш ва уни амалга ошириш мақсадига;
- ✓ бола ҳуқуқларини илгари сурши учун мустақил ташкилотлар – Омбудсманлар, Қўмиталар ва бошқа институтларни ташкил этишида.

! Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид 6 та асосий ва 70 дан зиёд универсал ва минтақавий шартномаларини тан олган.

Мамлакатимизнинг 1992 йилда Бола ҳуқуқлари тұғри-
сидаги Конвенцияга құшилиши бола ҳуқуқларига оид дав-
лат сиёсатининг устувор йұналишларини белгилаш ҳамда
бала ҳуқуқларини амалға ошириш ва ҳимоя қилиш билан
боғлиқ муносабатларни тартибга солишининг самарали ме-
ханизмини ишлаб чиқышта хизмат қылды⁴⁶. Ұзбекистон Рес-
публикаси Бола ҳуқуқлари тұғрисидаги халқаро Конвен-
ция ратификация қилингандан кейин давлатимиз мазкур
йұналишда 20 дан ортиқ халқаро битимларга құшилди. Шу
билан биргә БМТ томонидан қабул қилинган, бевосита бо-
лалар ҳуқуқларига дахлдор бошқа мөйерий ҳужжатлар,
жумладан:

✓ **Балогатта етмаган болаларга нисбатан одил судлов
юритишга доир минимал стандарт қоидалари ("Пекин
қоидалари")⁴⁷;**

✓ **Қамоқда сақлаш билан боғлиқ бүлмаган чораларга
доир минимал стандарт қоидалари ("Токио қоидалари")⁴⁸;**

✓ **Озодликдан маҳрум этилган балогатта етмаган бо-
лаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари⁴⁹;**

✓ **Балогатта етмаган болалар ўртасыда жиноятчилик-
нинг олдини олишга қаратылған дастурий принциплари
("Ар-Риёд дастурий принциплари")⁵⁰ ни ҳам амалға тад-
биқ этган.**

46. www.lex.uz

47. Минимальные стандартные правила Организации Объединенных Наций, касающиеся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних (Пекинские правила). //www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/beijing_rules.shtml?

48. Минимальные стандартные правила Организации Объединенных Наций в отношении мер, не связанных с тюремным заключением [Токийские правила] //www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/beijing_rules.shtml?

49. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озодликдан маҳрум этилган балогатта етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир Қоидалари.// <http://www.hfhrpol.waw.pl/uzbek/uz>

50. Руководящие принципы Организации Объединенных Наций для предупреждения преступности среди несовершеннолетних (Эр-Риядские руководящие принципы).// http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/juveniles_deinquency_prevention.shtml

Бундан ташқари бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир:

- Халқаро меҳнат ташкилотининг "Болалар меҳнатининг энг оғир шакллари тұғрисида"ти 182-Конвенцияси;
- "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тұғрисида"ти 138-Конвенцияси;
- "Мажбурий меҳнатни тутатиши тұғрисида"ти 105-Конвенция;
- "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тұғрисида"ти халқаро Пакт;
- "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тұғрисида"ти халқаро Пактта құшымча (факультатив) Протоколига ҳам болаларнинг ҳуқуқ ва манбаатларини муайян масалаларда мұхофаза қилишда мурожаат қилинади.

Шунингдек, БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси, ушбу ҳужжаттинг одамлар, айниқса аئллар ва болалар савдосини тұхтатиши, олдини олиш ва унинг учун жазо белгилаш тұғрисида баённомаси, Бола ҳуқуқлари тұғрисидаги Конвенция болалар савдоси, "Болалар үртасидаги фохишибозлик ва болалар порнографияси тұғрисида"ти, "Болаларнинг қуролли мажароларға жалб қилиниши тұғрисида"ти факультатив Протоколлари, "Хотин-қызлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариға барҳам бериш тұғрисида"ти Конвенция, "Құллук ва құл савдоси ва одатларни бекор қилиши тұғрисида"ти құшымча Конвенция сингари тавсиявий ҳужжатлари ҳам бола ҳуқуқларига оид миллий қонунчилікни шакллантириш ва ривожлантиришда мұхим үрин әгаллады.

! Ўзбекистон Республикаси бола ҳуқуқларига алоқарадор 100 дан зиёд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилган.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўз суверинитетини эълон қилғандан кейин дастлабки йилларида тан олған ва ратификация қилған халқаро ҳужжат Бола ҳуқуқлари тұғрисидаги Конвенцияга мувофиқ тарзда бевосита бола

хукуқларига алоқадор 100 дан ортиқ хукуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилди. Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"⁵¹ги, "Ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги тўғрисида"⁵²ги, "Вояга етмаган шахсларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Вояга етмаган шахсларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ҳужжатларини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги (2008 йил 16 апрель,)⁵³, "Бола ҳукуқлари кафолатлари тўғрисида"ги, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"⁵⁴ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"⁵⁵ги қонунлари, Оила кодекси ва бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатлар фикримизга далил бўла олади. Ушбу қонунларда бола ҳукуқларининг қонуний кафолатлари халқаро ҳукуқий меъёрлар мазмунини тўлиқ ўзида ифода этади. Бундан ташқари мамлакатда бола ҳукуқлари билан боғлиқ бир неча қонуности ҳужжатлар қабул қилинган.

! Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги "Бола ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши мазкур соҳада муҳим қадам бўлди. Қонуннинг қабул қилиниши натижасида:

51. "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=140894

52. Ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1991 й.)// www.minzdrav.uz/uz/documentation/detail.php?ID=32839&version..

53. www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1359343

54. www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=1297315

55. www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=1685726?

-бода ҳуқуқлари бўйича қонунчилик кодификациясига (юридик меъёрларни тартибга солиш) тамал тоши қўйилди;

- миллий қонунчиликни бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро стандартларига мувофиқлигини таъминлади;

- бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасига давлат сиёсатини конкретлаштириш ва бу борада давлат гастурларини ишлаб чиқилишига ёрдам берди.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этиш тўғрисида"⁵⁶ги, "Оилаларга ва болаларга давлат ёрдами ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"⁵⁷ги, "SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмасини ташкил этиш тўғрисида"⁵⁸ги,



56. www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=104720?

57. www.pravo.uz/pravouz/query.php3?topic=21963&sub=0

58. www.pravo.uz/pravouz/query.php3?topic=24471&sub

"Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик ҳақида Низом"⁵⁹, "Вояга етмаганларни фарзаңдликка олиш ва оиласа, тарбияга болаларни олиш (патронат) ҳақида Низом"⁶⁰ сингари қарорлари ана шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Конунининг қабул қилиниши мазкур соҳада муҳим қадам бўлди.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАР		
	Фақат болалар ҳуқуқларига тааллуқли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар	Болалар ҳуқуқлари мустаҳкамланган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар
		Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари Декларацияси (1948)
Универсал ҳужжатлар	БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенцияси: БХҚ (1989)	Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (1966)
	БХКнинг болалар савдоси, болалар ўртасида фоҳишабоззлик ва болалар порнографиясига доир Факультатив протокол (2000)	Иқтисадий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (1966)
	БХКнинг Вояга етмаганларни ҳарбий низоларга жалб этмасликга доир Факультатив протокол (2000)	Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шавфқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция (1984)
	БМТнинг балоғат ёшига етмаган болаларга нисбатан одил судловни юритишига доир минимал андозавий қоидалар (Пекин қоидалари 1985)	Ирқий камситишнинг барча шакларини тутатиш тўғрисидаги Конвенция (1966)

59. www.pravo.uz/pravouz/query.php3?topic=24471&sub=0?

60. www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1359343?

	БМТнинг озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганларни ҳимоя қилишга доир қоидалари (1990)	Аёлларга нисбатан камситишларнинг ҳамма шаклларини тутатиш тұғрисидаги Конвенция (1979)
	БМТнинг вояга етмаганлар орасыда жиноятчиликнинг олдина олиш бүйіча раҳбарий принциплари Ар-Риёд принциплари (1990)	Одамлар савдоси ва учинчи шахслар томонидан фоҳишибозлыкни эксплуатация қилишга қарши кураш тұғрисидаги Конвенция (1949)
	БМТнинг болаларнинг баҳт-саодати ва ҳимоясига доир ижтимоий ҳамдә ҳуқуқтый принциплари тұғрисида Декларацияси (1986)	Барча мәхнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқтарини ҳимоя қилиш тұғрисидаги халқаро Конвенция (1990)
	Ювенал одил судловни амалга ошириш: «Вена қоидалари» - БМТнинг резолюцияси 1997/30 (1997)	Ногиронлар ҳуқуқлари тұғрисидаги Конвенция (2006)
	“Болалар ҳәёти учун яроқли дүнө” БМТ декларацияси (2002)	БМТнинг Трансмиллий уюшған жиноятчиликка қарши Конвенцияси (2000)
	Жинойи ишлар бүйіча суд масалаларида етказилған зарарни үндеришта бүйічі одил судлов дастурларини құлашшыннан асосий принциплари (2002)	БМТнинг Трансмиллий уюшған жиноятчиликке қарши Конвенциясина түлдірүвчи одам айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдина олиш ва таъқиқдаш тұғрисидаги Протокол (2000)
	БМТнинг Жиноят қурбонлари ва гувохлари бұлған болаларга доир раҳбарий принциплари (2005)	Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал андозавий қоидалари (1977)

		Уруш қурбонлари ва ҳокимиятни сустеъмол қилганлик учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисида Декларация (1985)
		Ҳуқуқий тартиботни сақлашда мансабдор шахсларнинг этика кодекси (1979)
		Ҳуқуқий тартиботни сақлашда мансабдор шахсларнинг куч ва ўқ отиш қуролларини қўллашнинг асосий принциплари (1990)
		Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озодлиқдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари (1990)
Минтақавий хуқуқатлар	Боланинг баҳт-саодати ва ҳуқуқларига доир Африка хартияси (1990)	Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси (1950)
	Болаларнинг асосий ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа иттифоқи хартияси (2000)	Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка Конвенцияси (1969)
		Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартияси (1981)
		Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжоён Ислом Декларацияси (1981)
		Индивидлар ва халқларнинг инсоний ҳуқуқларига оид Осиё-Тинч океани Декларацияси (1988)

Назорат саволлари:

- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция Ўзбекистонда қаҷон қабул қилинган?
- Конвенциянинг аҳамияти нималарда кўринади?

2.3§. Болаларга нисбатан одил судловнинг амалга оширилиши

Болалар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши ва уларга нисбатан одил судловни амалга ошириш тарихига назар ташлар эканмиз, дастлаб суддов ҳуқуқбузарларни ўсмири, навқирон ва катталарга ажратиб ўтирганлигини, улар томонидан содир этилган қиммишнинг оғирлигига қараб жазо тайинланганлигида куриш мумкин. Бирок, аста-секин, жамиятда инсонпарварлик гояларининг кучайиши ва ҳуқуқда мазкур тамойиллар ифодаси ўз натижасини бера бошлиди. Гарчи вояга етмаганларни алоҳида ҳимоя қилиш зарурлиги кенг эътироф этилмаган бўлса-да, қадимги тарихий-ҳуқуқий манбаларда вояга етмаганлиги учун кечириш, авф этиш каби тушунчалар бўлганлиги эътироф этилган.

Инсоният ривожланар экан, вояга етмаган ҳуқуқбузарлар учун катталарга белгиланган қораловчи жазо чораларининг қўлланиши бесамар экани, айни пайтда, адолатли эмаслиги тан олина бошланган. Хусусан, жаҳон ҳуқуқий тараққиётида ўзига хос из қолдирган Наполеон Кодекси⁶¹ вояга етмаганларга нисбатан "ўз қиммиши оқибатини тушуниб етган ёки етмаган" каби тушунча -тамойилларни ўзида жамлаган. Ниҳоят, 1899 йили 2 июль куни АҚШнинг Илийой штатида жаҳонда биринчи марта ювенал суд — вояга етмаганлар суди ташкил этилган⁶². Шуниси эътиборлики, дунёда биринчи ювенал суд ҳақидаги қонуннинг қабул қилинишида Чикаго аёллар клубининг аъзоси Люси Флауер ва "Халл Хауз" деб номланган жамоат бирлашмаси аъзоси Жулия Латроплар ташаббускор бўлишган. Мазкур қонун "Гашландик, қаровсиз ва жиноятчи болалар ва уларга қараб туриш ҳақида" деб номланган.⁶³

Янги ташкил этилган ювенал суд вояга етмаганларга нисбатан холисона, уларнинг руҳий-биологик ривожланиши хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, анъянавий суд жараёнларини соддалаштирган шаклда ўtkаза бошлаган.

61. Гражданский кодекс Франции (кодекс наполеона) Москва. Инфотроник-медиа. 2012.

62. Судебная власть. Под.ред. проф. И.Л.Петрухина. М., 2003; Э.Б.Мельникова. Ювенальная юстиция. М.,1999.

63. Судебная власть. Под.ред. проф.И.Л.Петрухина. М.,2003; Э.Б.-Мельникова. Ювенальная юстиция. М.,1999.

Ювенал юстиция шаклланганига қадар, дастлаб унинг айрим белгилари вужудга келиб, жумладан, ташландық ва қаровсиз болалар учун меҳрибонлик масканлари ташкил этилса-да, бироқ улар күтилған натижани бермаган, яни болани тарбиялаб, ҳаётта қайтаришта ожизлик қылған, оңир вазиятда қолған болаларға нисбатан вақтингачалик маскан ролини үтәған, холос.

Ювенал юстициянинг вужудга келишида васийлик назорати тизимининг шаклланшып ва амал қилиши сезиларли үрин туғыди. Васийлик назорати тизими дастлаб АҚШнине Босғон шахрида Кук ва Августус⁶⁴ каби фуқаролар ташаббуси билан ташкил этилиб, фаолияттагы құрсаты болылады. Жумладан, бу фуқаролар вояға етімағанлар иппи құрилаёттан суд жараёнларида қатнашиб, ағарда үсмир хатосини тузатын имкони мавжудилгига ишонч ҳосил қылса, сұлдан бу болаларни жазоламай, балки уларға хұлқ-атворидан хабардор бўлиб туриспилари айтилиб, оталиққа олиш сўралған. Демак, ҳаётда турли сабабларга кўра адамшын болалар ва үсмирлар учун маҳсус масканлар ташкил этилши ва васийлик назорати тизимининг шаклланшып – ювенал юстициянинг бевосита шаклланышыдаги тадрижий босқичлар ҳисобланади, дейинш мумкин.



64. Рустем Максудов, Михаил Флямер. Ювенальная юстиция: взаимодействие государства и общества в реагировании на правонарушения и отклоняющееся поведение несовершеннолетних <http://www.az.ru.assos. sydebnoprav.uvenal. html>

Ювенал юстиция умумий юстициядан фарқ қилиб, күриладиган ишларда суддар ва судьялардан ташқари жамоатчилик вакиллари иштирокини ҳам тақозо этади. Бундан ташқари, ҳуқуқбузар болаларга нисбатан васийлик ва васийлик органлари фаолиятини ҳам үз ичига олади. Бунда жиноий юстиция вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги юзасидан ишларни күрадиган ваколатли суд органи бўлиш билан бирга, ҳаётда адашган болаларни нормал ҳаётта қайтариш, уларнинг жамиятда үз ӯринни топишига ёрдам бериш сингари профилактик тадбирлар тизимини, маҳсус субъектларнинг шу мақсадга йўналтирилган фаолиятини англатади. У ҳуқуқбузар болани шу даражага олиб келган ижтимоий мұхитта, хусусан, ижтимоий институтларга, боланинг оиласи ҳамда унинг атрофидағи болалар билан муносабатларига бевосита таъсир кўрсатиш каби жараёнларни қамраб олади.

Болаларга нисбатан одил судловнинг ватани ҳисобланган АҚШда маҳсус юрисдикцияли судлар тизимида вояга етмаганлар суди алоҳида ӯринни ташкил этади. Вояга етмаганлар суди баъзан оила суди вазифасини ҳам адo этиши мүмкін. Мазкур судлар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигига оид ишларни кўришдан ташқари, болаларига ғамхўрлик кўрсатмай келаёттан ота-оналарга нисбатан чоралар қўллаб, бола тарбияси учун шароити тўғри келмайдиган оиласалардаги болалар тарбияси масаласини назорат қилиб боришади ҳамда оиласи низоларни бартараф этишга ҳаракат қилишади.⁶⁵

! Ювенал юстиция, бир томондан, вояга етмаганларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини юқори даражага таъминлаш имконига эга, иккинчи томондан, бу тизим, албатта жамоатчилик кучига асосланади. Шу боис ҳам, мутахассислар, ювенал юстицияни суд ва фуқаролик жамияти ўртасидаги тузилма, деб эътироф этишади.

65. Гражданский Кодекс Наполеона. 1804 год.// http://lawtoday.ru/razdel/biblio/iqipzs/002/DOC_167.php

БМТ тизимидағи Бола ҳуқуқлари бүйічада құмитанинг 2007 йил 15 январдан 2 февралгача бўлиб ўттан 44-сессиясида юқорида қайд этилган Бола ҳуқуқлари тұғрисидаги Конвенцияға құшимча равищда 10-сонлы Умумий тартиб бүйічада мулоҳазалари⁶⁶ қабул қилиниб, унда қатнашчи-давлатларда ҳуқуқбузарлик содир эттан болаларга нисбатан одил судловни қўллаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар беради. Булар қатнашчи давлатларнинг вояга етмаганлар иши бўйича дастур ишлаб чиқиш ва ҳаётта татбиқ этиш, бу борада вояга етмаганлар иши юзасидан одил судловни амалга оширишда Таъсисчилар гурухга ки-рувчи БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёхвандлик ва жиноятчилик бўйича Бошқармаси (ЮНОДК) сингари ташкилотлар билан маслаҳатлашиш, ҳуқуқбузарлик содир эттан болаларнинг қилмишини судгача олиб бормай, ҳал этишни маслаҳат беради.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги бир қатор халқаро ҳужжатларда болаларга нисбатан одил судловни амалга оширишнинг асосий тамойиллари қайд этиб ўтилган. Масалан:

– вояга етмаган болаларни ахлоқ тузатиш муассасала-рига жойлаштириш ҳар доим охирги чора сифатида ва энг қисқа муддатда амалга оширилиши зарурлигини тасдиқлади;

– ўта заифлашиб қолиши оқибатида озодликдан маҳрум этилган вояга етмаган болалар алоҳида эътибор ва ҳимояга муҳтож эканини ҳамда уларнинг ҳуқуқлари озодликдан маҳрум этиш даврида ва ундан кейин ҳам кафолатланиши зарурлигини тан олади⁶⁷.

66. Комитет по правам ребенка. Замечания общего порядка. № 10 (2007). Права детей в рамках отправления правосудия в отношении несовершеннолетних. Сорок четвертая сессия. Женева, 15 января - 2 февраля 2007 года.

67. Ўша ерда.

Вояга етмаган болаларга нисбатан одил судлов тизими уларнинг ҳуқуқлари ва хавфсизлигини ҳимоялашга ҳамда яхши жисмоний, ақлий ҳолатини сақлаб қолишга кўмаклашиши зарур. Қамоқда сақлаш охирги чора сифатидагина қўлланилиши керак.

Вояга етмаган болаларни озодликдан маҳрум этиш ҳар доим охирги чора сифатида ва энг қисқа муддатта амалга оширилиши зарур. У ҳуқуқбузарликнинг ўта хавфли тури учун юзага келган шарт-шароит ва вазиятларни ҳисобга олган ҳолда ҳукм чиқарилганидан кейин суд ҳукмини ижро этишни кўзда тутадиган истисноли ҳоллар билан чекланиши керак. Жазо муддати суд органи томонидан белгиланиши ва бунда ўғил ёки қиз боланинг муддатидан олдин озод этилиши имконияти истисно қилинmasлиги зарур.

Вояга етмаган болалар ахлоқ тузатиш муассасалари ходимлари мазкур қоидалар матни билан ўз миллий тилида эркин танишиши имкониятини яратиш мақсадга мувофиқдир. Агарда вояга етмаган болалар ахлоқ тузатиш муассасаси ходимлари сўзлашадиган тилда эркин мулоқот қила олмасалар зарур ҳолатларда, хусусан, тиббий қўриқдан ўтганда, интизомий қоидабузарликлар муҳокамаси чоғида бепул таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир⁶⁸.

Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишни мунтазам равища ӯрганиш ва чоралар ишлаб чиқишининг зарурлиги ва муҳимлигини тан олиш лозим. Бунда жиноятчиликка оид ва боланинг ривожланишига ёки бошқаларга зарап етказмайдиган хулқи учун жазолашдан эҳтиёт бўлиш керак. Бунда қуидагилар кўзда тутилиши зарур⁶⁹:

68. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озодликдан маҳрум этилган балофатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари. БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил 14 декабрдаги 45/113-қарори билан қабул қилинган.

69. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озодликдан маҳрум этилган балофатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари. БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил 14 декабрдаги 45/113-қарори билан қабул қилинган. (Илова).

- болаларнинг таълим олиш билан бөглиқ турли эҳтиёжларини қаноатлантириш ва барча ўсмирлар, айниқса, таҳдид остида ёхуд ижтимоий хавфли ҳолатда бўлган ва алоҳида ғамхўрлик ҳамда ҳимояга муҳтож ёшларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган тизимни яратиш имкониятларини таъминлаш;
- ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича маҳсус назариялар ва ҳуқуқбузарликлар содир этишини камайтириш ёки бунга сабаб бўладиган шарт-шароитларни чеклашга қаратилган қонунлар, жараёнлар, муассасалар, воситалар ва хизматлар тизимларидан фойдаланишга асосланган алоҳида ёндашувлар;
- расмий органларнинг аввало вояга етмаган болалар умумий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда холис ва адодатли ёндашув асосида амалга ошириладиган аралашуви;
- барча ўсмирларнинг фаровонлиги, ривожланиши, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш;
- ўсмирларнинг умумий қоида ва қадрияларга мос келмайдиган қилиқлари ёки хулқи ўсиш ва улгайиш жараёнида ўз-ўзидан ўзгариб боришини ҳисобга олиш;
- аксарият эксперталарнинг фикрича, ўсмирга нисбатан "бузгунчи", "ҳуқуқбузар" ёки "бошловчи ҳуқуқбузар" сингари таърифларнинг берилиши нотўғри. Кўп ҳолларда уларда барқарор равишда ножўя юриш-туриш тарзи ривожланиши учун кўмаклашишнинг моҳиятига тушуниб етиш;
- айниқса, ҳали ҳеч қандай муассасалар ташкил этилмаган жойларда балогатта етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун жамоатчилик хизматлари ва дастурларини ишлаб чиқиш зарур. Расмий ижтимоий назорат муассасаларидан иложсиз ҳоллардагина фойдаланиш керак⁷⁰.

70. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг балогатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплар ("Ар-Риёд дастурий принциплари"). БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил 1 декабрдаги 45/112-қарори билан қабул қилинган.

Албатта, вояга етмаганларга нисбатан одил судловни қўллашда уларнинг ёшини эътиборга олиш керак бўлади. Вояга етмаган болалар учун жиноий жавобгарлик ёши таърифини эътироф этувчи ҳуқуқий тизимларда бундай ёшнинг қўйи чегараси, боланинг ҳис-туйғулари, маънавий ва интеллектуал жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, ўта кичик ёш даражасида ўрнатиласлиги керак⁷¹. Ваҳоланки, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилган турли хил давлатлар болаларни жиноий жавобгарликка тортиш ёши 7-8 ёшдан 14-16 ёшгacha қабул қилинган. Болаларнинг ўз қилмишлари учун жиноий жавобгарликка тортилиши судья, руҳшунос томонидан аниқданади⁷².

Бола ҳуқуқларига доир халқаро ҳуқуқ қоидаларининг энг муҳимлари мамлакатимиз қонунчилигига имплементация этилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро нормаларнинг устуворлиги Ўзбекистон қонунчилигининг бош тамоилларидан бири ҳисобланади. Демак, кундалик ҳаётда бола ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий андозаларга мамлакатимиизда тўла риоя этишга қатъий ҳаракат қилинмоқда.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Болаларни тарбиялаш билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти ҳақида"⁷³ти қарорига тўхталиш жоиз. Қарорда вояга етмаганлар жиноятчилигининг одини олиш, уларни тарбиялаш ота-оналарнинг болалар

71. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг балофатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг одини олишга қаратилган дастурий принциплар ("Ар-Риёд дастурий принциплари"). БМТ Бош Ассамблейсининг 1990 йил 1 декабрдаги 45/112-қарори билан қабул қилинган.

72. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг балофатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари ("Пекин қоидалари"). БМТ Бош Ассамблейсининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/33-қарори билан қабул қилинган.

73. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006. Биринчи жилд. – Т.: Ўқитувчи, 2007. – Б.541.

тарбияси учун жавобгарлигини ошириш билан боғлиқ ма-салаларга алоҳида эътибор қаратилган. Унда ажрашган ота-оналар боласининг ким билан яшашини белгилаш, бошқа шахслар тарбиясида бўлган болаларни ота-оналарига олиб бериш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бу ҳуқуқни тиклаш, бу ҳуқуқларни чеклаш, ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-оналар билан болаларнинг мулоқоти, ота-оналик ҳуқуқини чеклашни бекор қилиш, гайриқонуний фарзандликка олишни бекор қилиш ва уни ҳақиқий эмас деб топиш ва болалар тарбияси билан боғлиқ бошқа низолар суд томонидан кўриб чиқилиши масалалари қайд этилган.⁷⁴

Вояга етмаганлар ўргасида тарбиявий ишларни кучайтириш ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, voyaga etmaganlari iishlari b'uyicha komissiyalarning faoliyatini takomillashтириш ва muvoofiqlashтириш maqsadida Ўзбекистон Respublikasi Vazirlar Maҳkamasasi 2000 йил 21 сентябрда "Voya etmaganlari iishlari b'uyicha komissiyalar faoliyatini takomillashтириш t'ugrisida" қарор қабул қилди. Bu қарорга кўра voyaga etmaganlar iishlari bilan shugullanuvchi komissiyalarning asosiy vazifalari қуйидагилардан iborat қилиб belgilanди:

- voyaga etmaganlarning ҳуқувлари va қонуний манфаатlarini ҳimoya қiliш b'uyicha choralar k'uriш;
- voyaga etmaganlarning қarovsizligi va nazoratsiz қoliшибiga ҳamda ular ўргасида ҳуқуқбузarliklari va jinoятlar sodir etiliishiha shart-sharoit yaratib beradigan sabab va muҳitlarni aniklaش va bartaraф қiliш b'uyicha choralar k'uriш;
- voyaga etmaganlarning қarovsizligi va ҳуқуқбузarliklariini oлдинi olish masalalari b'uyicha давлат органлари, fuқarolarni ўзини-ўзи boшқariш органлари va жамоат birlashtimalari faoliyatini muvoofiqlashтириш;

74. Ўша ерда.

— Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги махсус-ўқув тарбия муассасаларида, Ички ишлар вазирлигининг муассасаларида вояга етмаганлар билан тарбиявий ишлар олиб бориш, ўқитиш ва таълим бериши шароитлари устидан назоратни ташкил қилиш;

— жазони ижро этиш жойларидан озод қилинган ёхуд махсус ўқув-тарбия муассасаларидан қайттан вояга етмаганларнинг онги ва фикрлаш даражасини ўстириш, дунё-қарашини кенгайтириш, шунингдек, ҳукуқий саводхонлигини шакллантириш мақсадида маънавий-маърифий ишларни фаоллаштириш, вояга етмаганларни ижтимоий реабилитация қилиш бўйича қонунда кўрсатилган бошқа функцияларни амалга ошириш.

1994 йил 22-сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодекс вояга етмаганлар иши бўйича комиссиянинг жиноятчиликка қарши курашнинг бой тажрибасидан фойдаланиб, вояга етмаганларнинг одил судловини амалга оширишнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтади ва судлов ишларини юритишнинг қоидаларини белгилайди. Ўзбекистон Жиноят-процессуал Кодекси⁷⁵да биринчи марта вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидағи меъёрлари 60-бобга махсус ажратилдики, бу вояга етмаган шахсларнинг жиноят ишларини кўришда хатоларга йўл қўймаслик имконини беради.

! Вояга етмаганлар алоҳига ҳимояга олинган, ҳукуқ ва манфаатлари ҳимояланган шахслар ҳисобланади.

Чунки уларни тўғридан-тўғри сўроқ қилиш ёки уларга нисбатан жиноят процессининг қоидаларини қўллаш қийин. Суд муҳокамасининг тергов қисмида исботлашнинг асосий воситаси сифатида сўроқ қилиш жараёни алоҳига аҳамиятта эга ва бошқа ҳаракатлардан ўзига хослиги би-

75. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006. Биринчи жилд. – Т.: Ўқитувчи, 2007. – Б.541.

лан ажралиб туради. "Вояга етмаганларда кескин фикрапш, тез жаҳл чиқиши, ўзини тута олмаслик, вазиятни тўла баҳолай олмаслик сифатлари мавжуд бўлади. Бу ёшдагиларнинг ўзига хос томонларидан келиб чиқсан ҳолда қонунчиликда чекинишлар қилишга ва қўшимчалар киритишга тўғри келади".⁷⁶ Шундай экан, ҳали феъл-атвори шакланиб улгурмаган ёшларга нисбатан "хавфли ёшда" деган ибора қўлланилиши бежиз эмас.



Маълумки, болалар ва ўсмиirlар катталардан фарқли ўлароқ руҳан, жисмонан ва ижтимоий жиҳатдан ҳали узилкесил шаклланмаган бўлиб, вояга етмаганларда салбий муҳҳит ва қонунга итоаткор бўлмаган катталар таъсирига тушиб қолиш ва оқибатда ҳуқуқбузарлик йўлига кириб кетиш эҳтимоли кучли. Турли сабабларга кўра ҳуқуқбузарлик йўлига кириб қолган вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан инсонпарвар, одилона судловни таъминлаш долзарб масаладир.

76. Астемиров З.А. Уголовная ответственность и наказание несовершеннолетних. М., 1970., 20-бет.



18 ёшдан кичик бўлган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун Ўзбекистон Жиноят Кодексидаги энг оғир жазо - умрбод қамоқ жазоси белгиланмайди⁷⁷. Болани ҳибсга олиш қонунга мувофиқ, амалга оширилади ва бу учун иложи борича қисқа вақт белгиланади. Бу орада бола оиласи билан хат ёзишиш ва кўришиш, алоқада бўлиб туриш ҳуқуқига эга.

Жиноят содир этган болалар ишлари бўйича терговни ўтказиш даврида ахлоқий муаммолар алоҳида аҳамият касб этади. Воята етмаган шахсни сўроқ қилиш қўпол оҳангдан холи, қўрс шаклда ўтказилишининг олдини олиш учун, албатта, терговда унинг ота-онаси ёки васий шахс иштирок этиши лозим. Терговчининг нохуш муомаласи, қуруқ оҳангидаги саволлари ҳеч қандай натижа бермайди. Жиноят содир этган ўсмирга бериладиган саволлар, тушунтиришлар шакли аник, оҳангি расмий характерда бўлиши лозим.

77. www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1391185

! Сўроқ қилишининг зарур ахлоқий шарти ўз ҳисси-ётмани очиқ билдириласлик, ўсмирнинг нозик иззамат-нафсини ҳисобга олиш ва қадр-қимматини саклашдан иборат.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жинояччиликнинг олдини олишда ОАВнинг роли бекиёсдир. Бу йўналишда журналистлар қандай йўл тутишлари керак? Мазкур саволга жавобни БМТнинг вояга етмаган болалар ўртасида жинояччиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принципларидан ("Ар-Риёд дастурий принциплари") топиш мумкин. Унга кўра, ОАВ ўсмирларни ахборотлар ва турли миллий ҳамда халқаро манбалар материаллари билан таъминлаши, ёшларнинг жамиятда туттан ижобий ролини ёритиши, жамиятда ёшлар учун тегишли хизматлар ва имкониятлар мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни кенг тарғиб этиши лозим.

ОАВ тўлалигича телевидение ва кинематография орқали порнография, гиёҳвандлик ва зўравонлик билан боғлиқ материалларни эфирга узатишни камайтириши, зўравонлик ва эксплуатацияни салбий тасвиралиши, шунингдек, болалар, аёллар ва шахсий муносабатларни қадр-қимматни ҳақоратлайдиган шаклда кўрсатишдан эҳтиёт бўлиши ва тенг ҳуқуқлилик принципларини тарғиб этиши лозим.

ОАВ ўзининг улкан ижтимоий роли ва жавобгарлигини, шунингдек, кўпинча ёшларнинг гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликлар билан боғлиқ суистеъмолликлари ҳақидаги ахборотларни тарқатиш йўли билан кўрсатадиган тегишлича таъсир этиш имкониятини ҳисқилиши зарур. Улар мувозанатли ёндашувга асосланган тегишли ахборотларни узатиш йўли билан гиёҳвандликнинг олдини олишда ўзининг ана шу имкониятларини ишга солиши керак. Барча босқичларда гиёҳванд мод-

даларнинг зарари ҳақида ахборот тарқатиш бўйича са-
марали кампаниялар ўтказишга кўмаклашиш лозим⁷⁸.

Назорат саволлари:

1. Болаларга нисбатан одил судлов тарихида ювенал юстиция нимани англатади?
2. Ўзбекистонда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар қандай мақсадларда ташкил этилган ва уларнинг вазифалари нималардан иборат?
3. Болаларга нисбатан одил судлов "Ар-Риёд дастурий принциплари"да қандай ўз ифодасини топган?

Мустақил ўрганиш учун топшириқлар:

1. Ўзбекистон Республикаси кўшилган Болаларга нисбатан одил судловни тарғиб этувчи ҳалқаро ҳужжатлардан БМТнинг "Балоғатта етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари" ("Ар-Риёд дастурий принциплари") ва БМТнинг "Балоғатта етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари" ("Пекин қоидалари") ҳужжатларини ўрганинг.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонунлари ҳамда Жиноят-процессуал Кодексида вояга етмаганлар бўйича одил судловни амалга ошириш борасидаги бандларини ўрганинг.

3. Вояга етмаганларга нисбатан кўлланиладиган одил судловнинг республика босма ОАВда ёритилиш дарајасини таҳлил этинг.

78. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплар ("Ар-Риёд дастурий принциплари"). БМТ Бош Асамблеясининг 1990 йил 1 декабрдаги 45/112-қарори билан қабул қилинган.

2.4§. Болалар мавзусини ёритишида жағон ОАВ тажрибасы

Бугунги күнде дүнёning етакчи мамлакатларининг ОАВда болаларнинг ҳуқуқлари мунтазам равишда ёритилиб келінмоқда. 1999 йилнинг ноябрь ойида Норвегиянинг Осло шаҳрига ОАВ ходимлари, журналистлар, бола ҳуқуқлари бүйича эксперталар түпланиб, ОАВ бутун дүнёда бола ҳуқуқлари ривожланишига қандай ҳисса құшиши мүмкін, деган саволга жавоб изладилар ва бу борада 5 та йұналишни белгилаб олдилар. Бу йұналишлар қуидагилар:

- болаларнинг ОАВда, шу билан биргалиқда янги ОАВда қатнашиш ҳуқуқи;
- болаларнинг ОАВда таълим олиш ҳуқуқи;
- болаларнинг ОАВга зәг бўлиш ҳуқуқи;
- болаларнинг ОАВдан келаётган заардан ҳимояланиш ҳуқуқи;
- ОАВнинг болалар ҳуқуқларини ҳимоялаш ва рафбатлантиришдаги роли.



Мазкур йиғилишнинг натижаси айни пайтда барчага маълум бўлган "Осло мурожаати" сифатида қабул қилин-

ди. Унда болалар ва ОАВ ўргасидаги муносабатлар, бу болаларнинг таълим олиш, ўз фикрини эркин баён этиш, болалар саломати, болаларни асрашга қаратилган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 17-моддасида⁷⁹ "Иштирокчи-давлатлар оммавий ахборот воситаларининг муҳим мавқеини эътироф этадилар ҳамда бола турли хил миллий ва халқаро манбаларнинг ахборотлари ҳамда материаллари, айниқса, ижтимоий, маънавий ва ахлоқий фаровонликка, шунингдек, бола саломатлиги, жисмоний ва руҳий ривожланишига кўмаклашишга қаратилган ахборотлардан баҳраманд бўлишини таъминлайдилар.

! Шу мақсадда иштирокчи-давлатлар:

- a) оммавий ахборот воситаларини ижтимоий ва маданий йўналишда ҳамда 29-модда руҳигаги бола учун фойдали ахборот ва материалларни тарқатишга рағбатлантирадилар;*
- b) турли хил маданий, миллий ва халқаро манбалардан бундай ахборот ва материаллар тайёрлаш, айрибошли ҳамда тарқатиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни рағбатлантирадилар;*
- c) болалар агадиётини нашр этиши ва тарқатишни рағбатлантирадилар;*
- d) оммавий ахборот воситаларининг озчиликни ташкил қилувчи груп ёки туб аҳолига мансуб болаларнинг тил эҳтиёжларига алоҳига эътибор беришни рағбатлантирадилар;*
- e) 13- ва 18-моддаларни ҳисобга олган ҳолда болаларнинг фаровонлигига зарар етказадиган ахборот ва материаллардан уни ҳимоя қилишининг тегишли таомилларини шилаб чиқишини рағбатлантирадилар⁸⁰.*

79. www.hfhrpol.waw.pl/.../Child%20Rights%20Convention%20-%20Uzbek

80. www.hfhrpol.waw.pl/.../Child%20Rights%20Convention%20-%20Uzbek

Мазкур хужжатнинг 12-моддасида эса “Иштирокчи-давлатлар ўзларининг қарашларини шакллантиришига қодир болага ана шу қарашларни болага тааллуқли барча масалалар бўйича эркин ифода этиш ҳуқуқи эътироф этилади, бинобарин, боланинг қарашларига унинг ёши ва етуклигига мувофиқ муносиб даражада эътибор берилади.

Ана шу мақсадда болага тааллуқли ҳар қандай суд ёки маъмурий муҳокама пайтида бевосита вакил ёхуд тегишли орган миллий қонунчиликнинг процессуал меъёrlарида кўзда тутилган тартибида ўзининг фикрларини баён этиш имкониятини беради”⁸¹.



13-модда эса ўз навбатида болага ўз фикрини эркин баён этишини таъминлайди: “Бола ўзининг фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга: бу ҳуқуқ ҳар қандай турдаги ахборотни, оғзаки, ёзма ёки босма шаклда, санъат асари кўринишида ёки боланинг танловига кўра бошқа воситалар ёрдамида излаш, олиш ва узатиш эркинлигини ўз ичига олади. Бундай ҳуқуқнинг амалга оширилиши баъзи бир чеклапларга дуч келиши мумкин, бироқ бундай чеклаплар фақат

81. www.hfhrpol.waw.pl/.../Child%20Rights%20Convention%20-20Uzbek

қонунда күзде тутылған чеклашлардан иборат бұлади, бу қуий-дагилар учун зарур:

а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрүсими хурмат қилиш учун;

б) давлат хавфсизлиги ёки жамоатчилик тартибини (order public), ахолининг соглиғи ёки маънавиятини муҳофаза қилиш учун;

"Осло мурожаати" ҳаракат учун чақирик, бұлды. У дүнёда болаларнинг ОАВ билан муносабатини шакллантирадиган таш-килотлар, журналистлар, ота-оналар, ўқитуви ва тарбиячиларни фаолроқ ҳаракат қилишга ундағы⁸².

! ОАВда болалар масалаларини ёритиши болалар ва катталар муносабатининг, болаларга нисбатан хатти-ҳаракатининг шаклланишига ёрдам беради.

ОАВда болаларнинг қандай ёритилиши уларга нисбатан бошқаларда шундай муносабаттинг шаклланишига турткы бұлади. Айнан ОАВда болалар масалаларини ижобий ёки салбий ҳал қилинишига сабаб бўлиши мумкин. ОАВда аксарият ҳолатларда болалар нофаол индамас қурбонлар сифатида тасвирланади. Болалар ва ўсмиirlар ўзларининг номларидан гапиришига имкон бериш уларнинг нима исташлари, ютуқлари, ўйлантираётган масалалалари ҳақида фикрнинг шаклланишига сабаб бұлади. Халқаро журналистлар федерациясининг хабарига кўра⁸³, болалар образларини шакллантиришда ОАВ аксарият ҳолатларда бир хил афсо-надан фойдаланадилар. Булар: индивидуаллиги ва инсо-нийлигини йўқоттан, ривожланаётган мамлакатларда ис-

82. Права ребенка и журналистика. Практический аспект: опираться на права. Учебная программа, одобренная региональным офисом ЮНИСЕФ по Центральной и Восточной Европе и Содружеству Независимых Государств(ЦВЕ\СНГ)© UNICEF - Дублинский технологоческий институт, 2007.

83. Права ребенка и журналистика. Практический аспект: опираться на права. Учебная программа, одобренная региональным офисом ЮНИСЕФ по Центральной и Восточной Европе и Содружеству Независимых Государств(ЦВЕ\СНГ)© UNICEF - Дублинский технологоческий институт, 2007.

тиқомат қилаёттан оиласарнинг аҳволи, қашшоқлиқда яшаёттан болалар, уруш ва табиий фалокат қурбонлари.

! ОАВ кўп ҳолатларда уларни ҳимоясиз, ўйлашига, гапиришига, ўзларини ҳимоя қилишига қодир бўлмаган, заиф инсон сифатига тасвирлайди. Болалар ҳақидаги воқеаларни таҳлилсиз, оддий ҳикоя тарзда беришади.

Бола шахсининг дахлсизлигига риоя этилмайди. Агар улар янтиликларда ёритилса стериотип шаклда, масалан "Африканинг оч қолган болалари", "масъулиятсиз ўсмирлар", "жинояччи ўсмирлар" сифатида ёритилади, уларнинг ўз фикрини айтиши, дам олиш, таълим олиш ҳукуқлари ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Фақаттина бир ракурсдан берилади, холос. Натижада ўқувчи, тингловчи, телетомошабин, интернет фойдаланувчиларда "жамиятта хавф солаёттан авлод" деган тасаввур шаклланади.

Буюк Британиянинг болалар ва ўсмирларни оммавий ахбот ротоситаларига жалб этувчи, улар ҳаётини мунтазам ёритиб борувчи "Children express" ташкилоти бир ҳафта давомида боссма ОАВнинг мониторингини олиб бориши натижасида болаларнинг ОАВда ёритилишида еттига энг хавфли стериотипларни аниқдаган. Булар:

- болалар — бу қурбонлардир (-31.5 фоиз);
- ёқимтой болалар (болаларни мақсадсиз тасвириш) (-26,7 фоиз);
- жинояччилар (болаларнинг энг ёмон хислатларига ургу бериш) (-10,8 фоиз);
- ажойиб болалар (ўта иқтидорли болалар) (- 9,7 фоиз);
- болалар-аксессуарлар (яъни ота-онанинг мулки) (- 8,4 фоиз);
- тарбиясиз болалар (катталарнинг ўтмини согиниши) (- 7,5 фоиз);
- фаришталар (идеал болалар) - (5.4%)⁸⁴

84. Права ребенка и журналистика. Практический аспект: опираясь на права. Учебная программа, одобренная региональным офисом ЮНИСЕФ по Центральной и Восточной Европе и Содружеству Независимых Государств(ЦВЕ\СНГ)© UNICEF - Дублинский технологический институт, 2007

Шундай бўлса-да, кўпгина журналистлар болаларнинг қизиқишларини ўз фаолиятлари марказига қўйишади. Масалан, 2003 йили Македонияда ташкил этилган **“Журналистлар болалар ва аёлларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”** (JCWR) ги ташкилот оммавий ахборот воситаларида болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳафталиклар ўтказиб, улар мазкур мавзудаги фильм ва роликлар, босма материаллар, радиоэшиттиришларни ўз ичитга олади. Ганада эса Мэтью Мак-Кваме томонидан **“Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи журналистлар”** клуби ташкил этилган⁸⁵.

2002 йили Америка Қўшма Штатларида “Гаити режаси” ва Панос Институтининг “Босма ОАВда бола ҳуқуқларини ёритган энг яхши журналист” номинацияси бўйича миллий мукофотни эълон қилди. Ушбу ташаббус болаларнинг ҳолати ва уларнинг ҳуқуқлари борасида қатор сифатли материалларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.



85. Права ребенка и журналистика. Практический аспект: опираться на права. Учебная программа, одобренная региональным офисом ЮНИСЕФ по Центральной и Восточной Европе и Содружеству Независимых Государств (ЦВЕ\СНГ) © UNICEF - Дублинский технологический институт, 2007.

"World Radio Forum" (WRF) радиолойиҳаси 2001 йили Грецияда ўтказилган болалар манфаатларининг ОАВда ёритилишига багишланган Бутунжаҳон саммитида дунёта келди⁸⁶. WRF ҳудудлардаги болалар ҳуқуқларига радио ёрдамида риоя этилишига чақиради. Ушбу лойиҳа барча қитъаларнинг шу йўналишдаги лойиҳаларини бирлаштиради. Хорижда бола ҳуқуқларини ёритилишига яна бир ёрқин мисол Буюк Британияда ўз фаолиятини олиб бораётган Би-Би-Си телеканалининг болаларга мўлжалланган "**Blue Peter**" кўрсатувидир. 2013 йили ўзининг 55 ёшини нишонлаган мазкур кўрсатув болаларнинг гояларини қамраб олган. "Ўзинг бажар" рукни телекурсатувнинг бир қисми, холос. Унда болажонлар ўз қўллари билан тайёрлайдиган турли хил буюмларни ясаш сирлари ўргатилишидан ташқари, мамлакатда ва хорижда истиқомат қилувчи кам таъминланган ва етим болаларга тенгдошлари ўзлари ясаган буюмларини қай тарзда тақдим этишлари, уларга мамлакат миқёсида қандай ёрдам бера олишлари хусусида ҳам сўз юритилади. Кўрсатувнинг ёш бошловчилари эса мунтазам равища фаол спорт турларига қатнашиб (сув остида сузиш, парашютдан сакраш, чангиде учиш ва ҳоказо), болаларга улар ҳам қатнашилари мумкин бўлган спорт йўналишлари ҳақида тушунтиришидаи. Ҳар йили ижодий гурӯҳ, аъзолари турли мамлакатларда бўлиб, хориждаги тенгдошларининг аҳволи, уларнинг қизиқишилари, ютуқ ва муаммолари тўғрисида хабар беришида.

Болалар ахборот агентлиги (ANDI) Бразилиядаги қаровсиз болаларнинг аянчли аҳволи ва уларнинг қисматига ҳукумат аъзолариниг эътиборини қаратиш мақсадида тузилган эди. Биринчи галда улар мактаблар очиш билан шугулланган бўлса (қашшоқлиқдан чиқишининг асосий йўли болаларга таълим беришдан иборат деб тушунилган), кейинчалик болалар ҳақида материаллар бераётган ОАВни кузатишган. Шунда бу мавзудаги акса-

86. ўша ерда.

рият материаллар салбий характерга эга эканлиги аниқланган. Улар бундай ОАВ рейтингини эълон қилиб, энг қўйуп журналистик мақола муаллифларини инсофга чакиришган. Натижада муассислар аста-секин рейтингдаги биринчи ўринни эгаллашга ҳаракат қила бошлидилар ва материалларнинг асосий салмоғи ижобий томонга ўзгарган.



ANDIнинг асосий мақсади болалар ва ўсмирларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни ўрнатишга ҳаракат қилаётган ОАВни рағбатлантириши ва шу орқали уларнинг сонини кўпайтиришdir. Бутунги кунда ANDI болалар ва ёшлар муаммоларини ёритаётган журналистлар учун ижобий стандартларни ўрнатади. Уларга мунтазам риоя этиш учун ANDI:

- аниқ мавзуларни ишлаб чиқади ва журналистларга тавсия этади;
- мамлакатда болалар ва ўсмирлар ҳақидағи хабарларни тарқатади;
- болалар ва ёшлар муаммоларига Бразилия ОАВнинг журналистик муносабатини шакллантиради;

- муаммолар ва мұваффақиятли тажриба ҳақидағи ах-боротни тарқатади;
- коммуникация соҳасида ёш мутахассисларни тайёр-лайди.

Prix Jeunesse жамғармаси ҳам бутун дүнёда болалар ва ёшлар масалаларини ёритаёттан телеканалларини рағбат-лантиришга ва құллаб-құвватлашга ҳаракат қылади. Prix Jeunesse телеканалларда бериләёттан күрсатувлар болалар-нинг маънавий үсиши, дүнёқарашининг кенгайиши, үзини намоён қила олиши ва хориждаги тенгдошлари ҳақида күпроқ ахборот олишлари ҳақидағи гояларни тарғиб этиб келмоқда. Prix Jeunesse томонидан жорий этилган мукофот телевидениеда болалар учун тайёрланаёттан күрсатувларга бериладиган энг юксак мукофот ҳисобланади.

"One Minute Junior" (Бир дақиқалик үсмир) деб атала-диган видеороликлар танлови, болалар ва үсмирлар томо-нидан тайёрланадиган видеороликлар танловиدير. Амстер-дамнинг Санђберг институти томонидан ҳар йили ноябрь ойда ташкил этиладиган "Бир дақиқали кино" фестивали-да үтказиладиган танловда голиб чиққан видеороликлар-нинг намойиши бўлиб ўтади. Мазкур танловга Европа ва Марказий Осиёда истиқомат қиладиган 12 ёшдан 20 ёшга-ча бўлган ёшлар аризалари қабул қилиниб, ташкилотчилар ёшлар билан ҳамкорлиқда фестиваль мавзуларини ишлаб чиқадилар. ЮНИСЕФ, Санђберг институти, Европа мада-ният жамғармасидан ташкил топган нуфузли ҳакамлар ҳайъати барча қатнашчиларга гувоҳнома беришдан таш-қари ёшларни ижод қилишга, бола ҳуқуқларининг ҳимоя-сига янгича ёндашишга ундейди.

Назорат саволлари:

1. "Осло мурожаати"нинг асосий моҳияти нимадан ибо-рат?
2. ОАВда болалар масалаларини ёритишдан асосий мақ-сад нима?
3. Болаларнинг қизиқишлигини ўз фаолиятлари марка-зига қўйган қайси хорижий ОАВни биласиз?



Мустақил үрганиш учун топшириқлар:

1. "Осло мурожаати"ни ўқиб чиқинг ва таҳлил этинг.
2. Қайси ҳалқаро ташкилотлар болаларни ёритувчи ОАВнинг мониторингини олиб боради ва нима учун?
3. Болалар ахборот агентлиги — ANDI фаолиятини үрганинг.

2.5§. ОАВда қатнашишнинг аҳамияти ҳақида болаларнинг фикрлари

2002 йилнинг май ойида бўлиб ўтган БМТнинг болаларнинг дунёдаги аҳволи бўйича маҳсус сессияси вояга етмаганларнинг ривожланиши бўйича дастур бўлди, десак му болага бўлмайди. Унда расмий делегат сифатида бутун дунёдан 69 нафар соҳа етакчилари, 190 та миллий делегациялар ва 1700 нафар нодавлат ташкилотларининг вакиллари, Нобел мукофотининг 5 нафар лауреати, турли соҳа вакиллари ва албатта 600 нафар бола делегат сифатида қатнашишди⁸⁷. Сессияда илк маротаба болалар Бош Ассамблеяга ўз гоялари ва фикрларини тақдим этилди. Бевосита болалар билан ишлайдиган ташкилотларнинг вакиллари ва болалар болалик дунёсини қай тарзда ижобий томонга ўзгартириш лозимлиги хусусида келишиб олдилар. Мазкур сессия якунида Бош Ассамблея "Болалар ҳаёти учун яроқли дунё" Битимини имзолади ва унинг асосий қойдаларини "Минг йиллик ривожланиш дастури"га киритди. Унга кўра, болалар ва ўсмирлар ўзларининг ривожланиш босқичлари ва тарбиясига мувофиқ фикрларини эркин баён қилиш хукуқига эга бўлишлари лозим.

87. www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/worldchild.shtml



Хәётий муаммоларни ечишда келишмовчиликларни бартараФ этиш учун зарур қарор қабул қилиш мақсадида би-лим ва күнникмаларга эга бўлишлари лозим. Болалар ва ўсминаларнинг ўз қарашларини эркин баён қилиш хуқуқла-ри катталар томонидан ҳурмат этилиши ва уларнинг фикр-лари болалар манфаатларига оид масалаларда инобатта олиниши зарур. Болалар ва ўсминаларнинг интилишлари ва ижодий салоҳиятини уларнинг жамоасини шакллантиришда фаол қатнашишлари учун мунгизам равишда қўллаб-қувватлаш лозим"⁸⁸. Бош Ассамблея фаолиятида фаол қатнаш-ган болалар ва ўсминаларнинг мазкур қарашлари Бола хуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг "Болалар ўз қараш-ларини эркин ифода этиш хуқуқига эгадирлар" деб ном-ланган қоидасида ҳам акс этган. Демак, болалар ўз ҳаётла-рига тааллукли бўлган ҳолатларда унга таъсир этиш учун ўз фикрларини эркин баён қилиш хуқуқига эгадирлар. Ай-нан шу нарса болалар ва ўсминаларнинг ОАВда қатнашиш-лари нақадар муҳимлигини белгилаб беради.

88. Права ребенка и журналистика. Практический аспект: опи-раться на права. Учебная программа, одобренная региональным офи-цом ЮНИСЕФ по Центральной и Восточной Европе и Содружеству Независимых Государств(ЦВЕ\СНГ)© UNICEF - Дублинский техно-логический институт, 2007, 58-59 бетлар.

ОАВда қатнашиш имкониятига эга бўлган болалар нима ҳақида ўйлашади? Бола ҳуқуқлари бўйича нодавлат ташкилотлардан бири бўлган "Халқаро режа" ташкилоти мутахассислар ёш журналист-болалардан нима учун ОАВда мунтазам қатнашаётганликлари сабабини сўраган⁸⁹. Уларнинг жавобига кўра ОАВдаги чиқишлиари уларга:

- ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиш;
- қатнашиш ҳуқуқи ўзини эркин равишда намоён этишга имкон беради, уларнинг муаммолари старлича ёрнилишига ишонч ҳосил қилишади;
- ўз фикрига эга бўлиш ва ўз ҳуқуқларини ота-оналари, жамият олдида ҳимоя қилиш имконини беради;
- тенгдошлари яшаб турган ҳудудлари ҳамда ўзларининг ҳаётларида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ҳабардор қилиш;
- жазоланишдан қўрқмай, қийин масалаларни ҳал этиш, ёрдам сўраб мурожаат қилиш имконини беради.



89. Права ребенка и журналистика. Практический аспект: опираться на права. Учебная программа, одобренная региональным офисом ЮНИСЕФ по Центральной и Восточной Европе и Содружеству Независимых Государств(ЦВЕ\СНГ)© UNICEF - Дублинский технологический институт, 2007, 167 бет.

! Болаларнинг ОАВда қатнашишлари бола ҳуқуқларини ўрганиш, қарорлар қабул қилишда қатнашиш, ўз ҳуқуқларининг ҳимоячиси бўлишга имкон яратади.

Мазкур йўналиш катталарнинг ҳам секин-асталик билан ўзгаришига олиб келади. Бутун дунё бўйлаб амалга ошириёттган болалар медиалойиҳалари, болаларнинг ОАВда қатнашишлари, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва илгари суришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Назорат саволлари:

1. БМТ Бош Ассамблеясининг 2002 йилда бўлиб ўтган сессиясида қандай битим имзоланди ва у қандай мақсадни ўзида акс этади?
2. ОАВда қатнашиш болаларга ўз ҳуқуқларини қай тарзда ҳимоя қилишга ёрдам беради?
3. ОАВда болаларнинг қатнашиши уларга нисбатан каталарнинг фикрини ўзгаришига таъсир қиласидими?

Мустақил ўрганиш учун топшириқлар:

1. Ўзбекистон Республикаси ОАВда болалар иштирокини битта таҳририят мисолида таҳдил этинг.
2. Болалар билан сұхбатлашиб, уларнинг бу борадаги фикрларини ўрганинг.

З-БОБ. МИЛЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКА ВА БОЛАЛАР МАВЗУСИ

3.1§. Ўзбекистондаги болалар учун мұлжалланған ОАВ таснифи

Болалар мавзусини ОАВда ёритиш ўзбек журналистикаси-нинг ривожланиш тарихи, яъни болалар публицистикаси би-лан чамбарчас болық. У дастлаб жамиятнинг болаликка муно-сабатини ифодаловчи ҳодиса сифатида халқ, оғзаки ижодида, қадимий адабий ёдгорлайларда учрайди. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида болалар турмушки, айрим фикрлари ҳам жадидлар ижодида акс эта бошлади. Масалан, Абдурауф Фитратнинг 1917 йилда нашр этилган "Ўқув. Ибтидоий мак-табларнинг сұңг синфи учун" түплемиге киристилган "Юрти-миз, Арслон билан Ботир"⁹⁰ сарлавҳали мақоласи болалар учун ёзилған бўлиб, унда ўша йиллари ўлқада содир бўлаётган иж-тилоий-сиёсий ўзгаришлар содда ва тушунарли тиlda бола-ларга етказилган. Шунингдек, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳаким-зода Ниёзий, Садриддин Айний сингари ислоҳотчи, педагог адиблар ўз дарслекларида болалар учун маҳсус ҳикоя ва шеъ-рлар ёзиш билан бирга миллий болалар матбуотининг пайдо бўлиши ва инкишоfiga муносиб ҳисса қўщдилар.

- !** XX аср бошларида Ўзбекистонда пайдо бўлган дас-тлабки болалар нашрлари:
- "Ёш туркестончилар";
 - "Болалар товуши";
 - "Болалар йўлдоши";
 - "Болалар дунёси";
 - "Ўзгариш болалари"

90. Абдурауф Фитрат. "Ўқув. Ибтидоий мактабларнинг сұңг син-фи учун". Баку. 1917 й.

Бу каби нашрларнинг юзага келиши ўзбек миллий болалар журналистикасининг ривожланишига йўл очди. Турли хил шароитлар туфайли, яъни гоҳ, иқтисодий қийинчлилик, гоҳ, цензура таъқиби остида бу газеталарнинг бирни ёпилиб, иккинчиси чиқиб турган. Фақат 1929 йилдан "Ленин учқуни" (хозирги "Тонг юлдузи") газетаси, "Пионер Востока" ва кейинчалик "Ёш куч" журналининг мунтазам нашри йўлга қўйилгач, ўзбек болалар журналистикаси соҳанинг муҳим йўналиши сифатида ривожланди. Натижада, ўзбек болалар журналистикасида профессионал ижодкорлар силсиласи вужудга келди⁹¹.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг пухта билим, юксак маънавият соҳиблари бўлиб камол топишида газета ва журнallарнинг ўрни бекиёс. Шу боис мамлакатимизда болалар матбуотини янада ривожлантириш борасида кенг кўламили ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда болалар учун мўлжалланган нашрлар сони йилдан йилга купаймоқда.

Болалар учун мўлжалланган замонавий ОАВ қуйидаги мезонларга кўра бўлинади:

- мулкчилик шаклига кўра (давлат, хусусий);
- тарқалиш ҳудуди бўйича (республика, вилоят, туман, шаҳар);
- даврийлиги бўйича (кунлик, ҳафталиқ, ойлик);

Ўзбекистон Республикасида "Тонг юлдузи" ва "Класс" етакчи газеталардан бўлиб, "Тонг юлдузи" газетаси 1929 йилдан бўён аввал "Ленин учқуни", 1992 йилдан бошлаб "Тонг юлдузи" номи билан чоп этиб келинмоқда.

2012 йилдан бошлаб газетани бош муҳаррир Жалилова Феруза Абдусаматовна бошқармоқда. Газета Ўзбекистон ахборот ва матбуот агентлиги, Халқ таълимни вазирлиги, "Камолот" ЁИХ, "Софлом авлод учун" халқаро хайрия жамгармаси муассислигида фаолият юритаётир. Газета 8 ёшдан 14 ёшгacha бўлган болаларга мўлжалланиб, ўзбек тилида, ҳафтада бир маротаба А-3 форматда, 8 саҳифада чиқади.

91. Сафаров О., Жамилова Б. Болалик - боқийлик тимсоли ёхуд "муҳбирликнинг олис йўллари". Бухоро, 1991 йил.



Gazeta "Tong Yulduzi"

Газетанинг асосий мақсади болаларни Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгида инсонпарварлик, дўстлик ҳисларини шакллантириш, дунёқарашини кенгайтиришидир.

"Класс" газетаси 1927 йилдан бўён рус тилида чоп этилади. Биринчи номи "Пионер Востока" бўлиб, мустақиллиқдан сўнг ҳозирги номига эга бўлган. Ҳар ҳафта пайшанба кунлари чоп этилади, бош муҳаррири — Алла Львовна Суханович. Газета ўз саҳифаларида болалар ҳаётини мутлақ қамраб олган. Таҳририят қошида "Ёш мухбирлар" тўтараги ҳамда парранда ишқибозларининг "Птицеград" клуби ишлайди.



"Гулхан" журнали болалар учун мўлжалланган ойлик, бадиий-адабий нашр бўлиб, 1929 йили илк маротаба «Ёш куч» номи билан чиқа бошлаган. Иккинчи жаҳон уруши йиллари, яъни 1941 йили таҳририят ёпилиб, 1957 йили журнал "Пионер" номи билан қайта тикланган. Шу йили унинг номи ўзгариб, "Гулхан"га айланди. Журнал 16 саҳифалик, А-4 форматда чоп этилади. Муассислар — Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълимни вазирлиги, "Камолот" ЁИХ, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамгармасидир.

"Фунча" журнали мактаб ёшигача бўлган болалар учун мўлжалланган нашр бўлиб, 1958 йилдан бўён чоп этилади. Таҳририятда ўзбек адабий муҳитининг кўзга кўринган на-моёндалари Ойбек, Faфур Fuлом, Асқад Muхтор, Қуддус Muҳаммадийлар фаолият юритишган. Журналнинг асосий вазифаси мактаб ёшигача бўлган болалар дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг баркамол инсон сифатида тарбиялашга ҳисса кўшиш.

Юқорида номлари тилга олинган нашрлардан ташқари "Доноворд", "Билимдон", "Знайка", "2x2", "Родничок", "Булоқча" каби хусусий газета ва журналлар чоп этилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг тизимида фаолият юритаётган "O'zbekiston", "Sport", "Yoshlar", "Madaniyat va ma'rifat", "Dunyo bo'ylab" ва "Toshkent", "Navo" телеканалларининг ҳар бирида болалар учун кўрсатувлар мавжуд. "Yoshlar" телерадиоканали қошида 2013 йил 1 июнь куни очилган "Bolajon" телеканалининг очилиши мазкур йўналишда катта қадам бўлди. Ундаги кўрсатувлар кўнгилочар характерда бўлиши билан биргаликда болажонларнинг дунёқарашини кенгайтириш, соғлом турмуш кўнгилмаларини шакллантириш, турли билимлар асосининг илк сабоқларини олишга, бошланғич босқичда инглиз тилини ўрганишга мўлжалланган.

Афсуски, республикада болалар учун мўлжалланган интернет сайtlари мавжуд. "Тонг юлдузи", "Класс" газеталири, "Фунча", "Гулхан" журналларининг сайти фаолият юри-

таёттган бўлса-да, у ҳам мунтазам равишда янгиланмайди. Бугунги кунда болаларнинг ижтимоий тармоқларга кўп киришини инобатта оладиган бўлсак, мазкур нашрлар ўз саҳифаларини очиши мақсаддага мувофиқ, бўлар эди.

Ўзбекистон Республикасининг етакчи ижтимоий-сиёсий нашрларида болалар мавзуси ўзига хос тарзда ёритилса, бевосита болалар нашрларида ўзгача руҳда ёндашилади. Ана шу ўзига хосликдан келиб чиқиб, ушбу мавзуни ўрганишда босма ОАВни икки гуруҳга таснифлаш лозим.

Биринчиси, республиканинг "Халқ сўзи", "Правда Востока", "Туркистан" - "Молодёжь Узбекистана", "Матрифат" - "Учитель Узбекистана", "Моҳият", "Хуррият", "Оила ва жамият", "Софлом авлод учун", "Жамият", "Миллий тикланиш", "Ўзбекистон овози", "Адолат", "Қишлоқ ҳаёти", "Ҳаёт", "Садо", "Қашқадарё", "Зарафшон" сингари етакчи ижтимоий-сиёсий нашрларида бола ҳуқуқлари билан боғлиқ мавзуларнинг ёритилиши, иккинчиси, бевосита болаларнинг "Тонг юлдузи", "Класс", "Билимдон" сингари газеталари ҳамда "Фунча", "Гулхан", "Синфдош" каби журналларда болалар мавзусининг қай тарзда акс этишидир.

Таҳдиллар натижасига таяниб айтиш жоизки, мазкур ҳуқуқларнинг айримларигина газеталарда ёритилиб, бошқаларига мутлақо ёки деярли эътибор берилмайди. Айрим нашрларда бола ҳуқуқлари эмас, балки болалар мавзусининг ўзи етакчилик қиласиди. Яъни, болалар ҳаётига алоқадор турли тадбирлар ҳақидағи хабарлар, ахборотлар, яратилган шарт-шароитлар ҳақида фақат ижобий характердаги материалларга кўп ургу берилади. Бевосита бола ҳуқувлари билан боғлиқ муаммолар эътибордан четда қолади. Масалан, республика ОАВда, хусусан, болаларнинг яшаш, қатнашиш, таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, ўз фикрини билдириш каби ҳуқуқлари кент ёритилиб, бола меҳнатидан фойдаланиш, болалар борасидаги одил судлов каби ҳуқуқлари журналистлар томонидан деярли ёритилмаяпти.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистонда болалар учун мўлжалланган нашрларни қандай таснифлаш мумкин?
2. Болалар учун мўлжалланган замонавий ОАВ қайси мезонларга кўра бўлинади?
3. "Тонг юлдузи" ва "Класс" газеталари фаолиятининг асосий мақсади нимадан иборат?
4. Республикаизда болалар учун мўлжалланган қандай журнallар мавжуд? Уларда бола ҳуқуқлари акс этадими?
5. Болалар учун мўлжалланган мақолаларда болалар қарашлари акс эттириладими?
6. Болалар учун мўлжалланган нашрларда қайси мавзулар ёритилмаяпти?

Мустақил ўрганиш учун топшириқлар:

1. Ўзбекистоннинг етакчи болалар нашрлари бўлмиш "Тонг юлдузи", "Класс" газеталари, "Фунча", "Гулхан" журнallари фаолиятини ўрганинг.
2. Мамлакатнинг етакчи ижтимоий-сиёсий нашрлари бўлмиш "Халқ сўзи", "Правда Востока", "Туркистан" - "Молодёжь Узбекистана", "Моҳият", "Хуррият" газеталарида болалар мавзусининг ёритилиш мезонларини аниқланг.

3.2§. Бола ҳуқуқлари билан боғлиқ мавзуларнинг босма ОАВда акс этиши: ютуқ ва муаммолар

Республика ОАВнинг болалар ҳуқуқларини ёритилиши бўйича ўтказилган таҳлили натижасида⁹² мазкур соҳада қўйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди:

92. "Хуррият", "Халқ сўзи" – "Народное слово", "Ўзбекистон овози", "Правда Востока", "Тошкент оқшоми", "Туркистан" газеталари – 2012, 2013 йиллар давомида чоп этилган сонларининг таҳлили натижалари. 2013 й. ноябрь.

- оила масалалари ва бола ҳуқуқларини ёритиш доимий бўлмай, фақаттина жамиятимизда амалга оширилаётган тадбирлар билан боғлиқ;
- мамлакатимизда бола ҳуқуқларига оид давлат дастурлари, меъёрий ҳужжатларни фуқароларга тушунтириб, шарҳлаб берадиган материаллар кам;
- мазкур мавзуда ёритилаётган масалаларда стереотиплар мавжуд бўлиб, асосан, болаларнинг таълим олиш ва тиббий хизматлардан фойдаланиш, маданий ҳордикчиқаришга қаратилган ҳуқуқлари қолганларига нисбатан кенг ёритилади;
- болалар тарбиясида ота-оналар ва маҳалланинг роли, оиласида фарзанднинг ўрни етарли даражада ёритилмаяпти;
- газета ва журналларда ОАВнинг бола ҳуқуқларини таъминлашдаги роли, уни жамиятимизнинг муносаби фуқароси этиб тарбиялашдаги ўрни ҳақидаги материаллар эса умуман йўқ;
- вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича материаллар етарли эмас;
- ОАВда болалар масалалари ва ҳуқуқларини ёритиш бўйича ихтисослашган журналистлар жуда ҳам кам.

ОАВда болалар мавзусига бағишлиланган материалларни ёритишида журналистика назариясининг қонун-қоидалари ва етакчи тамойилларига амал қилиш жуда муҳимдир. Шу нуқтаи назардан болалар мавзусида тайёрланган ҳар қандай материалга биринчи навбатда журналистик асар сифатида ёндашиш зарур. Ҳар қандай журналистик материалнинг асосий объектини муайян воқелик, яъни бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса, вазият, жараёнлар ташкил этади.



Журналистнинг биринчи вазифаси эса шу воқелик ҳақида оммани хабардор қилишдан иборат. Журналистик материалда битта муаммо аниқликни, мавзудан чиқиб кетмасликни таъминлагани боис, фикрни аниқ ва равшан, фактларга асосланган ҳолда ифодалаш мумкин. Худди шундай болалар мавзусини ёритишида журналистнинг шахсан ўзи воқеа-ҳодисанинг гувоҳи бўлмаса, маълумотни қаердан, кимдан олингандиги, манбасини кўрсатиши керак.

Журналистик материалда воқеликни ифодалаш, таҳдил қилиши жараёнида мазкур ҳодиса муаллиф қарашига тўғри келиши ёки зид бўлиши мумкин. Айнан шу ҳол обьектга нисбатан муаллифнинг ўз нуқтаи назари, холосасини пайдо қиласи. Фарб журналистикасида воқеликка нисбатан муаллифнинг нуқтаи назари доимо бир томонлама бўлиши мумкин, деган фикр мавжуд. Яъни бўлиб ўтган воқеликнинг журналист руҳиятига, кайфиятига маълум даражада таъсир қилиши, унинг ҳис-ҳаяжонини кўзгатиши, бундай таъсир орқали эса холисликка путур етиши мумкин, деган қараш устивор. Шу боис ҳатто нуқтаи назар ёки холосанинг обьективлиги ҳам фактларнинг қиёсига асосланиши ва у журналистнинг шахсий позицияси бўлиб қолмаслиги

талааб этилади. Аммо баъзи пайтларда журналист болалар мавзусини ёритаётганда, турли ҳис-ҳаяжонларга берилиши, холисликни йўқотиб қўйиб ўзининг шахсий позициясини устун қўйиш ҳоллари учрайди.

! *Болалар мавзусини ёритиши уларнинг ҳуқуқларини билиш, улар билан боғлиқ мавзуларда аниқ далилларга асосланishi билан бирга, уларнинг ёши, руҳияти, ижтимоий ахволига боғлиқ ҳолатларга журналист албатта, эътибор бериши керак бўлади. Бу эса журналистдан касбий ахлоқ меъёrlарига амал қилишини талааб этади.*

Болалар қалби ҳис-туйғуларга бериувчан ва айни пайтда ҳар нарсани билишга қизиқувчи, изланувчи, ҳаракатчан бўлади. Уларнинг ана шу беғубор, ёмон ниятлардан ҳоли қалбларига ноўрин зарар етказиб бўлмайди. Уларнинг руҳиятига таъсир қилган яхши-ёмон ҳодисалар бутун ҳаёти давомида акс-садо бериб туради. Зоро, жамият тараққиёти болаларга муносабатдан, эътибордан бошланади. Бу журналистлар зиммасига ҳам алоҳида масъулиятни юклайди. Ҳозирда мамлакатимизда болаларни қўллаб-қувватлаш, уларга яқиндан ёрдам беришга қаратилган кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу масала бўйича фаолият кўрсатадиган бир нечта жамғарма, ташкилотлар юзага келмоқда. ОАВ эса мунтазам ушбу ташкилот, муассасаларнинг фаолиятини ёритиб келмоқда ва жамиятимизда тўртинчи ҳокимият сифатида иш олиб бормоқда. Шундай экан, бу борадаги ОАВ аҳамияти ва ўрни алоҳидадир.

Бугунги кунда барча ОАВда бола ҳуқуқлари асосан яшаш, дам олиш, таълим олиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш, қатнашиш ҳуқуқига кенгроқ аҳамият берилиб, болаларнинг бошқа ҳуқуқларига кам эътибор қартиляпти. Тўгри, "Туркистон" газетасида "Тонг юлдузи" газетасига нисбатан бола ҳуқуқларига оид мақолалар

нинг кўлами кенгроқ. Бироқ бу ёритилаётган материаллар ҳам қуруқ, гап, яъни журналистлар фақатгина Бола ҳукуқлари тұғрисидаги Конвенциясига киритилган моддалар ҳақида маълумот бериш билангина чекланиб қолишияпти.

Назорат саволлари:

1. Республика ОАВнинг болалар ҳукуқларини ёритилиши бүйича қандай камчиликлари мавжуд?
2. Журналист болалар мавзусини ёритишида уларнинг ҳукуқларини билиши керакми? Нима учун?



Мустақил үрганиш учун топшириқлар:

1. Республиkaning етакчи ижтимоий-сиёсий газеталари билан болаларга мұлжалланган босма ОАВни қиёсий үрганинг. Уларда болалар мавзуси қай тарзда ёритилаётганини аниқлант.
2. Республиkaning "Халқ сўзи", "Правда Востока", "Туркистан" - "Молодёжь Узбекистана", "Маърифат"- "Учитель Узбекистана", "Моҳият", "Ҳуррият", "Оила ва жамият", "Жамият", "Миллий тикланиш", "Ўзбекистон овози", "Адолат" газеталари ва электрон ОАВда болалар масалалари етарли дараҗада ёритилаяптими? Бу борадаги ютуқ ва муаммоларни кўрсатинг.

3.3§. Болалар мавзуси ва ОАВ стереотиплари

Оммавий ахборот воситаларида бола ҳукуқларини ёритиш билан боғлиқ стереотиплар, яъни бир қолипга тушиши ёки бир томонлама қарашларнинг мавжуддиги ОАВда ҳам ўз аксини топаётганилиги ачинарли ҳол. Афсуски, ОАВда,

асосан, болаларнинг дам олиши, таълим олиши, тиббий хизматлардан фойдаланишига журналистлар томонидан кенгроқ эътибор берилиб, болалар меҳнатидан фойдаланиш, вояга етмаганлар жинояти ва одил судлов, болаларнинг оиласада камситилиши мавзулари эътибордан четда қолмоқда⁹³. ОАВда стереотип тушунчаси американлик журналист Уолтер Липпмандан 1922 йили ўзининг "Жамоатчилик фикри" асарида илк маротаба қўллаб, у стереотипга" инсоннинг шахсий тажрибасидан келиб чиқмаган, оддиндан қабул қилинган тасаввур"⁹⁴ дея таъриф берган. У.Липпманинг айтишича, стереотиплар бошқаларнинг фикрини текширмай, қабул қилиш орқали вужудга келади. Аммо улар абадий эмас. Жамият ривожлангани ва ОАВ ўз йўналишини ўзгартиргани сари улар йўқолиши мумкин.

! Стереотиплар бошқаларнинг фикрини текширмай, қабул қилиш орқали вужудга келади.

Ижтимоий стереотипларни таҳдил қилас эканмиз, республика ва хорижий босма ОАВнинг мониторингига, материаллари натижаси қўйидагиларни кўрсатади:

1. Одамлар катта ижтимоий гурухларга холис бўлмаган, кўпол баҳолар беришади.
2. Мазкур тавсифлар ёхуд баҳо узоқ муддат сақланиб қолади.
3. Ижтимоий стереотиплар жамиятдаги ижтимоий, сиёсий ислоҳотлар натижасида ўзгаради, аммо бу жараён жуда ҳам секинлик билан амалга ошади.
4. Гуруҳдар ўртасида низоларнинг кучайиши натижасида ижтимоий стереотипнинг салбий томонлари кучаяди.
5. Болаларга нисбатан қўлланиладиган ижтимоий стереотиплар уларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

93. "Хуррият", "Халқ сўзи" – "Народное слово", "Ўзбекистон овози", "Правда Востока", "Тошкент оқшоми", "Туркистан" газеталарининг 2012, 2013 йиллар давомида чоп этилган сонларининг таҳдили натижалари. 2013 й. ноябрь.

94. Уолтер Липпман. "Общественное мнение". М., 1922 г.

Ўзбекистон ОАВ таҳдил этилганда, аксарият ҳолатларда уларда болалар мавзусини ёритишида турлича қарашлар мавжудлигининг гувоҳи бўлдиқ. Ана шундай стереотиплардан айримларини кўриб ўтамиз.

1-стереотип. Етим болалар алоҳида тарбияга муҳтож деган қарашнинг устунилиги⁹⁵.

Маълумки, ота-онасидан маҳрум бўлиш, ота-онасининг йўқлиги, ота-онасидан бирининг вафот эттанлиги – етимлик (ҳолат) тушунчасига нисбатан ҳалқ орасида ҳимоясизлик, тўқис эмаслик, алоҳида эътиборга, кимнингдир оталифига муҳтож, деган қарашларни юзага келтирган. Яъни бундай болаларни кимдир оталифига олиши, уларга ғамхўрлик қилиши зарурлиги эътироф этилган. Шу боис, кўп йиллар давомида етим болалар муаммоси уларни маҳсус ёпиқ муассасаларда, жамиятдан ажратган ҳолда тарбиялаш орқали амалга ошириларди. Кўчага улар фақатгина гурух бўлиб олиб чиқилар, бошқа болалар билан гаплашишига йўл қўйилмасди. Айниқса, болалар уйининг болаларига нисбатан бошқача қараш мавжуд эди.



95. "Хуррият", "Халқ сўзи" – "Народное слово", "Ўзбекистон овози", "Правда Востока", "Тошкент оқшоми", "Туркестон", "Моқият", "Маърифат", "Оила ва жамият", "Даракчи" газеталарининг 2012, 2013 йиллар давомида чоп этилган сонларининг таҳдили патижалари. 2013 й. ноябрь.

1991 йилдан бошлаб мамлакатимизда бу борадаги ҳолат үзгарди. Болаларни хонадонларга жойлаштириш ҳамда "SOS — Болалар маҳаллалари" ташкил этиш бүйича кенг күламли ишлар бошланди. Асосий мақсад ижтимоий ҳимояята мұхтож оиласынан мөддий ва маңынан жиҳатдан күмак беріш орқали уларнинг фарғонлигини таъминлаш ҳамда болаларга васийлик тайинлаш ишларини яхшилаш, уларнинг соғлом ва баркамол вояга етишлари учун зарур шартшароит яратылған.

! Маслаҳат. Мавжуд стереотипни келтириб чиқармаслик учун журналисттар үз материалларида "20 минг бола Мехрибонлик уйларига тарбия топмоқда" демесден, уларнинг сони сұнгти ийларда қанча фоизга камайғанини ёки қанча болалар ҳозир "SOS - Болалар маҳалласида" вояга етаётганды, неча фоиз бола эса оиласынан томонидан фарзандлық олиниб тарбияланаётганды қарастырылған.

2-стереотип. Үз боласи бўлмагани учун оиласын асраб олади, деган қарашнинг мавжудлиги⁹⁶. Тўғри, фарзанд кўрмаган оиласарнинг аксарияти қариндош-уруғининг ёки туғруқхона, болалар уйидан бола асраб олиб, унга ота-оналиқ қиласи, тарбиялаб, вояга етказади. Бу бутун дунёда мавжуд ҳолат. Аммо факат үз фарзанди бўлмаган оиласарнина бола асраб олиш мумкин деган қараш нотўғри. Аслида Ўзбекистон халқи табиатан болажон, серфарзанд халқ. Үз фарзандлари бўла туриб ҳам, ота-онаси йўқ, етим болаларни бағрига олиб тарбиялаган ёки ночор оиласынан мөддий ва маңынан жиҳатдан ёрдам берадиган, уларни оталиғига олган оиласынан мамлакатимизда жуда кўп. Жумладан, рус, ӯзбек, қозоқ, қиргиз, яхудий, татар, молдаван ва бошқа миллатларнинг 14 боласини үз бағрига олиб, уларни бир-бирига дўст, меҳрибон, aka-уқадек қилиб ўстирган од-

96. ӯша ерда.

дий темирчи Шомаҳмуд Шомаҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳри Акрамоваларнинг бағрикентлиги, болажонлиги, инсонпарварлиги афсона эмас, балки бўлиб ўтган ҳақиқатдир. Уларнинг тимсолида бутун халқ менталитети намоён бўлади.

Фарзандликка олиш — бу ўзганинг фарзандини ўз фарзандига билан бир хил, тенг кўришдир. Фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олингандар ўртасида туққан ота-она билан болалар ўртасидаги каби ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади. Фарзандликка олиш фарзандликка олувчи (ва унинг қариндошлари) ҳамда фарзандликка олингандар (ва уларнинг бўлғуси авлодлари) ўртасида қонунда ота-она ва болаларга нисбатан белгиланган конун ҳужжатларида маҳсус кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар барча шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтиради. Шу маънода фарзандликка олиш жуда қадимий ҳуқуқий институт бўлиб, ҳозирги замон ҳуқуқ тизимида ўз ўрнига эга бўлиб, унинг олдидағи асосий вазифа ота-она васийлигидан маҳрум бўлган болаларни оиласа жойлаштиришдан иборат.

! Маслаҳат. Юқоридаги стереотип хотүғри қарашибўлиб, бугунги кунда бир неча фарзанди бўлган оиласалар ҳам меҳрибонлик уйларидан болаларни асраб олишмоқда. Журналистлар ўз материялларида мазкур мавзуни очиб беришда, айнан ҳалқимизнинг болажонлигига, ҳукуматимизнинг ЮНИСЕФ ҳалқаро болалар ташкилоти билан ҳамкорликда болаларни оиласаларга жойлаштириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётганигини акс эттиromoқлари лозим.

З-стереотип. Фақат қиз болаларгина аъло ўқишиади, деган қараашнинг юзага келиши. Қизлардаги табиатан яратувчилик (она бўлиш, камхўрлик қилиш, ҳар нарсага эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, асраб-авайлаш, нозиклик, нафосатлилик) хусусиятининг мавжудлиги уларга нисба-

тан нотүгри қарашларнинг пайдо бўлишига асос эмас. Айниқса, уларнинг табиий хусусиятлари ўғил болаларнидан фарқ қилгани учун улар яхши ўқиши шарт, қиз болаларга нисбатан ожиза, заифа сифатида қарашнинг ўзи но-тўғридир.



! Маслаҳат. Таълим муассасаларида аълочи ўғил болалар кўп. Журналистлар болаларни айнан жинсий жиҳатдан ажратмасдан, ўқувчининг у хоҳ қиз бўлсин, хоҳ ўғил бола, ютуқларини объектив кўрсатиши лозим.

4-стереотип. Сил касаллигига чалинган кишилар оиласида ўсаётган болага нисбатан "бошқача" қарашнинг мавжудлиги. Маълумки, халқ орасида айрим касалликлардан, айтайлик вителиго(пес), эпилепсия (тутқанофи бор), псориаз (баданида тошма бўлганлар), шунингдек, сил касаллигидан ҳам ўзини тортувчилар, ундан ҳазар қилувчилар учрайди. Улар шу касалликка чалинганлар билан мулоқотга киришишдан, бир дастурхонда ўтиришдан, муносабатда бўлишдан ўзларини тортадилар. Бу касалликлар

юқумли бўлмаганлиги боис бундай муносабат мутлоқо ўзини оқламайди. Шу касалликлар ичида сил касаллигига тўхтадиган бўлсақ, бугунги кунда унинг давоси топилган. У ирсий касаллик эмас, паслдан наслга ўтмайди. Факат бемор оила аъзолари билан яқин мулоқотда бўлганлиги сабабли уларга касалликни юқтириши ва касаллик оиласвий тус олиши мумкин. Бугунги кунда DOTS дастури бўйича олиб борилаётган ишлар натижасида ушбу касаллик сони кескин камайган.



! Маслаҳат. Оиласига силга чалинган бемор мавжуд болаларни ёритишда журналистлар уларни камситишдан қочишилари, улар билан сухбатлашганда иложи борича мазкур мавзуни қўзғамасликлари, бу ҳақига шифокорлар ёхуд катталардан маълумот олишлари зарур.

5-стереотип. Болани аввало қорнини тўйдириш ва кийинтириш керак, у ёғига ўзи ривожланаверади. Албатта, болани соғлом озиқ-овқат маҳсулотлари билан боқиши, яхши кийинтириш муҳим. Мазкур стереотип ёши катта

авлоднинг қийинчилек шароитида вояга етгани билан боғлиқ. Агарда мазкур стереотипни меҳрибонлик уйларида ўсаётган болаларга нисбатан қўлласак, улар оиласдаги мавжуд меҳр-муҳаббатдан бебаҳра, ҳаёт учун зарур кўнкимларга эга бўлмай ўсади. Зеро, кийими, кўрпа-тўшаги тоза, овқати доимо тайёр. Булар қандай амалга ошади, мазкур юмушларни ким бажаради? Тарбияланувчилар булар ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди, аксинча доимо шундай бўлиши керак, деб ўлашади. Меҳрибонлик уйини тарк этгач, реал ҳаётда қийналиб қолишади. Мазкур стереотип болада "Мен баҳтсизман, демак менга ҳар ким, ҳар доим ёрдам беришлари керак" деган фикрни мустаҳкамлади.



! Маслаҳат: Журналистлар ҳомийлик, фарзандлар тарбияси ҳақига ёзишганда, кўпроқ эътиборни асраб олинган, оиласларда тарбияланадиган болаларга қаратиши, оиласда тарбиянинг аҳамиятига эътибор бериш муҳим эканлигини унутмасликлари зарур.

6-стереотип. Жамоадати тарбия биринчи ўринда туриши керак. Мазкур стереотип жамиятимиз аъзолари онгига собиқ Иттифоқ давридан қолган бўлиб, ўша пайтлари совет педагоги А.Макаренко таълимоти натижасида ривожланган эди. Албатта, ҳар бир фарзанд жамиятда ўз ўрнини топиш учун аввало жамоада ўзини тута билиши лозим. Аммо бугунги баркамол авлод тарбиясида аввало ҳар бир боланинг мустақил фикрга эга бўлиши, у ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан устун бўлишига эътибор қаратилмоқда. Барчанинг бирдек эмас, балки боланинг индивидуал хусусиятларини инобатта олган ҳолда тарбиялаш мухим⁹⁷.



! Маслаҳат. Журналистлар тарбия хусусида гап кетганда, аввало бутунги кунга ёшлар тарбиясида мұхим аҳамият касб этаётган индивидуал хусусиятларига, шунингдек тарбияяда мұхим ўрин тутаётган ҳамкорлик масалаларига (масалан, таълим соҳасидаги оила-маҳалла-тарбия муассасаси концепциясы) эътибор қаратишлари лозим.

97. Барча стериотиплар "Хуррият", "Халқ сўзи" – "Народное слово", "Ўзбекистон овози", "Правда Востока", "Тошкент оқшоми", "Туркестон", "Моҳият", "Маърифат", "Оила ва жамият", "Даракчи" газеталарининг 2012, 2013 йиллар давомида чоп этилган сонларининг таҳлили натижалари (2013 й. ноябрь) асосида ажратиб олинди.

7-стереотип. Бир марта жиноятта қўл урган бола одам бўлмайди. Турли хил сабаблар билан жиноятта қўл урган болага қайта "Сен — ўгрисан", "Сен — жинотчисан" дея тамға босмай, унинг нега хотўғри иш қилгани, бунга нима сабаб бўлганини тинчгина, юзма-юз гаплашиш орқали кўрсатиш лозим.

! Маслаҳат. Журналистлар жиноят содир этган вояга етмаганлар билан суҳбатлашаётганда уларни ҳақорат қилмасликлари, тамға босмасликлари, ўз материалларида жиноят содир этган боланинг муаммолини эмас, балки умумий ижтимоий муаммони ва унинг келиб чиқши сабабларини кўрсатишлари лозим.

Болалар билан боғлиқ, стереотипларнинг шаклланиб, томир отишига яхши шароит яратиб бераёттан ОАВ аҳоли онгига уларнинг янада чуқурроқ ўрнашишига сабаб бўлишади. Бу ўз навбатидә фарзандларимиз ҳаётига салбий таъсир ўтказмай қолмайди.

Стереотипларга қарши курашишда ОАВ мухим рол ўйнайди. Айнан уларни аҳоли онгида шакллантириш ҳам, томирига болта уриш ҳам журналистлар қўлида эканини, жамият ривожи, хусусан, болаларимизнинг комил инсон бўлиб вояга этишишларига тўсиқ бўладиган стереотипларни йўқотиш куннинг долзарб вазифаси эканини унутмаслик лозим.

1998 йили "Болаларни қутқаринг" хайрия ташкилоти болаларнинг ОАВда ўзлари ҳақида берилган материаллар ҳақидағи фикрларини сўраган эди. Аниқланишича, болалар журналистлар уларни қай тарзда ёритишлари ёқмасликларини жуда ҳам яхши билишар экан. Булар:

- болаларни катталардек гапиртириш (бу катталарнинг истеҳзоли жилмайишига сабаб бўлган);
- босма ОАВда фақаттина ёқимтой болаларнинг суратлари берилиши;

-
- болаларни ачинарли ҳолатда тасвирилаш;
 - болаларни керакли инсон сифатида акс эттирмайдиган ҳолатларни күпроқ бериш (ёзма, фото ва видео орқали)⁹⁸.

ОАВ болалар ҳаётини тез-тез ёритишса-да, аксарият ҳолатларда уларнинг манфаатлари кўзланмайди. Халқаро ОАВ таҳлилига назар ташлайдиган бўлсак, Буюк Британияда босма ОАВ мониторинги ўтказилганда, болалар ва ўсмирлар ҳақидаги 71 фоиз материалларда улар салбий ҳолатларда, 14 фоизидагина ижобий, 15 фоизида эса нейтрал қўринишда тасвириланганлиги аниқланган. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги 48 фоиз материалларда эса улар жиноятчи сифатида берилган. Барча материалларнинг 70 фоизида ўғил болалар жиноятчи сифатида берилган бўлса, 30 фоизида ўғил болалар зўравонлик қурбонлари сифатида тасвириланган. Жиноятчи қиз болалар ҳақида атиги 10 фоиз материалларда ёзилган бўлса, 90 фоизида улар жиноятчилик қурбони сифатида келтирилган⁹⁹. Айтиш жоизки, болаларнинг бундай стереотиплари халқаро миқёсга эга. Glocal Youth томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасидан аниқ бўлишича, ОАВ ёшларнинг фуқаролик фаоллиги дараражасига баҳо бермай, болалар ва ўсмирларни асосан жамиятдаги мавжуд қўйидаги муаммоларнинг сабабчилари сифатида келтиради: ўғрилик, босқинчилик, зўравонлик, зўрлаш, ги-

98. Права ребенка и журналистика. Практический аспект: опираться на права. Учебная программа, одобрённая региональным офисом ЮНИСЕФ по Центральной и Восточной Европе и Содружеству независимых государств (ЦВЕ\СНГ) © UNICEF - Дублинский технологический институт, 2007, с.71.

99. Права ребенка и журналистика. Практический аспект: опираться на права. Учебная программа, одобрённая региональным офисом ЮНИСЕФ по Центральной и Восточной Европе и Содружеству независимых государств (ЦВЕ\СНГ) © UNICEF - Дублинский технологический институт, 2007, с.72.

ёхванд моддаларнинг истеъмолчилари ва ҳоказо. Афсуски бундай сериотиплар ғарб мамлакатлари томонидан ишлаб чиқилаётган кўплаб фильмларда ҳам акс этиб, уларнинг аҳоли онгида янада мустаҳкамланишига кўмаклашмоқда.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон ОАВда болаларни тасвиrlашда қандай стереотиплар мавжуд?
2. Халқаро ОАВ болалар ва ўсмиirlарни қайси кўришиларда тасвиrlашга мойил?
3. ОАВда вояга етмаганларга нисбатан стереотиплар берилишининг салбий оқибатлари нимларда кўринади?



Мустақил ўрганиш учун топшириқлар:

Ўзбекистон ОАВда болалар мавзусини ёритишда йўл қўйилаётган стереотипларни аниқданг ва уларни хорижий ОАВдаги стереотиплар билан таққосланг.

3.4§. Болалар мавзусини ёритишда журналистлар томонидан йўл қўйиладиган хатолар

Вояга етмаганларнинг ҳаёти уларнинг оиласлари ва атрофдагиларнинг болаларга бўлган муносабатига боғлиқдир. Кўп ҳолатларда журналистлар болалар ҳаётини ёритишар экан, бир қатор хатоларни такрорлайверадилар¹⁰⁰.

1-хато. Мехрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар ҳақидағи материалларда журналистлар соҳага хос тушунчалардан бехабарлиги туфайли аксарият ҳолатлар-

100. НТТ телеканалида 2013 йил январь-февраль ойларида эфирга кетган ахборот-таҳлилий материалларнинг таҳлили натижалари.

да "асраб олиш", "васийликни белгилаш" кабиларнинг нотўғри берилиши, Мехрибонлик ва Гўдаклар уйи ўртасидағи фарқнинг кўрсатиласлиги ва ҳоказоларда кўринади.

2-хато. Болаларни асраб олган ота-онага нисбатан асроранди боланинг кўрнамаклиги ҳикоя тарзида кўп берилганидан меҳрибонлик уйларида тарбияланадиган болаларга нисбатан салбий қарашларнинг шаклланишига олиб келади.



3-хато. Аксарият жиноятлар тўлиқ бўлмаган ёки кам таъминланган оиласда вояга етган болалар ва ўсмиirlар томонидан содир этилади. Афсуски, сўнгти йилларда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар, асосан, ота-онаси бор, ўзига тўқ оила фарзандлари томонидан амалга оширилаётганлиги қайд этилмоқда. Журналистларнинг нотўғри хulosага келишлари жамоатчилик томонидан отаси ёки онаси, фақатгина бувиси тарбиясидағи болаларнинг келажақда муқаррар жиноятчи бўлиб етишиши ҳақидағи нотўғри қарашни шаклланишига ва бундай оиласарда тарбияланадиган болаларга нисбатан салбий муносабатнинг кучайишига олиб келиши мумкин.

4-хато. Кадрда кўп болали оила. Икки нафар фарзанд ота-онанинг ўзиники, қолган б нафари асраб олинган. Кўрсатувнинг асосий ғояси: бола асраб олган одамлар замонамиз қаҳрамонлари. Албатта, етим болаларни асраб олишни тарғиб этувчи бундай кўрсатувлар жуда ҳам керак. Зоро, бутунги кунда Ўзбекистон ҳукумати ЮНИСЕФ билан ҳамкорлиқда "ҳар бир бола оиласи тарбияланиши лозим" шиори остида фаолият олиб бормоқда. Аммо бола асраб олган одамларни қаҳрамон даражасига кўтариш, баъзи телетомошибинларда уларга нисбатан тескари муносабатни келтириб чиқариши мумкин, яъни болани оддий одамлар эмас, балки фақаттина "қаҳрамонларгина" асраб олишлари мумкин, бундай одамлар биринчи ўринда болалар орқали ҳаётларининг моддий томонини яхшилаш фикридалар ва ҳоказо.

5-хато. Гиёҳвандлик иллатлари ҳақидаги кўрсатувда ҳаётида нотўғри қадам босган ўсмирларнинг юзлари ийрик планда кўрсатилиши, ота-оналарининг фарзандлари-нинг гиёҳвандликка берилиб кетишида бир-бирларини айблашлари, гиёҳванд ўсмир эса бунда атрофдагиларни айблashi ҳақидаги кадрлар.

Баъзи ҳолатларда жиноят содир эттан вояга етмаганлар, гиёҳванд ўсмирлар ота-оналарининг рухсатисиз тасвирга олиниб эфирга узатилади. Бу аксарият ҳолатларда маҳсус соғломлаштириш муассасаларда даволанаётган ёки маҳсус таълим муассасаларида тарбияланавтган болаларни кўрсатиша кўринади. Улар оддий ҳаётта қайтганларида яқинлари ва дўстларининг уларга нисбатан муносабатлари салбий томонга ўзгармаслигига ким кафолат беради? Кимнингдир айби билан йўлдан адашган болалар ҳам бошқа барча болалар сингари ҳуқуқларга эта бўлиб, уларни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Назорат учун саволлар:

1. Журналистлар ўз материалларида қандай хатоларга йўл қўядилар?

2. Нега жиноят содир эттан вояга етмаганларни кадрда иирик планда күрсатмаслик лозим?

3. Күп бола асраб олган оилаларни қаҳрамонлик дара-жасига күтариши керакми?

Мустақил ұрганиш учун топшириқлар:

1. Республика ОАВда болалар мавзусини ёри-тища журналистлар томонидан йүл қўйилаётган хатоларни аниқланг.

2. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарларига бағишли-ланган күрсатувларда жиноят содир эттан болаларни нега иирик планда күрсатмаслик керак? ОАВда улар-нинг исми ва фамилиясини нега ўзгартириб бериши лозим? Мазкур саволларга жавоб изланг.



4-БОБ. ОАВДА БОЛАЛАР МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ВА ПРОФЕССИОНАЛ МАҲОРАТ

4.1§. Бола мавзусини ёритишда журналистга қўйиладиган талаблар

Бугунги кунда Ўзбекистонда "Тонг юлдузи", "Класс" газеталари ва "2x2", "Знайка", "Фунча" "Гулхан", "Родничок", "Ёш куч", "Синфдош" каби журналлар, "O'zbekiston", "Sport", "Yoshlar", "Madaniyat va ma'rifat", "Dunyo bo'ylab" ва "Toshkent", "Navo", "Bolajon" телеканаллари, "Yoshlar", "Орият доно", "Masha'l", "Пойтахт" радиоканалларининг ҳар бирида болалар учун материаллар, кўрсатув ва эшиктиришлар мавжуд. "Yoshlar" телерадиоканали қошида 2013 йил 1 июнь куни очилган "Bolajon" телеканалидаги кўрсатувлар кундан кунга мазмунан бойиб бормоқда. Айтиш жонизки, мазкур ОАВ болалар аудиторияси учун қизиқарли бўлган ахборотларни етказади. Бунда болаларнинг тили, дунёқараши, қизиқишилари, ўй-фикрлари тўлақонли акс этиши уларнинг хоҳиш-истаклари, таклифлари асосида амалга оширилади. Шу боис, болалар ўз нашрларини қизиқиб ўқийдилар, кўрсатувларни томоша қилиб, радиодаги ўзлари учун мўлжалланган эшиктиришларни мароқ тинглайдилар. Унда ўзлари ҳам иштирок этишга ҳаракат қиласидилар.

Болалар масалаларининг ОАВда ёритилиши ҳакида гап кетганда, аввало катталар журналистикаси билан болалар журналистикасининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини яхши ажратиб олиш керак бўлади.

! Ўхшаш жиҳати: болалар ва катталар журналистикасининг ўхшашлиги ҳар иккаласи ҳам аудиторияга ахборот узатиш билан шугуулланади.



! *Фарқли жиҳатлари:*

- аудиториянинг турлича эканлиги, яъни болалар журналистикаси аудиториясини 5-14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади;
- болалар журналистикаси катталарап журналистикасига қарагандга ижодий жиҳатдан мураккаброқ;
- болалар борлиқни ўз тассаввурларида кўрадилар;
- болаларга берилагиган ахборотнинг соддага ва тушинарлилиги.

Ана шу фарқли жиҳатлардан ташқари болалар журналистикаси соҳасида ёзадиган ижодкорлар тажрибасида қатор ўзига хос синалган хulosалар ҳам борки, буларни билиш бўлгуси журналистлар учур фойдадан ҳоли бўлмайди.

! "...Болалар журналистикаси – қизин соҳа. Махорат билан бирга болаларга ўта яқинлик, ўзига хос меҳр бўлиши керак. Ўзини ўраб турган муҳитни, ташқи дунёни болаларча кўра олиш жуда муҳим. Катта-

лар матбуотига айтиладиган саҳифа-саҳифа гапларни ярим ёки бир қоғозда ифодалашига мажбурсиз. Чунки боланинг қабул қилиш қобилияти ва сабри шунга етади. Мен кичкинтойларни назарда тутяпман. Ёки, дейлик, болаларга бир үйин ҳақида ёзмоқчисиз. Ўша үйинни болалар билан бирга ўйнашингиз керак. Ана ӯшандагина боланинг дилидан нима ӯтаётганини, у нимани ҳис этаётганини биласиз. Болалар журналистининг зийраклиги ҳам шунда. Айтишади-ку, "Ниҳолни қандай парвариш қилсанг, шунга яраша ҳосилини оласан", деб. Болалар учун ёзилган матнда (у хоҳ мақола бўлсин, хоҳ лавҳа) "бугунги ҳаёт", "замон талаби", "тарбия" каби сўзларни қўлламасдан давр руҳини сингдириш керак. Ҳар бир сўз болани тарбиялашига, уни тўғри йўлга бошлишига хизмат қилиши лозим.

Болалар журналистини мен эзгулик тарбиботчилари деб атаган бўлардим. Бу соҳада ёзадиганлар ҳалол, покиза, содда ва ростгўй бўлишилари зарур. Ва албаттга, болаларни яхши қўриши керак.¹⁰¹

Яира Саъдулаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, кўп йиллар "Фунча" журналида бош муҳаррир лавозимида ишлаган.

Журналистик материалда битта муаммо аниқдикни, мавзудан чиқиб кетмасликни таъминлагани боис, фикрни аниқ ва равшан фактларга асосланган ҳолда ифодаланади.

! Агар журналистнинг шахсан ўзи воқеа-ҳодисанинг гувоҳи бўлмаса, тайёрлаган материалига маълумотни қаердан, кимдан олинганилиги ҳақидаги манба кўрсатилиши шарт.

101. Атақулова Э. Кичкинтой қалби – Ватан ичра ватандир! (Я.Саъдулаева билан суқбат)// "Маърифат" газетаси 2012, 2-июнь

Бугунги кунда республика ОАВда болаларнинг фикри озми-кўпми ёритилади, аммо бу етарли эмас. Қолаверса, ушбу материалларнинг ҳаммаси ҳам болалар масалалирини ёритиш билан боғлиқ мезонларга жавоб бермайди.

Олиб борилган таҳдиллар натижаларига кўра, республиканинг қатор ижтимоий-сиёсий, тармоқ ва хусусий, яъни катталарга мўлжалланган нашрларида болалар мавзусининг ёритилишида қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, улар қуийдагилардан иборат:

- ✓ катталар учун мўлжалланган нашрларда болалар фикри катталар талқинида берилиши кузатилади;
- ✓ боладан интервью олинганда, у худди катталарда фикрлайди;
- ✓ журналистларнинг кўпчилиги боладан интервьюю олишни билмайди;
- ✓ айрим журналистлар учун боланинг фикри аҳамиятсиздай қўринади;
- ✓ агар журналистлар материаларида бола фикрини беришлари керак бўлса, буни улардан сўраб ўтирмай, во-қеликни бола номидан ўзлари "талқин" қилиб қўя қоладилар;
- ✓ радио ва телевидениеда эса болага гап ўргатиб, уни "тўтиқуш" мисол сайратиш ҳолатлари кўп кузатилади.
- ✓ болалар мавзуси доимий эмас, балки бирор бир мұхим воқеа муносабати билан, масалан, 1 июнь-Халқаро болалар куни, 2 сентябрь – Билимлар куни, 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни арафасида журналистларнинг "қизиқиш"лари ортиб, бошқа пайтта нисбатан кўпроқ ёритилади.

Болалар мавзусининг оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг ўзига хос қонун-қоидлари, талаблари бор. Аввало, журналистика назариясининг умумий қонуниятлари ва етакчи тамойиллари болалар журналисикасига ҳам тааллуқди эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга болалар мавзусида ёзадиган журналистлар қуийдаги энт муҳим талабларни билишлари жуда за-тур:

! болалар мавзусидаги журналистик материалнинг композицион тузилиши аниқлик ва оддийликка асосланиши керак;

! болалар мавзусидаги ҳар қандай журналистик материалнинг асосий обьекти муайян воқелик, яъни бўлиб ўтган воқеа, ҳодиса, вазият, жараёнлардан ташкил топиши керак;

! болалар мавзусида тайёрланган ҳар қандай материалга журналистик асар сифатида ёндашиш зарур;

! журналистиканинг олтин қоидаси – нима, қачон, қаерда, деган саволларга жавоб бериши муҳим.

Энг асосийси, болалар мавзусини ёритишда журналистлар болаларнинг ҳуқуқларини яхши билишлари, улар билан боғлик мавзуларда аниқ факт ва далилларга асослашишлари билан бирга, уларнинг ёши, психологияси, ижтимоий аҳволига боғлик ҳолатларга албатта, эътибор беришлари керак.



Сўнгти йилларда болалар ёки ёшлар қиёфасидан (образида) ОАВнинг фойдаланиши боланинг яқинларини хавотирлантироқда. Чунки турли хил тасвиirlарда болалар ёки ёшларни расмларидан, қиёфалардан мақсадли эмас, шунчаки фойдаланиш учун олинади, деган тахминлар мавжуд. Айниқса, интернет ва ахбороттехнологияларининг ривожланиши, расм ва ахборотларга эга бўлиш ва тарқатишни осонлаштиргани бу масалани яна ҳам мураккаблаштириди. Бундан ташқари болалар мавзуси юзасидан ОАВга нисбатан омманинг ҳам ўз талаблари бор¹⁰²:

✓ ОАВ болаларнинг фикрларини эркин ифода этишга тааллуқди қарорлар қабул қилиш ва болалар мавзуларни ёритиш юзасидан комплекс чора-тадбирларни самарали усуllар билан таъминлаш зарурлиги;

✓ ОАВ болаларни эшитишга, уларнинг ўз нуқтаи назарлари катталарнинг фикрлари каби аҳамиятга молик эканлигига таъсир кўrsатиши;

✓ сурат ва мақолалар болаларнинг умумий эҳтиёжларини англаш ва хайрли ишларни амалга ошириш учун зарур воситаларни йиғиш мумкинлиги имконини ошириши.

Бу эса журналистнинг касбий ахлоқ, меъёрларига амал қилиш лозимлигини тақозо этади. Шу нуқтаи назардан журналист болалар мавзусини ОАВда ёритар экан, аввали қатъий равишда аҳлоқий меъёрларга риоя этиш лошим.

! Болалар мавзусини ОАВда ёритишда журналистга қўйиладиган талаблар:

- болага ногиронлигини айтиб, тамға босмаслик;
- боланинг нуқсонини кўрсатиб, унда салбий реакцияни келтириб чиқарувчи тавсифдан қочиши;
- болага руҳий зарар етказмаслик;

102. ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабалари ўтасида ўтказилган сўровнома натижалари. 2013 йил январь.

→ доимо бола ҳаёти тарихини реал тасвирлаши;

→ доимо боланинг исмини яшириши ёки ўзгартириш, агарда у:

a) ногирон,

b) жисмоний ёки жинсий зўрлик қурбони,

c) ОИТС билан касалланган,

d) сундга унинг иши кўрилаётган бўлса.

Боланинг исми ва фамилияси фақатгина унинг ота-онаси, васий шахс томонидан розилик берилган тақдиридагина ёритилиши мумкин.

→ Баъзи бир ҳолатларда боланинг шахсий маълумотларидан журналист материални жонлантириш учун фойдаланаади, аммо берилган бу маълумотлардан бола руҳиятига зарар етказмаслиги керак.

→ Масалан: бола доимо журналист билан учрашганда ўзини эркин тутиш, мустақил фикрини билдириш ҳуқуқини амалга ошириши лозим;

→ бола доимиий ижтимоий мобилизация дастурларининг қатнашчиси бўлса;

→ бола ижтимоий-руҳий дастур қатнашчиси бўлиб, унинг исми-шарифи боланинг соғлом ривожланиши йўлида ишлатилса.

Болалар қалби ҳис-туйфуларга берилувчан ва айни пайтда ҳар нарсани билишга қизиқувчи, изланувчи, ҳаракатчан бўлади. Уларнинг ана шу беғубор, ҳар қандай ёмон ниятлардан ҳоли қалбларига ноўрин зарар етказиб бўлмайди. Уларнинг руҳиятига таъсир қилган ҳар бир яхши ёмон ҳодисалар бутун ҳаёти давомида акс-садо бериб турди. Ҳар куни ОАВ томонидан тарқатиладиган аҳборотлар катта ёшдагилардан кўра ёшлар, айниқса, ўспиринлар, кичик ёшдаги болалар руҳиятига кучли салбий таъсир қўрсатади.



Айниқса бундай ахборотларни узатиши күпроқ телевидениега хос. Рус психологи Л. Трубицына "Оммавий ахборот воситалари ва психологик жароҳат" сарлавҳали мақоласида¹⁰³ шундай ёзади: "Баъзида жароҳатланганларнинг, айниқса, ҳалок бўлган ёки жон берайттан одамларнинг экранда кўрсатилиши ўз-ӯзидан томошабинга, айниқса, болалар ва ўспиринларга ёмон таъсир қиласи. Террорчилик хуружлари ёки портлашларни кўргандан кейин мактабгача ёшдаги болалар орасида даҳшатта тушиш, уйқусининг бузилиши сингари руҳий нотинчлик кўп учрайди. Масалан, 5 ёшли бола янгиликлар дастурида кўрган воқеалардан кейин ёлғиз қолишга қўрқадиган, онасини ёнидан жилдирмайдиган, сал нарсага йифладиган, қўрқинчли туш кўриб уйғониб кетаверадиган бўлиб қолади. 8 ёшли болалар эса, "қайноқ нуқта"дан олинган кадрларни кўргандан кейин руҳий тушкунликка тушиб, "ниқоб"ли кишилар келиб ҳаммани ўлдириб кетади, деган қўрқув таъқибидан қутилолмайди. Болалардаги руҳий ҳолатнинг издан чиқиши узоқ вақт ўз таъсирини сақлаб қолади. Қизифи шундаки, бу ёшдаги болалар ҳаётда

103. Трубицына Л.Средства массовой информации и психологическая травма. Проблемы медиапсихологии. "Журналистика в 2000 году: Реалии и прогнозы развития", Москва, МГУ, 2001. <http://evartist.narod.ru/text7/41.htm>.

содир бўлган бундай кундалик воқеаларни бадиий фильмлар воқеалар тасвиридан яхши фарқдай олади. Москвада бўлиб ўтган террорчилик хуружлари оқибатида ўспиринларда психолого-жароҳатдан сўнг агрессив ҳаракатларга мойиллик ортгани ҳақида ўқитувчилардан қўплаб шикоятлар тушган"¹⁰⁴. Зотан, жамият тараққиёти ҳам болаларга муносабатдан, эътибордан бошланади. Бу журналистлар зими масига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Назорат учун саволлар:

1. Болалар ва катталар журналистикасининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари нималарда кўринади?
2. Болалар мавзусини ОАВда ёритишда журналистларга қандай талаблар қўйилади?
3. Журналистик асарнинг композицион тузилиши деганда нимани тушунасиз?
4. Дастрлабки миллий болалар нашрлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Болалар мавзусини ёритишда журналист қандай одобахлоқ меъёрларга амал қилиш керак?

Мавзу юзасидан мустақил топшириқлар:

1. Болалар учун мұлжалланган "Тонг юлдузи" ва "Бекажон" газеталари билан танишиб чиқинг ва уларнинг умумийлиги ва ўзига хослигини таҳлил қилинг.
2. Ўз вилоятингизда нашр қилинадиган болалар нашрларини кузатинг, уларни болалар мавзусини ёритишга қўйилган талаблар нуқтаи назаридан таҳлил қилинг.
3. "Хордик", "Бекажон", "Хуррият" газеталарида болалар мавзусини ёритишда учрайдиган камчиликларни тўпланг ва таснифланг.

104. Трубицына Л.Средства массовой информации и психологическая травма. Проблемы медиапсихологии. "Журналистика в 2000 году: Реалии и прогнозы развития", Москва, МГУ, 2001. <http://evartist.narod.ru/text7/41.htm>

4.2§. Матбуотда чоп этилган болалар мавзусига бағишиланған материалларнинг тили ва услуби

Хар бир журналистик материалнинг таъсирчанлиги, аввало, унинг ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак савияси бўлиши билан белгиланади. Бу эса журналистдан катта билим ва маҳоратни талаб этади. Журналист маҳорати масаласида жуда кўп тадқиқотлар олиб борилган, бироқ журналистиканинг ривожи тобора янгидан-янги илмий изланишларни ҳам тақозо этадиган. Бир сўз билан айтганда, бу узвий изчиликни, назария ва амалиёт уйғунлигини талаб этадиган жараёндир.

*Журналистик асар муайян жамиятнинг ва даврнинг дискурси (франц. *discours*—нұтқ) ҳисобланады.¹⁰⁵ Моҳияттан ҳам, ҳар қандай журналистик материал ана шу нутқнинг бир бўлгагидир. Шу орқали журналистик ижоднинг натижаси бўлмиш нафақат оммавий ахборот, балки барча матнлар, барча ижтимоий ахборотлар ўрганилади.*

Табиийки, журналист ўз соҳаси сирларини пухта эгаллаши учун тўрт-беш йиллик ўқув курслари кифоя бўлмайди. Маҳорат, малака шаклланиши учун йиллар давомида изланиши зарур. Шу маънода журналистник ихтисослашуви масаласи ниҳоятда муҳимдир. Чунки, бугунги тезкор давр ҳар бир соҳа вакили каби журналистдан ҳам муайян соҳага ихтисослашиш, ўзи ёритаётган мавзуни имкон қадар мукаммал билишини талаб этади. Болалар журналистикаси ҳам бундан мустасно эмас.

Айтиш жоизки, ана шундай мураккаб жараёнда журналист ўзи тайёрлаётган материалнинг мукаммаллиги учун нафақат таҳририят, жамоа, мутасадди раҳбарлар олдида, балки болалар олдида ҳам масъулдир. Маълумотларни са-

105. Основы творческой деятельности журналиста Ред.-сост. С.Г. Корконосенко. СПб.: Знание, СПБИВЭСЭП, 2000 г.

ралаш, аудиторияга янги фикр айтиш масъулияти журналист зиммасидадир. У бугунги глобаллашув шароитида янгича ахборот технологиялари имкониятидан тұла фойдаланиши зарур. Болалар учун тайёрланған ёки болалар фикри берилаёттеган күрсатув, лавҳа ёки ахборотнинг қандай бўлиши, журналистнинг эпчилиги ва маҳоратига, маълумоти ва масъулиятни қай даражада ҳис этишига боғлиқ.



Журналист маҳорати ва журналистик материалнинг жамоатчилик фикрига таъсири бир-бири билан узвий боғлиқдир. Бу масалада болалар фикрининг ОАВда ёритилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Журналистикада аудиторияга таъсир этиш усуллари ҳақида гап кетар экан, муроқот күнікмаларини ривожлантириш масаласига ҳам тұхталиб үтмоқ жоиз. **Мутахассисларнинг фикрларига қараганда, одамларнинг күпчилиги секин-аста муаммоларнинг сабаби муроқот үрната олмаслик билан боғлиқларын англаб еткептилар.** Бу эса болалар журналистикасига ҳам бегона эмас. Шу боис муроқотнинг тұғри ва самарали ташкил этилишини таъминлап учун унинг фақат техник жиҳатларига эмас (техник воситалар: телефон, пейжер, интернет орқали бўла-

диган мулоқотлар ҳеч қачон бевосита мулоқотнинг ўрнини босолмайди), амалий психологик жиҳатларига ҳам жиддий эътибор бериш талаб этилади.

Болалар билан интервью жараёнида журналистнинг касбий малакаси ва психологик қарашлари ўзгариб, бойиб боради.

! Болалар билан мулоқотга киришиш учун журналистдан талаб қиласиган бирламчи хусусият бу унинг - билимдонлигиadir. Бироқ журналистнинг интервью жараёнида ўзининг қанчалик билимдон эканлигини на мойиш этиши дегани эмас.

Интервьюнинг қанчалик самарали бўлиши учун ҳозирлик кўриш, тайёрланишда зарур бўлган маълумотларни ўзлаштириш.

Бу нима билан белгиланади?

Биринчи навбатда, сухбатдош бола ҳақида умумий ва индивидуал маълумотта эга бўлиши;

боланинг таржимаи ҳоли билан танишиб чиқиши (бу-нинг ичита фақат расмий маълумотларнинг ўзигина кирмайди), қизиқишлари, шугулланадиган машгулотлари, характеристи, табиати, ҳатто сухбатлашиш услубигача билиши зарур.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, қаҳрамони ҳақида икирчикиргача биладиган журналист респондент меҳри ва ишончини қозонади. Бу эса интервьюнинг муваффақиятли чиқишининг кафолатидир.

Демак, болалар билан интервьюда **журналистлар** мулоқотнинг ҳеч бўлмаганда иккита специфик талабни яхши билиши керак:

◆ **Биринчи талаб** — бу журналистда ахборотта эга бўлган сухбатдошни (болани - таъкид бизники) ўзига жалб қила олиш кўникмасининг мавжудлиги;

◆ **Иккинчи талаб** — журналистнинг мулоқотта жиддий тайёргарлик кўриши;

! Энг аввало, журналистлар болалар билан ишилашга, улардан интервью олишда касбий-ахлоқий тамошларга амал қилишлари шарт!

Күпинча ахборот тұплаёттан журналист жабрланғанлардан интервью олишда "энг құрқинчли, энг оғир" воқеа, ҳолатлар ҳақида улардан сұраб-сурыштиришади. Бу эса жабрланғанларға далда бериш үрніга уларни үзләри туштап қалтис вазиятдаги құрқув, ҳаяжон ва изтиробни қайта эслаш, ҳис қилишга мажбур этади.

Мутахассислар бу ҳолатни үргаништан шундай ёзади: "1996 йили Чеченистаннинг Гроздан шаҳри ишрол қилинганидан бир ой үтиб, шаҳардаги мактаблардан бирида журналистлар болалардан "энг құрқинчли" нарсанинг расмини чизиб беришни сұрашган. Чизилған расмлар үйінің олиб кетилған, болалар эса үша дахшатта тұла таҳликалы күнлар ҳақидағы хотиралар билан яккама-якка қолғанлар"¹⁰⁶.

Болалар аудиториясига таъсир этиш усуллари, үйләрінен воститаларига қараб, журналист қуйидаги вазифаларни амалға оширади:

- ахборот беріш, маърифий-тарбия, мувофиқлаштырыш, меъёрлаштырыш;
- тарғибот, тарбия, ташкилотчилик, бошқарувчилик;
- умумлаштырыш, тарбия, маънавий қадриятларни тарғиб этиш ва бошқалар;
- жамияттага (ногирон болаларни) интеграциялаш ва үзүзини бошқаришта күмаклашиш, ҳақиқий вазият ва ҳолат ҳақида ахборот беріш, билимларни тарқатиши, жамоат фикрини шакллантириш;
- жамият ағзоларининг ижтимоий фаолликни намоён этишларига ёрдам беріш, маданиятни тарғиб этиш, құнгил-очар йұналишдаги вазифалар.

106. Трубицына Л.Средства массовой информации и психологическая травма. Проблемы медиапсихологии. "Журналистика в 2000 году: Реалии и прогнозы развития", Москва, МГУ, 2001. <http://evartist.narod.ru/text7/41.htm>

Ёшлар ўртасида ўтказилган социологик тадқиқотларнинг натижасига кўра¹⁰⁷, газета материалларида ўқувчиларни кўпроқ прагматика, яъни нима ҳақида гап кетаёттани (хабар берилаёттани) қизиқтиради. Ундан кейинги ўринда синтаксис, яъни материалнинг баён этилиш шакли, энг охирги ўринда эса семантика, яъни мазмуннинг ҳақиқатта нечоғли мослиги туради.



Демак, журналистик асар яратишнинг психологик хусусиятларида ҳам ана шу уч мезон: семантика, прагматика ва синтаксика талабларининг аудиторияга, ўқувчи психологиясиға кўрсатадиган таъсири инобатта олинади. Шунингдек, журналистик асарда кўтарилган мавзуу ва унда илгари суррилган фойя муҳим аҳамиятта эта. Мавзуу – асарнинг нима ҳақида эканлигини, унда кўтарилган фояда эса муаллиф нимани айтиши назарда тутилади. Шунинг учун журналистик асар композициясининг тузилиши аниқ ишлаб чиқилган, мазмуни аниқ ва тушунарли бўлиши керак.

107. Апдреева А.А. Методика преподавания психологии журналистики и проблемы современной журналистики. М., 2005. 82 с.

Ўкувчи, муштарий, томошабин, тингловчи, интернет-да "ўтирган" боланинг дунёқараши, интеллектуал салоҳияти журналист кўз ўнгида гавдаланиб туриши зарур. Бу эса чинакам изланишни, ҳаётий далилларни чуқур ўрганишни, бир сўз билан айтганда — ишонарлилик ва холисликни тақозо этади.

Сир эмас, қўпчилик Интернет фойдаланувчилари қўнгилочар ва дам олишга йўналтирилган материалларни мунтазам кузатиб боришади. Чунки инсонлар енгилелпи, тез ҳазм бўладиган мавзуларга — йўналишларга интиладилар. Балки ҳаётий вазиятлардан ҳеч бўлмаса Интернет орқали йироқроқ бўлишни хоҳлашар?! Бу ҳолни Интернетнинг қўнгилочар йўналишга монанд ўзига хослиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Тематик мавзуларда, хусусан, болалар мавзусида веб-материалларни тайёрлайдиган журналист буни теран ҳис қилиши зарур. Бу эса журналистдан катта билим ва маҳоратни талаб этади. Улар тайёрлаётган ҳар бир материал фойдаланувчи эътиборига тушиши учун веб-материал композициясини тўғри қуриш, изчиликни унутмаслик лозим бўлади. Мавзунинг қисқа фурсатларда атрофлича ёритилиши, саволнинг лўнда ва тўғри қўйилиши, материал композицияси, Интернет имкониятларидан етарлича фойдаланиш каби омиллар бу ўринда муҳим аҳамият касб этади.

Интернет орқали шахсий фикр билдиришда жуда эътиборли бўлиш талаб этилади. Журналист бирон-бир йўналишда мутахассис бўлса, вазиятни чуқур англаб этиши ва ҳолатга холис баҳо бера олишга қодир бўлса, айтмоқчи бўлган фикрини факт ва далиллар билан асослаши лозим. Акс ҳолда, нафақат ўзининг обрўйига пустур етказади, балки материали савиясининг тушиб кетишига сабабчи бўлади.



Журналист маҳорати ва тегишли талабларга мувофиқ тарзда ёзиш — омадга элтувчи калитдир. Материал матнининг тўғри тузилиши дастур тайёрлаш, янгиликлар йифиш, материални жанр талабларига мос равища ёзиш журналист маҳорати учун асос бўлади.

Журналист мақолани ёзаётганида, зиммасида “ўқувчи нимани ҳис этади?” ва шу билан бирга “ўқувчи нимани ўқийди?! деган катта масъулият туради. Буни ҳамиша назарда тутишга ўрганиш шартдир. Унинг вазифаси — ўқувчига бола ҳуқуқларининг эътиборни жалб қиласиган жиҳатлари ҳақида гапирип ва жамоатчилик ўртасида туғиладиган барча саволларига жавоб беришдир. Агар биргина савол жавобсиз қолдирилса, унинг кетидан янгидан-янги саволлар келиб чиқаверади ва оқибатда, муштарий уларнинг ҳеч бирига тушунмасдан қолаверади, ҳеч бирига жавоб топа олмайди.

Ёзишда энг асосийси — қисқа сўзлар ва жумлаларни кўллати, томошабинга туппунарли, оддий “сўзлаптгандек” гапириш лозим. Бу ўринда “қисқа” сўзига эътибор қаратишнинг ўзи кифоя. Келтирилаётган мазкур тавсиялар ушбу мавзуда журналистик материал тайёрлайдиган барча ижодкорларга, айниқса, онлайн тизимида ижод этаётганларига ҳам бевосита тегишлидир.

! ОАВда бола хуқуқларини ёртишда материал тили қандаій бўлиши керак? Аввало:

- аниқ ва лўнга;
- имкон қадар тушунарли ва согда;
- фактларнинг борлиги ва бойлиги;
- ҳаддан зиёд бадиий бўёқлардан ҳоли;
- услугга эътибор қаратиш;
- сўзлар ва тушунчаларни ўз ўрнида ишлатиш;
- ҳалқаро сўзларни таржима қилмай бериш;
- абревиатурадан қочиш, уларни шарҳлаш;
- таъкидловчи, масалан, "Маҳалла муаммони ҳал этиши шарт" тарздаги гаплардан қочиш;

Бундан ташқари, муҳаррир томонидан таҳrir давомида мухбирнинг воқеа-ҳодиса ҳақида ёзган далилларини, ёзиш услубини бузмаслик (агар у яхши бўлса), унинг меҳнатига ҳурмат билан муносабатда бўлиш лозим. Битта нотўри ишлатилган сўз янгилик мазмунини бутунлай ўзгаририб юбориши мумкин. Шу боис, ёзишни бошлиётган журналист ҳар бир сўзнинг лугавий маъносини билиши, бунинг учун, албаттa, изоҳли лугатлар билан кўпроқ ишлаши лозим

! Болалар ҳақидаги ҳар бир материал:

- ўз услуби ва дастхатига эга бўлиши;
- фактларга баҳо бериш ва таҳлил қилиш тартибли бўлиши;
- дикқат-эътибор муайян бир мавзуга қаратилиши;
- янги, жонли ракурс, баъзан зиддиятли услубга ифодаланиши;
- ўқувчини мавзуга янгича нуқтai назардан қарашига эришиш;
- баён қилиши эмас, кўрсатиб бериш;

- фикрни ўқувчига қарши қўйиш эмас, мисоллар келтириш;
- муаллиф тажрибасига эмас, мавзуга эътиборни қаратиши;
- оҳангдаги узвий мутаносибликка амал қилиш. (биорор оҳангни танланг ва охиригача шунга амал қилинг).

Назорат саволлари:

1. Бола ҳуқуқларини ёритишда журналистларга қандай талаблар қўйилади?
2. Болаларнинг фикр эркинлигини акс эттиришда ОАВ нинг ўрни ва аҳамияти нимадан иборат?



Мустақил ўрганиш учун топшириқлар:

1. Бола ҳуқуқлари билан боғлиқ мавзуларни ёритишига қўйиладиган талабларни амалий мисоллар ёрдамида ўрганинг.
2. ОАВда болаларнинг сўз ва фикр эркинлиги акс этиши: ютуқ ва муаммоларини таҳдил қилинг.
3. ОАВда бола ҳуқуқлари билан боғлиқ мавзуларни ёритишида яна қандай стереотиплар учрашини ОАВ орқали кузатинг.
4. Болалар нашрларида болалар ҳуқуқларининг ёритилишига бағишлиланган материалларни тўпланг ва таҳдил қилинг.
5. Болаларга бағишлиланган кўрсатув ва эшиттиришларнинг ўзига хослиги ва уларга қўйиладиган талаблар амалиётда кузатинг.

5-БОБ. БОЛА ХУҚУҚЛАРИНИ ЁРИТИШДА КАСБИЙ АХЛОҚ МЕЬЁРЛАРИ ВА ЖУРНАЛИСТИК ЁНДАШУВ

5.1§. Ахборот манбалари билан ишлаш тамойиллари

Ахборот — бутун жамият учун ҳаёттй заруратдир. Кишилар ўзаро кундалик мулоқотларида ахборот алмашиш орқали маълум муддат ўзлари кўрмаган, шоҳиди бўлмаган воқелиқдан хабардор бўладилар. Худди шунингдек, ўзлари кўрган, гувоҳи бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида ахборот берадилар. Бу — ахборотнинг энг содда шаклидир.

ОАВ жамиятнинг ахборотта бўлган эҳтиёжини қондиради. Аммо ахборотнинг ўзи қаердан олинади? Журналистнинг ахборот олувчи асосий манбаси нима? Таъкидлаш керакки, ахборот манбалари ва заҳиралари жамиятнинг ўзиdir.



Бизни ўраб турган оламда, биз яшаётган жамиятда қабул қиласиган ахборотларнинг турлари кўп ва хилма-хилдир. Журналист ахбороти ижтимоий жиҳатдан муҳимлиги, дол зарблиги, оммавий аудиторияга мўлжалланганлиги, оммавий аҳамиятта эгалиги, ҳужжатлилиги ва тасвирийлиги билан оддий ахборотлардан фарқ қиласиди. Аммо ахборот из-

лаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи фақат журналистнинг ўзи-
гагина тааллуқли ҳуқуқ эмас. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси
ахборот олиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, бу ҳуқуқдан бола-
лар ҳам мустасно эмас. Бу ҳуқуқ ҳалқаро ҳуқуқий меъёри-
ларда ҳам ўз ифодасини топган.

! “Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин
ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз
ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахбо-
рот ва ғояларни ҳар қандай восита билан давлат че-
гараларидан қатъи назар излаш, олиш ва тарқатиш
эркинлигини ўз ичига олади”.

**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг
19-моддаси.**

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги ҳалқаро
Пактда, “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар тўғриси-
да” Европа Конвенцияси ва бошқа ҳалқаро меъёрий ҳуж-
жатларда ҳам ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланган. Ушбу
ҳуқуқ, табиийки, миллий қонунчилигимизда ҳам ўз ифода-
сини топган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг
29-моддасида “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги
ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш
ва тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузум-
га қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган
бошқа чеклашлар бундан мустаснодир” дейилган. Бундан
ташқари, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари
тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-мод-
дасида: **“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига
мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, тек-
шириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш
ҳуқуқига эгалиги қайд этилган.**

Болалар мавзусини ёритища ахборот манбалари билан
ишлаш журналистиканинг асосий хусусиятларидан бири
ҳисобланади. Аммо журналист бола ёш экан деб ёки уни
ҳимоясиз ҳисоблаб, ноқонуний йўллар билан ахборот

йиғиши ва сақлаши мүмкін эмас. Бунинг учун болалар-нинг ұкуқұларини билиши ва уни ҳурмат қилиши, маълумот олишда үнга мақсадини тушуптириши, агар за-рур бўлса, уларнинг она-онасининг розилигини олиши керак. Айниқса, болалар билан ишлашда ахборот ман-баларидан фойдаланиш ўзига хос аҳамиятта эга бўлиб, журналист фаолияти маълум ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ бўлганлиги учун кўпинча маънавий-ахло-кий жиҳатлари мавжуд.

Кўп ҳолларда ОАВ болалар мавзусини ёритганда ёки бола шахси билан боғлиқ маълумотларни берганда исми ўзгартырилди, дейиш билан ахборот манбасини сир ту-тади. Аммо бола исмини ўйлаб топилган исмга ўзгарти-рилгани билан унинг шахсига тааллуқли бутун тафси-лотлар берилади-ку? Умуман, бундай таваккалчилик бола шахсини ошкор қилмайди, үнга тегишли маълумотлар сир сақланади деб ким кафолат беради?

Очиқ айтиш керакки, баъзан журналистлар шахсга тегишли бўлган (персонал) маълумотлар билан ишлаш-ни билган тақдирда ҳам негадир болаларга алоқадор



ахборотларни олишда уларни шахс сифатида кўрмаслик ҳолатлари учрайди. Тўғри, шахсга тааллуқли ахборотлар билан ишлаш бўйича қонунчилик журналистдан ўта эҳтиёткорликни талаб этади. Чунки у фаолият олиб борадиган ОАВ жамиятдаги ижтимоий вазифани бажарар экан, ҳар қадамда шахсий маълумотлар билан ишлашга тўғри келади. Шу боис журналист инсоннинг, шунингдек, болаларнинг дахлсиз ҳуқуқларини ҳурмат қилиши ҳамда улардан тўғри фойдаланиши керак.

Журналист ахборот манбаидан ахборот олиши учун, аввало, ўрганаётган манбаи ҳақида яхши билимга эга бўлиши, сўзамол, хушмуомала бўлиши лозимки, ахборот берган манба у ҳақда ёмон таассуротда қолмасин. Қолаверса, ахборот манбаси ахборот бериши учун катталар розилиги керак бўлади. Хўш, бола ҳуқуқлари ва болалар мавзусини ёритишда журналистлар қандай манбалардан фойдаланадилар? Бунинг учун:

Журналистлар маълумотлар базасига эга бўлиши керак. Аввало, доимий болалар мавзусида ёзадиган ёки энди ёзмоқчи бўлган ҳар бир журналист бу йўналишда ўз маълумотлар базасини яратиши зарур. Унга 50-60 та турли хил лавозимда ишловчи ва бевосита болалар масалалари билан шуғулланувчи ташкилотларнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг телефон рақамлари, электрон почталари, манзиллари кўрсатилган рўйхат киради. Мазкур рўйхат зарур пайти ҳар қандай жанрдаги материал таёrlаш учун керакли маълумотларни келишилган шаклда (хат, сўров орқали, учрашиб ёки телефон орқали) олиш имконини беради.

Давлат ташкилотлари ва муассасалари ходимлари зарур ахборотларни ўз вақтида фуқарога бериши керак. Бу ахборот олиш эркинлигининг асосий тамойили ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида ҳамда "Ахборот олиш кафолатлари ва эр-

кинлиги тўғрисида" ги қонуннинг 4, 7-моддаларида ҳамда "Ахборот олиш принциллари тўғрисида"ти қонуннинг 6, 8-моддаларида айнан шундай ахборотлар назарда тутилади. Бундай ахборотни бериш давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқи эмас, балки мажбуриятидир. Агар бундай ахборотлар берилмаса ёки асоссиз рад этилса, мансабдор шахслар Узбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида" ги Кодекснинг 44-моддасига биноан маъмурий жавобгарликка тортилади¹⁰⁸.

Аммо юридик шахслардан зарур ахборотни олишда ҳалигача қийинчиликлар мавжуд. Аксариат ҳолларда улар ёзма равишда мурожаатни талаб этадилар ва тартибга биноан 30 кун ичида унга жавоб қайтарадилар. Бу жуда ҳам катта давр бўлиб, зарур ахборот унгача ўз қиймати ва долзарблигини йўқотади. Кўпинча бундай шахслар берган маълумотлар қуруқ ва расмий бўлиб, фақатгина ҳисоботлар учун тайёрланган далиллар билан чегараланаидилар. Албатта, бундай пайтида улар билан иш каби нетида эмас, норасмий жойларда учрашиб, мулоқот, олиб бориш кўпроқ, ижобий натижага беради.

Болалар ҳуқуқлари бўйича ёки болалар мавзулари бўйича муайян маълумотларга эга, муҳим ахборот манабаларидан бири бу — **жамоат ташкилотлари** ҳисобланади. Мазкур ташкилот вакиллари кўпроқ, ўзларининг фаолиятидаги ижобий томонларни кўрсатиш, ўз-ўзларини реклама қилишни ўйладилар, аммо улар болалар билан расмий, шунингдек, норасмий равишда ишлаш борасида бой тажрибага эгалар. Улар билан яқиндан алоқа ўрнатиш журналист томонидан материални турли хил воқеа ва ҳолатлар билан бойитиш ва уни ўқишли чиқишини таъминлашга хизмат қиласи.

108. www.lex.uz/news/121q

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган **нодавлат нотижорат ташкилотлари** (ННТ) болалар ҳуқуқдари, муаммолари, умуман, болалар мавзусига тааллуқли барча масалалар бўйича керакли маълумотлар ва муайян муаммоларни бартараф этиш борасида бой тажрибага эга. Уларнинг мазкур йўналишдаги давлат сиёсати билан ҳамоҳанг иш олиб бориши журналистнинг кўпгина саволларига жавоб топипши ва ўрганаётган мавзусини атрофлича ёритиш имконини беради.



Айниқса, бола ҳуқуқдари ва муаммолари билан боғлиқ мавзуларни ёритишида журналистлар кўпроқ **ҳуқуқшуносларга** эҳтиёж сезадилар. Чунки ҳуқуқшунослар бола ҳуқуқдари масаласидати меъёрий ҳужжатлар, қонунларни шархловчи соҳа мутахассиси, балки болалар ҳуқуқбузарликлари борасида қимматли маълумотларга эга ахборот манбай ҳамдир. Аммо кўп ҳолатларда журналистлар улар билан ишлагандა, ўз ҳисботларини бериш билан чекланишга ёки фақат уларнинг расмий ҳисботлари, суд мажлисларининг қарорлари-дангина фойдаланишга рухсат беришларига йўл қўймасдан, кўпроқ мутахассислиги билан боғлиқ амалий тажрибаларига тааллуқли манбаларни олишга интилишлари зарур.

Хар қандай мавзуни, шунингдек, болалар мавзусида ёзадиган журналист ўзлари расмий мурожаат этадиган манбадардан ташқари бошқа ахборот манбаларига, айтайлик **интернет, агентликлар ёки** турли ахборот захиралари (**архивлар, фонdlар, кутубхона, газета тахламлари, кино, аудио, видеотекалар**) га мурожаат этадилар.

Доимий равищда муайян мавзуни ёритиш миллий ва хорижий тажриба билан танишиб бориши, айниқса, бу масалада хорижий ахборотларни кузатишни талаб этади. Бунда журналист учун энг қулай восита – Интернет ҳисобланади. У орқали журналист бошқа мамлакатларда, ташкилотларда қандай янгиликлар бўлаётганидан боҳабар бўлади. Аммо интернетдан фойдаланганда, журналист ундаги маълумотларни доимий равищда текшириб бориши зарур. Жаҳон журналистикаси назариясида муҳим талаб ҳисобланадиган ҳар қандай ахборотнинг тўғрилигини камида икки манбадан текшириб кўриш, бевосита Интернетта ҳам таалуклидир. Айниқса, интернет манбаларидан фойдаланганда, зарур маълумотларни олишда имкон қадар лицензияга эга, расмий давлат сайтларига мурожаат этиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, бола ҳукуқлари билан боғлиқ маълумотларни турли агентликлар, архивлардан ҳам олиш мумкин. Бу маълумотлар ўтмиш билан бутунги кунни солиширишга ёрдам беради. Маълумотлардан фойдаланганда, муаллифлик ҳукуқи талабларига риоя эттан ҳолда манбани кўрсатиш зарурдир.



Юқорида ахборот манбаси жамиятнинг ўзи эканлигиги-ни таъкидлаған эдик. Бола ҳуқуқлари, умуман, болалар мавзусини ёратишда асосий манба – **болаларнинг ўзлари** эканлигини унутмаслик керак. Айниқса, болалар мавзуидаги турли ижтимоий репортажлар тайёрлаш ёки интервью болаларнинг ўзларидан маълумот олишни талаб этади. Бу талаб материалнинг жонли ва ишонарли чиқишини таъминлади.

Бола ҳуқуқлари билан боғлиқ мавзуларни ёритишда муҳим ахборот манбалари бўлиб **уларнинг ота-оналари, дўстлари ёки қариндошлари** хизмат қилиши мумкин.



Улар қўшимча қизиқарли маълумотларни олишга, материални фикрлар билан бойитишга ёрдам беради. Бунинг устига болалардан ахборот олишда, агар у 14 ёшга тўлмаган бўлса, унинг ота-онасидан рухсат олиш керак. Журналист ушбу манбалардан ахборот олишда субъектив салбий фикрларни ҳаққонийисидан ажратмоғи лозим.

! *Турли манбаларнинг ўзаро уйғулиги, мазмунан ҳамоҳангалигини қандай таъминлаш мумкин? Бунинг учун, аввало:*

- воқеа қатнашчиларининг фикрларини жамлаш ва саралаш;
- манбалар холислиги ва ҳаққонийлигини текшириш ва унинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш;
- журналистик материалда фикрлар хилма-хиллигига эришиш;
- расмий манбалардан тўлақонли фойдаланиш;
- манбалар масала моҳияти очиб беришига эришиш.

Назорат саволлари:

1. Ахборотнинг ўзи қаердан олинади?
2. Журналистнинг ахборот олувчи асосий манбаси ким?
3. Журналист ахбороти дегандан қандай ахборотни тушинасиз?
4. Ахборот олиш билан боғлиқ қандай ҳуқуқий меъёрларни биласиз?
5. Болалар мавзусини ёритишда журналистлар қандай ахборот манбаларидан фойланганлари маъқул?



Мустақил ўрганиш учун топшириқлар:

1. Ахборот олиш билан боғлиқ, ҳалқаро ва миллий қонунчилик меъёrlарини чуқур ўрганинг ва ўзлаштиринг.
2. Ахборот манбалари билан ишлашда журналистларнинг асосий хусусиятларини аниқланг.
3. Ахборот манбаларини ўрганинг ва таснифланг.

5.2§. Халқаро ва миллий журналистикада болалар мавзусининг акс этишида ахлоқ кодексларига амал қилиш

Журналист касби ижодий касбдир, яъни бу касб ОАВ-да ишлаш, матбуот материалларини ёзиш ва тайёрлаш, босма нашрлар ёки бошқа ахборот воситаларини чиқариш ва тарқатишда бевосита иштирок этиш, фаолият олиб бориш демакдир.

Журналистнинг ҳуқуқлари, бурчлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"¹⁰⁹ги қонуннинг 3, 4, 6, 9, 10, 25-26, 28-моддаларида, "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"¹¹⁰ги қонуннинг 3 - 15 моддаларида ўз ифодасини топган.

Журналистнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш билан борлиқ ижтимоий муносабатлар катта рол ўйнайди.

Журналист ахборот олиш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат этиш ҳамда давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдалана олиш ҳуқуқига этадир¹¹¹.

Журналистнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий муносабатда бўлиши, улардан онгли равишда фойдаланиши жуда зарур. Сўз-кучли қурол, қонунчилик журналистларга бу қуролдан фойдаланиш ҳуқуқини бери-

109. www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=53543

110. www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=9540

111. Ўзбекистон Республикасининг "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"га қонуни // www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=9540

ши билан бирга, унинг "кескин тифи"ни билиб ишлатиш, файриқонуний тарзда фойдаланмаслик масъулиятини ҳам юклайди. Агар журналистларга, уларнинг ҳақ сўзларига ноҳақ тажаввузлар бўлса (бундай тажаввузлар ҳамиша юзага келиб туради) уларни ҳуқуқий йўллар билан ҳал этишга ўрганиш, шунга яраша билими ва тажриба орттириш лозим.

Журналист ахборот билан ишлашда қонуний талаблар билан бирга **ахборот олишда журналист ахлоқи ва профессионал маҳорати масалаларига** амал қилиши зарур. Шу маънода қайд этиш жоизки, ҳар қандай ахборот манбай ортида инсон шаъни, тақдири, обруси туришини унумаслик керак. Шунингдек, журналистика соҳасида ҳам ўзининг назарий-амалий, ҳуқуқий асослари билан бирга, одоб (этика) тамойиллари, маромлари ва қоидалари ҳам мавжуд.

! Этика (грекча "урф, одоб" маъносини англатади) - одоб-ахлоқнинг назарий асослари ва амалий қоидалари ҳақигдаги билимлар. Фалсафанинг маркабий қисми сифатида шакланган.

Жамиятда инсонларнинг яшаш тарзи муайян қоидадарга, меъёрларга, анъана ва қадриятларга амал қилиши билан бирга бевосита инсонларнинг юриш-туриши, ўзини тутиши, муомала одоби, жамиятдаги ўрни, мавқеи, кишилар билан муносабатларига боғлиқ билим ва қўниммаларга амал қилишни тақазо этади. Жамиятдаги турли соҳаларнинг ривожланиши, бевосита соҳаларга тааллуқли бўлган одоб-ахлоқ нормаларига бўлган эҳтиёжни юзага келтирди. Масалан, банк этикаси, тиббиёт этикаси, ҳуқуқ этикаси, педагогика этикаси, талаба ёки ўқитувчи этикаси каби ҳар бир соҳанинг ўз одоб-ахлоқ меъёрлари бор. Табиийки, журналистика соҳаси ҳам бундан мустасно эмас.



Журналист касбий одоби ҳуқүқий жиҳатдан қайд этилмаган, лекин ижодкорлар доирасида қабул қилинган, жамоатчиллик фикри кучи, касбий-ижодий ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланадиган маънавий тамойиллар, маромлар, одоб қоидалариридир.

Журналист одобининг ёзилган ва ёзилмаган қоидалари бор.

! Ёзилмаган қоида — журналист вижонидир. У номус кодекси ҳам дейилади.

Одоб-аҳлоқ маромлари ҳам "ташқаридан", ҳам "ичкари"дан назорат этиб турилади. Журналист қўлига қалам, микрофон, камера олар экан ҳамиша бир нарса диққат марказида турмоғи лозим: ёзганлари(айтгандари, тасвирни кассетага туширгандарни)ни адитория қандай қабул қиласи, ҳақ гапни айтяптими, ёлғон-яшиқ аралаштирмаётими, кишиларнинг нафсониятига тегмаяптими, деган саволларга жавоб берувчи шахсий масъулият ҳисси бўлмоғи лозим. Агар бундай масъулият бўлмаса, у ўзини, кейинчалик ўз таҳририятини уялтириб қўйиши мумкин.

Аслини олганда, масъулият билан одоб бамисоли эт ва тирноқ ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар ҳисобланади.

Журналист ва аудитория — ўқувчи, эшитувчи, томошабин ўртасидаги муносабатлар доимо ўзаро хурмат асо-

сида, ҳалол, самимий бўлмоғи лозим. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, журналист бир пайтнинг ўзида ҳам ахборот манбаи, ҳам қаҳрамон, ҳам расмий шахс, ҳам жамоа(таҳририят) каби ижтимоий характерга эга вазифаларни адо этади. Шу билан бирга булар-касб одобида муҳим халқалар ҳисобланади. Бунда журналист феъл-автори, характеристи, ҳалоллиги, ростгўйлиги, фазилатлари қусурлари ўта муҳим аҳамиятга эга. Одоб тамойиллари ичида ҳаққонийлик, холислик энг олдинги ўринларни эгаллайди. Ёлғон, бўхтон, сохта ахборот, тўқиб чиқарилган материал муаллифнинг ҳам, нашрнинг ҳам юзини шувут қиласди, баъзан раддия эълон қилиш, судга бериб, жавобгарликка тортилишгача бориб етади.

Масаланинг нозик томони шундаки, бола ҳуқуқларини ёритишда журналист воқеалар, болалар ҳақида ҳикоя қиласар экан, у жамият номидан иш кўради, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан баҳо беради, жамоатчилик фикрини шаклантиради.

Маълумки, одоб муаммоси ҳуқуқ муаммоси (жавобгарлик) билан доим ёнма-ён юради. Одоб қоидаларининг бузилиши кўп ҳолларда ҳуқуқни билмасликдан келиб чиқади (масалан, суд ҳукми эълон қилинмай туриб, жиноят содир этган болани айблаб мақола ёзиб бўлмайди, бу нарсани баъзилар, айниқса, ёш қаламкашлар билишмайди). Шу боис журналист жамиятдаги турли мавзуларни, айниқса, болалар ва уларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни ёритишдаги ҳуқуқлари қўйидағи ҳужжатлар орқали ҳимоя қилинади.

1. Мамалакат конституцияси.
2. Парламент қонунлари.
3. ОАВ органларини қайд этиш, рўйхатга олиш.
4. Мулкчилик ҳуқуқи.
5. Жавоб қилиш ва(ёки) раддия бериш ҳуқуқи.

-
-
6. Тұхмат учун жазолаш.
 7. Юқори даражадағи йиғин, анжуманларга бориши ҳуқуқи.

Ахборот манбалари билан ишлашда журналист аввало миllий ва халқаро қонунчилік меңгерларига амал қилиши керак. Қонунчилік меңгерларидә ахборот манбалари ҳуқуқи алоқида моддалар билан ҳимоя қилинади. Үнгә мувофиқ журналист ахборот манбасини фақат уннинг розилиги билан ошкор этиши мүмкін. Ахборот манбасини ошкор этмаслик журналистнинг ҳуқуқи эмас, балки юридик мажбуриятидір.

! ЮНИСЕФ тавсияларында биноан бола ҳуқуқларини ёритишінде бир қанча ахлоқ қоңыдаларында риоя этилиши зарур бўлиб, унга биноан:

- боланинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар қандай шароитда ҳурмат қилиниши;
- болалар ҳақидаги журналистик материаллар, уларнинг фикрлари бошқалар томонидан эшигтилиши лозимлигини таъминлаш;
- журналист материали обьекти бўлган инсонларни — у хоҳ катта бўлсин, хоҳ бола, ҳурмат қилиши, уларнинг касаллиги ва жисмоний камчилиги борасида бирор бир ортиқча тап-сўз, имо-ишора қилмаслик;
- журналист обьекти бўлган ногирон инсонни ҳақоратламаслик, ўз материалида қаҳрамонининг рұхиятига салбий таъсир кўрсатадиган сўзлардан фойдаланмаслик;
- болага руҳий зарар етказмаслик;
- субъектив, ҳиссиз, болани камситувчи саволларни бермаслик;
- болаларнинг жинси, ирқи, ёши, мақоми, дини, маълумоти, жисмоний ҳусусиятларига қараб суҳбатлашиши;

- болалардан уларнинг ўзлари шахсан қатнашмаган воқеаларни сўзлаб бершини сўрамаслик;
- болани алдаб ундан интервью олмаслик. Боланинг ота-онаси журналист унинг боласи билан гаплашаётганини билиши;
- сұхбатлашишдан олдин журналист ўз мақсадини очиқ баён этиши;
- боланинг ота-онасидан, васий шахсдан интервьюю, суратга ва видеога олиш учун ёзма рухсат олиш, ушбу рухсат бола, унинг ота-онаси, васий шахсни мажбурламаган ҳолатда олинниши;
- бола ўз хатти-харакатларини онгли равишда амалга оширса ва ёши 16 дан юқори бўлса, интервью унинг рухсати билан амалга оширилиши лозим.

Бола ҳуқуқлари ва болалар мавзуларини ёритища **журналист манбалар билан ишлаш тамойилларига** амал қилиши зарур. Унга биноан:

- ҳар доим манбанинг очиқ ва ошкора гапиришига ҳарарат қилиши;
- ахборот манбаси билан ахборотни аудиторияга етказиш шартларини аниқ келишиб олиш;
- ҳеч қачон манбаларни фош этмаслик;
- ахборот манбаларига танқидий ёндашиш;
- ахборот манбаларида ўзига ишонч уйғота олиш ва уларни авайлаш керак бўлади.

Ахборот манбалари билан ишлашда **халқаро журналистикада қўлланиладиган иборалар мавжуд бўлиб**, бундан болалар мавзусида ёзадиган журналистлар ҳам хабардор бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

- **Off the record (чоп этиш учун эмас).** Бу АҚШда кенг тарқалган, Швецияда эса умуман қўлланилмайдир.

диган атамадир. Америка журналистикасида "чоп этиш учун эмас" ёки "протоколдан ташқари" тушунчаси расман белгилаб қўйилган ва аниқ мақомга эга.

- **On the record (чоп этиш учун)** – сухбатдош (манба) томонидан айтилган ҳамма гаплар унинг исми-шарифи ва лавозимини тўлиқ, ёки қисман кўрсатган ҳолда берилиши.
- **Background (фон)** – манбасини аниқлаштириш ҳам фойдаланиш мумкин бўлган ахборот. Сухбатдош журналистдан мақолада ўзининг исми-шарифи, лавозими ва ўзи фаолият юритаётган ташкилот номини кўрсатилмаслигин талаб қилиши мумкин.

ОАВда бола ҳуқуқларининг ёритилишида халқаро (миллий) ахлоқ кодексларига амал қилиш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Албатта, журналистика факультети талабалари билан биргаликда бевосита болалар масалаларини ёритувчи журналистлар ҳам мазкур тажрибадан хабардор бўлишлари ва ўз фаолиятлари доирасида халқаро меъёрларга амал қилишларини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун улар қуидаги халқаро меъёрлардан хабардор бўлишлари лозим.

Болалар масалаларини ёритувчи Халқаро журналистлар федерацияси меъёрлари ва тамоиллари 1998 йил майда Бразилияда эълон қилинган бўлиб, 2001 йил Халқаро журналистлар федерациясининг Сеулдаги конгрессида расман қабул қилинган ва кучга кирган. Унга кўра:

* Барча журналистлар энг юқори профессионал ва ахлоқий меъёрларга риоя этишлари ва ОАВда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ҳолатларини доимий равища ёритиб боришлари лозим.

* ОАВ бола ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатларини кўриб чиқишилари, уларнинг хавфсизлиги, шахсий ҳаётлари, таъ-



лим, тиббий ва ижтимоий ёрдам, ҳимоянинг таъминланишини кенг ёритишлари лозим. Болалар шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқларини таъминланганигини кўрсатиб беришлари керак.

* Бола ҳаёти масалалари ва фаровонлиги борасидаги журналистик фаолият доимий равищда болалар аҳволининг жуда ҳам нозиклигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

* Журналистлар ва ОАВ ташкилотлари болалар масалаларини ёритаётганда юқори ахлоқий месъёрларга риоя этишлари лозим. Улар:

- бола ҳуқуқларини ёритаёттан журналист аниқ ва конфедиционал маълумотларни беришлари;
- болаларга зарар етказувчи маълумотлар, фотосуратларни беришдан қочишлари;
- болалар билан боғлиқ стереотипли ва сенсацоион материалларни беришга интилмасликлари;
- материал эълон қилинганидан сўнг, келиб чиқиппи мумкин бўлган салбий оқибатларини олдиндан кўра билишлари ва бунга йўл қўймасликлари, оқибатларни бартаграф этишлари;

- болаларни визуал ёхуд бошқа идентификациясини амалга опиремасликлари;
- ОАВда иложи борича болаларнинг ўз фикрларини айтишларига ташқи босимсиз имкон беришлари;
- болалар томонидан берилган ахборотни мустақил равища текшириб кўришлари ва ушбу ахборотни берган болалар ҳаётини тахликага қўймасликлари;
- болаларнинг салбий жинсий ҳолатларда тасвиirlашдан қочишлари;
- иллюстратив материаллар олиш учун очиқ ва тўғри усуллардан фойдаланишлари;
- болалар номидан чикувчи ёхуд улар манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳар қандай тапкилотни олдиндан текширишлари;
- болалар, уларнинг васийлари, ота-оналарига, агарда болалар манфаатларига зид келадиган бўлса, ахборот берганиклари учун ҳақ тўламасликка мажбурдирлар.

Журналистлар барча материалларни танқидий нуқтаи назардан ўрганишлари лозим. ОАВ болалар ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳолатларни ўрганиш ва улар ҳақда хабар бериш билангина чекланиб қолмасдан, мавзуга чуқурроқ ки-



риб бориб, улар манфаатлари ва келажагига фойда берадиган материалларни тайёrlашга интилишлари мақсадга мувофиқдир.

Назорат саволлари:

1. Касб одоби деганда нимани тушунасиз?
2. Журналист касб одоби қандай мезонларга асосланиши керак?
3. Журналист ижтимоий вазифасининг касб одобига қандай алоқаси бор?



Мустақил ўрганиш учун топшириқлар:

1. Журналистнинг ҳуқуқи, мажбурияти ва масъ-улиятини ўрганинг ва бир-бирдан фарқини аниқланг.
2. Ахборот манбалари билан ишлашда журналист қандай ахлоқ мөъёрларига амал қилишини мисоллар ёрдамида аниқланг.
3. Болалар мавзусини ёритишда журналистнинг касб одоби мөъёрлари бузилган мисолларни топинг.

6-БОБ. БОЛАЛАР МАВЗУСИНИ ОАВДА ЁРИТИШ АМАЛИЁТИ

6.1§.ОАВ болаларнинг фикр айтиш минбари сифатида

Мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисмини болалар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бола ҳуқуқларини ўрганиш ва уларга асосий эътиборни қаратиш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир. Бунинг амалий ифодаси сифатида таълим муассасаларида турли хил учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ўtkазилиб, бола ҳуқуқининг мазмуни ва унга амал қилиш билан боғлик масалаларга жиҳдий эътибор қаратилаёттир. Бу борада БМТнинг болалар жамғармаси ЮНИСЕФ амалий кўмак бериб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. ЮНИСЕФ кўмагида амалга оширилаётган лойиҳалардан бири ОАВ ходимлари учун ўtkазиб келаётган "Оила институтини мустаҳкамлашга оид масалаларни илгари суришда Ўзбекистон ОАВ салоҳиятини ошириш" мавзусидаги семинар-тренингларда¹¹² бола ҳуқуқдари, боланинг оиласидаги ўрни, мазкур масалани ёритишида журналист этикаси хусусида сўз юритилади. Бундай семинар-тренингларни ташкил этилишига республика ОАВда бола ҳуқуқлари борасида чоп этилаётган ҳамда эфирга узатилаётган материаллар мониторинги натижаси сабаб бўлди. Унга кўра, оила масалалари ва бола ҳуқуқлари мавзусининг ОАВда ёритиш мунтазам эмас. Ёритилаётган материалларнинг аксарияти болалар ҳуқуқлари бўйича жамиятимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги тадбирлар билан боғлик.

112. Мазкур семинар-тренинглар Халқаро журналистларни тайёрлаш маркази, Ўзбекистон босма ОАВни ривожлантириш ва ахборот агентликларни кўллаб – қўзватлаш жамоат фонди томонидан ЮНИСЕФ молиявий кўмагида 2012-2014 ийларда Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларида ўtkазилди.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқларига оид давлат дастурлари, меъёрий ҳужжатлар мазмуни ва улар билан боғлиқ тарзда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалардан кўзланган мақсадни фуқароларга тушунтириб, шарҳлаб берадиган материаллар кам. Айниқса, ОАВда акс этаётган материаллар мазмунида ҳали ҳам эскича, кўп ҳолларда бир томонлама қарашларнинг мавжудлиги бу мавзуда ёзаётган журналистларнинг билим ва тажрибасининг ҳали талаб даражасида эмаслигидан далолат беради. Ваҳоланки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан бери ўтган давр мобайнида бу соҳада катта ўзгаришлар бўлганлиги, қолаверса, даврнинг ўзи бугун дунё болалари ҳаётида бўлаётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, болалар ҳуқуқлари билан боғлиқ мавзуларни кенг ва атрофлича ёритишни тақозо этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида боланинг жамиятдаги ва оиласидаги ўрни, ҳуқуқ ва манфаатлари, уларнинг таълим-тарбиясида таълим муассасалари, ота-оналар, маҳалла сингари ижтимоий институтларнинг ролига талаблар ўзгарган. Шу талаблардан келиб чиқиб ҳар бир ижтимоий институтнинг болалар ҳаёти, унинг оила ва жамиятдаги ўрни, баркамол вояга этишларида бажариши лозим бўлган аниқ вазифалари бор. Аммо бу масалалар билан боғлиқ мавзулар ОАВда етарли даражада ёритилмаяпти. Бу эса ОАВнинг жамоатчиликни бола ҳуқуқларига доир ахборот билан таъминлашдек асосий вазифасини тўлиқ бажармаётганини кўрсатади. Болаларнинг жамиятимизнинг муносиб фуқароси этиб тарбиялаш, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар билан боғлиқ таҳдилий материалларнинг умуман йўқлиги, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича қилинаётган ишлар ҳақидаги материалларнинг етарли эмаслиги ОАВда бола масалалари ва ҳуқуқларини ёритишда ихтисослашган журналистлар жуда ҳам камлигини кўрсатади. Мазкур тренинглар ана шу муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган "Тонг юлдузи", "Класс", "Билимдон", "2 + 2", "Родничок" каби газеталар ҳамда "Фунча", "Гулхан", "Бебби-терра" ва бошқа шу сингари болалар журналлари фаолият кўрсатади. Ушбу нашрлар фаолиятини ташкил қилишнинг ўзига хос мураккаб томонлари бор. Унинг мураккаблиги, аввало мазкур нашрлар болалар учун чиқарилиши керакми ёки болалар тилиданни деган муаммонинг тўқнапуви билан боғлиқ. Бу эса мазкур нашрлар таҳририят ишини ташкил қилиши катталар нашрлари таҳририятлари фаолиятидан фарқ қилишида кўринади. Тўғри, ҳар бир таҳририят у қандай аудиторияга мансуб маҳсулотни чиқаришдан қатъи назар ўзига хос муҳит, иш услуги ва ижодий жамоасига эга. Болалар таҳририятлари ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Аммо уларнинг ўзига хослиги болаларга аталганлигида ва уларга мос ёндашув бўлишида кўринади. Бу ҳақда "Гулхан" журнали бош муҳаррири Ашурали Жўраев шундай дейди:

- Болалар нашрларида кўпроқ ёшлардан ташкил топган ижодий жамоа билан ишлаш тарафдориман. Сабаби улар болаликнинг беғубор шўхликлари-ю ширин ташвишларини ҳали унутмаган бўлади. Шунингдек, ёш ижодкорлар янгидан янги гоялар ташаббускори саналади.¹¹³

Ушбу масала юзасидан "Тонг юлдузи" газетаси бош муҳаррири Феруза Жалилованинг фикрлари эса қуйидагича: "Таҳририятда ўзига хос ижодий муҳитни шакллантириш нафақат бош муҳаррирга, балки жамоанинг ҳар бир аъзосига бевосита боғлиқ. Болалар дунёсидаги воқеаларни, уларнинг ўй-мақсадларини боғча ва мактабларга бориб, уларнинг ўзи билан сухбат қурган ҳолда ўрганиш керак, деб ҳисоблайман. Болалар учун ёзишнинг ўзига хос мураккаб томонлари бор..."¹¹⁴

Таассуфки, бизда болалар журналистикаси мактаби мавжуд эмас. Бу йўналишда ижод қилаётган журналистлар

113. Болалар журналистикаси: ижодий жараёндаги ўзига хослик / "Жамият" газетаси, 2012. 1-июнь

114. Ўша манба.

ҳам таҳририятнинг ўзида шаклланади. Шунинг учун журналист кадрларни тайёрлайдиган олий ўқув юртларида мазкур йўналиш бўйича алоҳида бўлим ташкил этилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.¹¹⁵

Худди шу фикрларни тасдиқлаган ҳолда “Фунча” журнали бош муҳаррири Диљфуз Шомаликованинг қуидаги мулоҳазаларини келтириш жоиз, деб ҳисобаймиз:

“Бугунги болалар нашрлари ва унда фаолият юритаётган ижодкорларга қаратилаёттан эътибор ҳақида сўз кетганда, бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим. Бизда болалар журналистикаси мактаби яратилмаганини инобатга олган ҳолда шу йўналишда катта тажрибага эга бўлган ижодкорлар билан соҳага эндиғина кириб келаётган ёш журналистлар учун маҳорат мактаблари ташкил этиши ҳар томонлама аҳамиятлиdir. Бу, ўз ўрнида, шу соҳага қизиқувчи ёш ижодкорларни тарбиялаб, болалар журналистикаси ривожига муҳим ҳисса қўшади. Бинобарин, болаларга эртангি кун эгаси деган катта ишонч билан қарашкерак”.¹¹⁶

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир боланинг хукуқлари, эркинликлари ва манфаатлари қонуний ҳимоя қилинишига қарамай, афсуски, объектив ва субъектив сабабларга кўра барча оиласарда болаларнинг тадбирлардаги тенг хукуқли иштироки таъминланмайди. Тўғри, ўзбек оиласарида болаларнинг иштирокисиз ўткизилиши лозим бўлган миллий маросимлар, оиласий тадбирлар ҳам йўқ эмас. Масалан, боланинг балогат ёшига етмаганлиги боис уни оиласий маслаҳатлар (совчилик, оила қуриш ёки ажralишлар, ота-оналарнинг шахсий муносабатлари билан боғлиқ муҳокамалар, иқтисодий масалалар, қариндошуруглар муносабатлари, тўй ёки маракалар режаси) билан боғлиқ турли тадбирларга қатнашишини муҳим деб ҳисоблашмайди.

115. Ўша манба.

116. Болалар журналистикаси: ижодий жараёндаги ўзига хослик// “Жамият” газетаси, 2012. 1-июн



Лекин бевосита боланинг шу оила аъзоси сифатида қатнашиши керак бўлган тадбирлар: тўй-маракалар, туғилган кунлар, байрамлар, ота-оналарнинг болаларига алоқадор бўлган муносабатлари билан боғлиқ масалалар, буви-боболарга алоқадор бўлган тадбирлар, оиланинг бюджети, сарфҳаражатлар муҳокамаси, боланинг ўқиши, мактабдан ташқари таълим муассасалари (мусиқий мактаб ва тўғараклар) ва спорт секциялари танлаш билан боғлиқ муҳокамаларда, маданий-маърифий, дам олиш масканларидағи иштироқи таъминланмайди. Бу эса табиий равишда боланинг кайфиятига таъсир кўрсатиб, унинг тўлақонли шахс сифатида шаклланишига тўсқинлик қиласи. Бунда, аввало, болаларнинг отаоналар томонидан, "У ҳали бола, кичкина кўп нарсага ақли етмайди" деган мазмунда шахс сифатида кўрмасликлари, уларнинг фикрларини инобатта олмаслиги, уларга тенг шахс сифатида қараб зиммасига маълум бир масъулият юкламаслик, ОАВда фарзандлар номидан катталарнинг гапириши ва ҳоказоларда кўринади. Бунда аксарият ҳолатларда журналист аниқ боланинг исми ва фамилияси, манзилини аниқлаган ҳолда унинг номидан чиқиши қиласи. Бунда журналистларнинг ўз ишига бўлган масъулиятсизлиги яққол кўринади.

Хаётимизда вужудга келаётган мазкур камчиликларни бартараф этиш учун, аввало, аҳоли ўртасида бола ҳуқуқла-ри бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб бориш зарур. Бу борада ОАВ аҳолини кўтарилаётган мавзу бўйича ха-бардорлигини оширишга эришиши лозим. Журналистлар-нинг болалар ҳуқуқлари билан боғлиқ, мавзуларни тўла-қонли ёритишлари учун билим ва қўникмаларини тренин-глар орқали ошириш, уларнинг давлат ва жамоат ахборот манбаларидан зарур маълумотларини олишга эришиши ло-зим. Фақат шундагина биз том маънода инсоннинг хоҳ, у катта бўлсин, хоҳ, кичик тўлақонли ҳуқуқ, мажбурият ва эркинликларини амалга оширувчи фуқаролик жамияти қуришга эришамиз.

6.2§. Болалар ўртасида сўровнома ўtkазиш бўйича ЮНИСЕФ тажрибаси

Журналистлар ўз материаллари орқали жамиятта бола-лар масалаларига таалуқли мавзуларни тўлиқ, очиб бе-ришлари ва тушунишларига имкон яратишлари зарур. Энг аввало, болалар мавзулари ҳаққоний равишда, реал воқе-лик асосида ёритилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ-дир.

Республикамизда чоп этилаётган болалар нашрларини варақлар экансиз, аксарият ҳолларда кичкинтойларнинг ўзлари ёзган эмас, балки кўпроқ, улар ҳақида ёзилган ма-териалларга дуч келасиз. Бу мақолалар мазмунидан қўпроқ болалар ҳақида катталар қандай фикрда эканлигини би-лиш мумкин. Негадир журналистларда болаларни одат бўлиб қолган стереотиплар асосида одобли-аълочилар, безори-иккичилар, индамас-таҳқирланганлар тоифаларига бўлиш ва мактабда олаётган баҳосига қараб уларга муомала қилиш ҳоллари учраб туради. Албаттга, масалага бундай ёндашиш нотўғри. Зеро, аъло баҳоларга ўқийдиган ўқувчилар ўрта-сида безорилари, паст баҳога ўқийдиганлар ўртасида эса одоблиларига реал ҳаётда кўп дуч келамиз. “Ғунча” жур-

нали биш мұхаррири Дилфузда Шомаликова таъбири билан айтганда¹¹⁷, “әңг түпалончи болада ҳам бир истеъдод учқуни борлығын” ишониш керак.

Болалар фикрларини билишнинг әңг түғри йўли, улар билан мулоқотда бўлишдир.

Тўғри, журналист ўз фаолиятини амалга ошириши да-вомида турли ёшдаги, тоифадаги, характердаги кишилар билан мулоқотта киришади. Аммо ана шу мулоқотларнинг самарали кечини журналистнинг маҳоратига боғлиқ. Бу нима дегани? Бу дегани — мулоқот борасида ўрганган билимларини амалда тўғри қўллай олиши зарур. Аммо мутлақо гапиришини хоҳламай, сиздан ўзини олиб қочадиган болакай бўлса-чи? У билан қандай “тил” топишиш мумкин? Албаттга, “тил” и топилмайдиган одамнинг ўзи бўлмайди. Айниқса болани суҳбатлашишга жалб қилиш мумкин. Журналистикада болалар билан мулоқотта киришишнинг ўзига хос психологик талаблари бор.



Тан олиш керакки, бошқа кишиларга қараганда болалар билан мулоқотта киришиш ҳам осон, ҳам қийин. Буни

117. Болалар журналистикаси: ижодий жараёндаги ўзига хослик// “Жамият” газетаси, 2012. 1-июнь

журналистлар яхши биладилар. Шунга қарамай баъзан барибир хатога йўл қўядилар. Аввало, бола билан сух-батлашганда, унинг характери, дунёқараши, кайфиятига мослашиш, боланинг тилини топгандан кейин ўзи истаган маълумотларга эга бўлиш мумкин. Журналист ахборотта эга бўлиш учун болани ўзига жалб қилишга қаратилган турли йўллар ва усуллардан (боланинг нимага қизиқишини билиб олиб, ўша мавзуда қизиқарли воқеани айтиб бериш) фойдаланади. Боланинг ишончга кириш ва уни бошқариш учун уларнинг қадриятлари билан(боловлар ўртасида урф бўлган, айтайлик, кийиниш ёки телефон ва ёхуд байрамлар ҳақида) ҳисоблашиши, улар билан боғлиқ факт ва далилларга жалб қилишга интилади. Бу интилишнинг иккита варианти бор. Биринчи вариантда бутун эътибор бола интеллектини нофаоллиги ёки чекланган имкониятларига таъсир кўрсатиш орқали журналист қўллаган усул, (қўллаган ёлғонлари) заруратга ва аниқ мақсадга йўналтирилади. Иккинчи вариантда болага унинг қизиқиши ва эҳтиёжлари билан муайян интелектуал жихатдан мустақилликка эга бўлган шахс сифатида муносабатда бўлади. Ана шу иккинчи вариантнинг таъсир воситаси унчалик фойда бермаслигини инобатта олиб, амалиётда журналистлар ундан кам фойдаланадилар. Улар кўпроқ бола тафаккурига таъсир кўрсатишга эмас, балки уни ишончли далилларга ишонтириш усулидан фойдалангандар маъқул. Бу масалани тўғри ҳал қила олиш журналист принципиал позициясидан келиб чиқиб, кўпроқ унинг ўзига боғлиқ. Шунга қарамай, бундай ҳолатда журналистлар қўйидаги тавсияларга амал қилишлари мақсадга мувофиқ.

! Журналист боланинг фикрини ҳақиқатдан ҳам қадрлаши, кичкинтойни ўзи билан тенгдошдай кўраётганини унга биљдириши керак.

Болалар билан қуийдагича сұхбатлашиш турлари мавжуд:

- турли ижодий жанрлардан фойдаланиш(аввало, яхши күрган шеъри ёки ашуласини айтиб бериши, чизгап расмини күрсатишини илтимос қилиш ва ҳоказо);
- бола билан ўтирган ҳолатда ёки чүкка туштан ҳолда гаплашиш лозим(бола пастдан юқорига қараса, гаплашгиси келмай қолади ва ўзининг ожизлигини ҳис этади);
- сұхбатни айнан сизни қизықтирган эмас, боланинг бевосита ҳаётига оид мавзуулардан бошлаш керак (бунинг учун одиндандан унинг ўқитувчиси ёки ота-онаси, ўртоғи билан танишиб олган маъқул);
- боланинг манфаатларини ўз манфаатларингиздан устун қўйинг;
- унга жиiddий оҳангда мурожаат этинг(эркалаш оҳанги болага унинг ҳали ёшлигини яна бир карра эслатади);
- сұхбатлашаётганда хонада бўлсангиз, эшикни очиб қўйинг (эшиги ёпиқ хонада катта одам билан якка қолган бола ўзини ноқулай ҳис қиласди);
- мактабда бўлса, бола билан директор хонасида эмас, балки ҳовлида ёки синфда, шовқин камроқ жойда ёки таълим муассасасининг боғида сұхбатлашганингиз маъқул(албатта, танланган жой бошқаларга кўриниб туриши керак, бунда ўқувчининг ўз ўртоқлари олдида нуфузи ортади).

Болалар катталар сингари ўzlари ва фикрларига нисбатан ҳурматда бўлишни талаб этадилар. **Болаларга қуийдаги ҳолатлар ёқмайди:**¹¹⁸

118. Как интервьюировать детей: руководство для журналистов и других. Сара МакКрэм, Лотт Хью. ЮНИСЕФ / ПрессВайз. М., 2000. Перевод с английского Розалии Солодовник, адаптация для российской аудитории Маши Гессен. См. также: INTERVIEWING CHILDREN. A guide for journalists and others, by Sarah McCrum and Lotte Hughes, "Save the Children", 2000.

- уларнинг жиiddий фикрлари ҳазил тариқасида қабул қилинса ва катталарда у қулгига сабаб бўлса:

- ОАВ материаларида қизиқиш уйфотиш учун "жуда ҳам ақлли бола образи"ни беришса;

- ҳимояга муҳтоҷ болаларга нисбатан раҳм-шавқат уйфотиш мақсадида уларни ночор ҳолатда кўрсатилса;

- ОАВ болаларга нисбатан ҳукмронлик позициясида бўлса;

- катталар болалар номидан гапиришса;

- болаларни цирқдаги ўргатилган ҳайвонлар сингари чиқишиларга мажбуrlашса;

- катталар болалар фикрлари устидан кулишса;

- катталар болаларга гап ўргатишса ёки улар ўз фикрларини баён этишаёттанида, сўзлари бўлиб, гап ўргатишса;

- болаларни пассив ҳолатда тасвиrlашса;

- барча болаларни бир муаммоли гуруҳга бирлаштириш.

Бундай ҳолатлардан қочиш учун Сара МакКрэм, Лотт Хью журналистлар учун қуийдаги тавсияларни беради-лар¹¹⁹:

Болаларни тинглай олиш лозим.

Болалардан интервью олганда тинглаш, фикрларига қулоқ тутиш ва уларни тушунишга ҳаракат қилиш лозим. Болалар уларни эшита олмаган журналистларни дарҳол сезадилар ва улар билан мулоқотда бўлишдан бош тортадилар. Журналистлар биринчи навбатда болаларни тенг сухбатдош сифатида кўришлари ва уларнинг фикрларига қулоқ тутишлари зарур. Аввало, сиз боланинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг ва болаллигинизни эсланг.

119. МакКрэм С., Хью Л. Как интервьюировать детей. Руководство для журналистов и других. Перевод с английского Розалии Соловьёвой. // www.ebdb.ru/Details.aspx



Болалар:

- катталарнинг аралашувисиз ўзлари ҳақида ўз фикрларини айтишни;
- уларга тенгдош сифатида қарашлари;
- ОАВда улар ҳақида берилаётган материаллар ҳақида ўз фикрларини билдиришни **истайдилар**;

Болаларга:

- ўзлари ҳақида ўзлари катталарнинг аралашувисиз гапириш;
- катталар уларни ўзлари билан тенг кўришлари;
- уларнинг фикри билан қизиқишли;
- билимларини ҳурмат қилиши¹²⁰ **каби ҳолатлар ёқади.**

Болалар билан суҳбатлашганда, энг асосий эътибор уларни тинглашга қаратилиши керак. Фақат ўзларини қизиқтирган саволларни берадиган катталар билан болалар тезда зерикиб қолади. Бу ҳолда, болалар билан суҳбатлашишдан олдин журналист бу жараёнга албатта, тайёргарлик

120. МакКрэм С., Хью Л. Как интервьюировать детей. Руководство для журналистов и других. Перевод с английского Розалии Солодовник. // [aww.ebdb.ru/Details.aspx](http://www.ebdb.ru/Details.aspx)

күриш, лозим. **Бола билан суҳбат қуришдан олдин журналистларга құйидағи қоидалар тавсия қилинади:**

- боланинг ота-онаси ёки үқитувчиси билан учрашиб, мавзуга оид қўшимча маълумот тўплант;
- гиёхванд ёки ОИТС билан заарланган бола билан суҳбатга бораётганда, "қофозга ўралган" саволлар тайёрлаб қўйганингиз маъқул;
- сухбат чоғида соатингизга қарайвермаслик учун, интервьюга кўпроқ вақт ажратинг;
- иложи бўлса, интервью оладиган болакай билан олдин бир неча маротаба учрашинг, чунки нотаниш одамларга болалар қулфи-дилини очавермайдилар.



Кичик суҳбатдошингиз билан учрашдингиз. Хўш, учрашув чоғида нималарга эътибор бериш керак?

- Аввало, бола ўзини эркин ҳис қилиши учун мавзуга оид бўлмаган масалаларда гаплашиб, болани бир оз ўзингизга ўргатиб олинг. У сиз билан ўзини расмий шахс билан эмас, худди яқин кишиси билан гаплашаётгандай ҳис қilsин;

- албатта, суҳбатни яхши бошлаб олгач, унга кимлигинингиз ва учрашувдан мақсадингизни тушунтиринг;

- унга сиз дея мурожаат этинг, чунки катталарни биринчи учрашувданоқ "сенсирамайсиз", тўғрими?

- саволга жавоб беришни истамаса, унга хеч қандай тазийкүтказмай, гап оқанғини баландлатмай, мулойим радиоша жавоб олишга интилинг;
- сұхбатдошиңизге интервью имтиҳон ёки тест әмас-лигини, балқи унинг фикрлари ва дүнекарашы билан яқындан танишишининг бир воситаси эканини түшнитириң;
- суҳбат тутагач, интервью қаерда ва қачон чоп этилишни, албаттa, уларға айтинг ёки хабар берип шығыны билдириң;
- саволларға яхши жавоб беріганды учун кичик сұхбатдошиңизни мақташни унұтманғ.

- агарда сұхбатингиз сураткаш билан ҳамкорлықда олиб борилаётган бўлса, ҳамкасбингиздан сұхбат тутагач, олинганды суратларни болаларға кўрсатишни унұтманғ^[121].



Болакай билан сұхбатга отланган журналистнинг бу борада ўз қарашлари мавжуд бўлади. Аммо доимо кичик респондентга нисбатан ҳурмат сақлаш ва унинг фикрларини эътиборга олиш жоизdir.

121. МакКрэм С., Хью Л. Как интервьюировать детей. Руководство для журналистов и других. Перевод с английского Розалии Соловьёвой. // www.ebdb.ru/Details.aspx

Шу үринде яна бир мулоҳаза. Болалар учун ёзилган матн уларнинг сўзлашув тилига мос бўлсин. Тўғри, адабий тил меъёрларига амал қилиш керак. Аммо тил меъёларидан чиқмаслик учун уни мураккаблаштирумаган маъқул. Масалан, бола учун "ташриф буюрди" деган иборанинг үрнига "кели" ёки "даркор" сўзининг үрнига "керак" деган сўз ишлатилса, болалар осон тушунади ва ҳоказо. Яна Яира Саъдуллаева татьбири билан айтганда¹²², "ёш авлод билан катта авлод үртасида кўпроқ мулоқотлар ташкил этиши лозим. Болалар учун ёзилган матнларда тил бойлиги үшанда ривожланади".

Назорат саволлари:

1. ОАВ болаларнинг фикр айтиш минбари бўла оладими?
2. Болалар билан сұхбатлашиш тамойилларини аниқланг.
3. Болалар нимани исташади ва исташмайди?
4. Болалар билан сұхбатлашганда шахсий тажрибангизда қандай тўсиқларга дуч келгансиз?
5. Болалар билан сұхбатлашганда, яна нималарга эътиборли бўлиш керак, деб ҳисоблайсиз?



Мустақил үрганиш учун топшириқлар:

1. Болалар нашрлари болалар фикрини акс эттирувчи минбар сифатида.
2. Сұхбатдош – бола: муаммо, мулоҳаза, муносабат.
3. Болалар хоҳишистакларининг ОАВда акс этиши.
4. Болалардан интервью олишнинг үзига хосликлари.
5. Болалар билан интервью олишда ҳалақит берадиган тўсиқлар.
6. Болалардан интервью олиш билан боғлиқ чеклов.

122. Болалар журналистикаси: ижодий жараёндаги үзига хослик// "Жамият" газетаси, 2012. 1-июн

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.1. Каримов И.А. Адолат — қонун устуворлигига. Асарлар түплами Т. 9. — Тошкент: Ўзбекистон, 2001.
- 1.2. Каримов И.А. Конституция — юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий асоси. Т.12. — Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
- 1.3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир Т. 13. — Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
- 1.4. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ, ва эркинликлари — олий қадрият. Т.14. — Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
- 1.5. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифамиздир. Т. 15. — Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
- 1.6. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Халқ сўзи. 2008 йил 9 феврал сони.
- 1.7. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси — Т.: Ўзбекистон, 2010.
- 1.8. Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.: Шарқ, 1998.
- 1.9. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз — демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруzasи. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.
- 1.10. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. — Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.
- 1.11. Каримов И.А. "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор

тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги ҳалқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқ // Ҳалқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003.

2.2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. – Т.: Адолат, 1992.

2.3. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция. – Т.: Ўзбекистон, 2002

2.4. Инсон ҳуқуқлари (Инсон ҳуқуқлари тўғрисида ҳалқаро билл). Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. А. Абдуқодиров таржимаси. – Тошкент.: Адолат, 1992.

2.5. Ўзбекистон Республикаси "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуни. Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент. 2009.

2.6. Ўзбекистон Республикаси "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни. Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент. 2009.

2.7. Ўзбекистон Республикаси "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Қонуни. Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент. 2009.

2.8. Ўзбекистон Республикаси "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуни. Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент. 2009.

2.9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001.

2.10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси. – Т.: Адолат, 2004.

2.11. Ежегодные доклады ЮНИСЕФ о положении детей в мире (State of World Children Reports) и другие доклады и исследования www.unicef.org

2.12. Декларация и План действий ООН «Мир, пригодный для жизни детей». http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/worldchild.shtml

3. Монография, дарслик ва ӯқув қўлланмалари

1.1. Абдурауф Фитрат. "Ӯқув. Ибтидоий мактабларнинг сўнг синфи учун". Баку. 1917 й.

1.2. Андреева А.А. Методика преподавания психологии журналистики и проблемы современной журналистики. М., 2005. 82 с.

1.3. Жамилова Б. Ӯзбек болалар публицистикаси. –Т., "Фан" нашриёти, 2006 й.

1.4. Основы творческой деятельности журналиста Ред-сост. С.Г. Корконосенько. СПб.: Знание, СПБИВЭСЭП, 2000 г.

1.5. Сафаров О., Жамилова Б. Болалик боқийлик тимсоли ёхуд "муҳбирликнинг олис йўллари". – Бухоро., 1991.

1.6. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики: Учебное пособие. М.: Изд-во МГУ, 1995.

1.7. "СМИ и права детей". Media Wise, 2005.

1.8. Даустмуҳаммадов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2007.

1.9. Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг ишларини судда юритиш. -Т.: ТДЮИ, 2003.

1.10. Астемиров З.А. Уголовная ответственность и наказание несовершеннолетних. М., 1970.

1.11. Ӯзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги қарорлари. Т.: 2000, 18-бет.

1.12. Миньковский Р.Г. Особенности расследования и судебного разбирательства дел о несовершеннолетних. М., Госюризат, 1959; Гинзбург Г.А., Поляк Г.А., Самсонов В.А. Советский адвокат. М. 1968, 200-бетлар, Шпилев В.Н. Участники уголовного процесса. М., 1988.

-
-
- 3.13. Уголовная ответственность несовершеннолетних. М., Юрид.лит-ра. 1999, 121-125-бетлар.
- 3.14. Судебная власть. Под.ред. проф.И.Л.Петрухина. М.,2003;
- 3.15. Э.Б.Мельникова. Ювенальная юстиция. М.,1999.
- 3.16. Как интервьюировать детей: руководство для журналистов и других. Сара МакКрэм, Лотт Хью. ЮНИСЕФ / ПрессВайз.М., 2000. Перевод с английского Розалии Соловьёвой, адаптация для российской аудитории Маши Гессен, <http://www.library.cjes.ru>;
- 3.17. Игорь Гузун. Человек, прежде всего. Практическое руководство по журналистике в области человеческого развития. Игорь Гузун, Всеволод Черней; Факультет журналистики и коммуникационных наук Государственного университета Республики Молдова. Независимый центр журналистики. Представительство ЮНИСЕФ в Республике.
- 3.18. Сара Маккрэм ва Лотт Хью. Как интервьюировать детей. М., 2000 г.
- 3.19. Болалар журналистикаси: ижодий жараёндаги үзига хослик// "Жамият" газетаси, 2012. 1-июнь
- 3.20. www.childline.org.za.
- 3.21. www.childrenfi.rst.org.za.
- 3.22. www.childwatch.uio.no.



Илова №1

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТҮФРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ
БМТ Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-
қарори билан қабул қилинган.

Нью-Йорк, 1989 йил 20 ноябрь. 1990 йил 2 сентябрда
49-моддага мувофиқ кучга кирган.

Ўзбекистон мазкур Конвенцияга ЎзР Юқори Кенгашининг
1992 йил 9 декабрдаги N 757-XII Қарорига мувофиқ
қўшилди. Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 29 июл-
дан кучга кирди.



МУҚАДДИМА

Ушбу Конвенция иштирокчи-давлатлари,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида эълон қилинган тамойилларига мувофиқ, жамият барча аъзоларининг ўзига хос бўлган қадр-қиммати, тенг ва ажралмас ҳуқуқлари ер юзида эркинлик, адолат ва тинчликни таъминлашнинг асоси эканлиги эътироф этилганлигини ҳисобга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқари Низомда инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсининг шаъни ва қадр-қимматига бўлган ўз ишончларини тасдиқлаганликлари ҳамда ижтимоий тараққиёт ва турмуш шароитларини яхшилаш борасида кўмаклашишга аҳд қилганликларини эътиборга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидағи халқаро ҳужжатларда ҳар бир инсон мазкур ҳужжатларда кўрсатиб қўйилган ҳуқуқ ҳамда эркинликларга ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, туғилиши ёки бошқа ҳолатлар билан боғлиқ белгиларига кўра ҳар қандай тафовутдан қатъи назар, эга бўлишини эълон қилганлиги ва розилик билдирганлигини эътироф этиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига болалар алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқига эгадирлар, деб эълон қилганлигини эслатиб,

Жамиятнинг асосий ташкилоти ҳисобланмиш оила ва тиббий муҳиттга унинг барча аъзолари, айниқса, болалар ўсиб-улғайишлари ва фаровонликка эга бўлишлари учун жамият доирасидаги мажбуриятларни ўз зиммасига тўлиқ оладиган бўлишига эришиш мақсадида зарур ҳимоя ва

ердам билан таъминланиши лозим эканлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда,

боланинг шахси соғлом ва ҳар томонлама уйғунлашган ҳолда камолоти учун у оила ғамхўрлигида, баҳт, меҳр-муҳаббат ва онгли тушуниш вазиятида ўсиши зарурлигини эътироф этиб,

бала жамиятда мустақил ҳаётта тўла тайёрланиши ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида эълон қилинган ғоялар руҳида, айниқса, тинчлик, қадр-қиммат, сабртоқат, эркинлик, тенглик ва бирдамлик руҳида тарбияла-ниши лозимлигини ҳисобга олиб,

болани мана шундай алоҳида ҳимоя қилиш зарурлиги 1924 йилги Бола ҳуқуқлари Женева декларациясида ва 1959 йил 20 ноябрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Бола ҳуқуқлари декларациясида кўзда тутилганлигини ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактда (жумладан, 23 ва 24-моддаларда), иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактда (жумладан, 10-модда), шунингдек, ихтисослашган муассасалар ҳамда болаларнинг фаровонлиги масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотларнинг Низомлари ва тегишли ҳужжатларида эътироф этилганлигини эътиборга олиб,

Бола ҳуқуқлари Декларациясида кўрсатиб ўтиланидек, «бода, агар у жисмоний ва ақдий жиҳатдан камолотта етмаган бўлса, маҳсус равишда муҳофаза ва ғамхўрликка, бинобарин, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам муносиб даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтож» эканлигини эътиборга олиб,

ижтимоий ва ҳуқуқий тамойиллар тўғрисидаги декларациянинг болалар ҳимояси ва фаровонлиги, айниқса, болаларни миллий ва халқаро даражаларда тарбиялашга бериш ҳамда асраб олиш пайтидаги ҳимояси ва фаровонлигига доир қоидаларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Балогатта етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари («Пекин

қоидалари») ва Фавқулодда ҳолатларда ва қуролли можа-ролар даврида аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш түгриси-да декларация қоидаларига таяниб,

жаҳондаги барча мамлакатларда нихоятда оғир шароитларда яшаёттан болалар борлиги ҳамда улар алоҳида эътиборга муҳтож эканликларини эътироф этиб,

боланинг ҳимоя қилиниши ва уйғун равишида ривожла-ниши учун ҳар бир халқнинг анъаналари ва маданий қад-риятлари муҳим аҳамият касб этишини муносиб тарзда ҳисобга олиб,

ҳар бир мамлакатда, жумладан, ривожланып болаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун халқаро ҳамкорлик қилишнинг муҳимлигини эътироф этиб,

Күйидагилар ҳақида келишиб олдиilar:

1 ҚИСМ

1-мода

Ушбу Конвенциянинг мақсадлари учун 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон зоти, агар болага нисбатан қўлланила-диган қонун бўйича у эртароқ, балоғатта етмаган бўлса, бола ҳисобланади.

2-мода

1. Иштирокчи - давлатлар ушбу Конвенцияда ўз таъсир доирасидаги бўлган ҳар бир бола учун кўзда тутилган барча ҳукуқларни, ҳеч қандай камситишларсиз, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқоддари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, боланинг соғлиғи ва туғилиши, унинг ота-онаси ёки қонуний васийси ёки бирор-бир бошқа ҳолатлардан қатъи на-зар, ҳурмат қиласидар ҳамда шу ҳукуқларни таъминлаб берадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар бола, унинг ота-онаси, қонуний васийси ёки бошқа оила аъзоларининг қарашлари ёки эътиқодида ўз ифодасини топадиган мақом, фаолият асо-сида камситиш ёки жазолашнинг барча шаклларидан бо-

ланинг ҳимоясини таъминлаш учун ҳамма зарур чораларни кўрадилар.

3-модда

1. Болаларга нисбатан барча ҳатти-ҳаракатларда, улар ижтимоий таъминот масалалари билан шуғулланувчи давлат ёки хусусий муассасалар, судлар, маъмурий ёки қонун чиқарувчи органлар томонидан содир этиладими-йўқми, бундан қатъи назар, боланинг манфаатлари яхшироқ таъминланишига биринчи даражали эътибор берилади.

2. Иштирокчи-давлатлар ўз зиммасига болани унинг фаровонлиги учун зарур ҳисобланган ҳимоя ва ғамхўрлик билан таъминлаш, бунда унинг ота-онаси, васийси ёки қонун бўйича унинг учун жавобгар саналмиш бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини эътиборда тутишни ҳисобга оладилар ҳамда ана шу мақсадда барча қонуний ва маъмурий чора-тадбирларни кўрадилар.

3. Иштирокчи-давлатлар болалар ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш ёки уларни ҳимоя қилиш учун масъул ҳисобланган органлар, муассасалар ва хизматлар ваколатли органлар томонидан белгилаб қўйилган меъёрларга, хусусан, хавфсизлик ва соглиқни сақлаш соҳасида ва улардаги ходимларнинг сони ва ишга яроқлилиги, шунингдек, ваколатли назорат олиб бориши нуқтаи назаридан белгиланган меъёрларга жавоб беришларини таъминлайдилар.

4-модда

Иштирокчи-давлатлар ушбу Конвенцияда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун барча зарур қонуний, маъмурий ва бошқа чораларни кўрадилар. Йқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга нисбатан иштирокчи-давлатлар бундай чораларни ўзларида мавжуд бўлган имкониятлар доирасида, мумкин қадар юқори даражада зарурат туғилган тақдирда эса халқаро ҳамкорлик доирасида қабул қиласидилар.

5-модда

Иштирокчи-давлатлар ота-онанинг ва тегишли ҳолатларда кенгайтирилган оила аъзолари ёки маҳаллий урфодатларда кўзда тутилганидек, жамоанинг васийлар ёки қонун бўйича бола тарбияси учун жавобгар ҳисобланган бошқа шахсларнинг ушбу Конвенцияда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга оширишда муносаб даражада болани бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш ҳамда бу ишни боланинг ривожланиб бораётган қобилиятларига мувофиқ, ҳолда бажаришдаги масъулияти, ҳуқуқ, ва мажбуриятларини хурмат қиладилар.

6-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ҳар бир бола яшаш учун ажралмас ҳуқуққа эга эканлигини эътироф этадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар боланинг омон яшashi ва соғлом ривожланиши учун мумкин қадар юқори даражада имконият яратиб берадилар.

7-модда

1. Бола тутилган заҳоти рӯйхатта олинади ва тутилган дақиқасидан бошлаб исм билан аталиш ва фуқароликка эга бўлиш, шунингдек, иложи борича, ўз ота-онасини билиш ва уларнинг фамхўрликларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқларини олишга ҳақли ҳисобланади.

2. Иштирокчи-давлатлар бундай ҳуқуқларни ўз миллий қонунчилкларига мувофиқ, амалга оширилишини, уларнинг мажбуриятлари шу соҳага тегишли халқаро ҳужжатларга асосан, хусусан, агар бола бошқа фуқароликка эга бўлмаган тақдирда бажарилишини таъминлайдилар.

8-модда

1. Иштирокчи-давлатлар қонунда кўзда тутилганидек, боланинг ўзига хос хусусиятларини жумладан, фуқаролиги, исми ва оиласи алоқаларини сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, қонунга зид равишида аралашувга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар.

2. Агар бола ўзига хослик элементларининг бир ёки барча қисмларидан ғайриқонуний равища маҳрум этилган бўлса, иштирокчи-давлатлар унинг бу хусусиятлари тезроқ тикланиши учун зарур ёрдам ва ҳимоялашни таъминлайдилар.

9-модда

1. Иштирокчи-давлатлар бола ўз ота-онасидан уларнинг хоҳишларига зид равища айрилиб қолмаслигини таъминлайдилар, ваколатли органлар суд қарорига биноан қўлланилган қонун ва тартиб-русумга мувофиқ тарзда бундай айрилиш боланинг энг яхши манфаатлари йўлида зарур деб топган ҳолатлар бундан мустаснодир. Бундай ажрим, масалан, ота-она болага шафқатсизлик билан муносабатда бўлган ёки унинг ҳақида ғамхўрлик қилмай қўйган ёхуд ота-она алоҳида яшайдиган жойга нисбатан қарор қабул қилиш зарурати пайдо бўлган у ёки бу аниқ ҳолатда зарур бўлиши мумкин.

2. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ, ҳолда ишни ҳар қандай шароитда кўриб чиқиши жараёнида барча манфаатдор томонларга муҳокамада қатнашиш ва ўз нуқтаи назарини баён қилиш имконияти берилади.

3. Иштирокчи-давлатлар ота-онасининг биттаси ёки ҳар икковидан ҳам айрилган боланинг улар билан мунтазам равища шахсий муносабатлар ва тўғридан-тўғри алоқалар боғлаб туриш ҳуқуқини ҳурмат қиласдилар, бундай муносабатлар боланинг энг яхши манфаатларига зид келадиган бўлса бундан мустасно бўлади.

4. Иштирокчи-давлат томонидан қабул қилинган бирор-бир қарор, масалан, ҳибсга олиш, қамаш, сургун қилиш, депортация ёки ота-онадан биттаси ёхуд икковининг ҳам ёки боланинг ўлими (ана шу шахс давлат ихтиёрида бўлган пайтда ҳар қандай сабабга кўра рўй берган ўлим ҳам шунга киради) туфайли содир бўлган бўлса, иштирокчи-давлат ота-онага, болага ёки, агар зарурат туғилса, оиланинг бошқа аъзосига уларнинг илтимосига биноан оиланинг йўқолган аъзоси (аъзолари яшаб турган жой) ҳақида, зарур ах-

боротни агар бу боланинг фаровонлигига зиён келтирмай-диган бўлса етказиб беради. Иштирокчи-давлатлар бундай илтимосни қондириш ўз-ўзидан тегишили шахс (шахслар) учун нохуш оқибатларга олиб келмаслигини таъмин этадилар.

10-модда

1. Иштирокчи-давлатларнинг 9-моддадаги 1-банд бўйича мажбуриятига мувофиқ бола ёки унинг ота-онаси оила-ни бирлаштириш мақсадида иштирокчи-давлатта кириш ёхуд ундан чиқиши учун берган аризалари иштирокчи-давлатлар томонидан ижобий, инсонпарварлик руҳида ва тезкорлик билан кўриб чиқилиши лозим. Иштирокчи-давлатлар бундай илтимослар аризачилар ва уларнинг оила аъзолари учун нохуш оқибатлар келтириб чиқармаслигини таъминлайдилар.

2. Ота-онаси турли давлатларда яшайтган бола алоҳида ҳолатлардан ташқари, отаси ва онаси билан мунтазам равишда шахсий муносабатлар ва тўғридан-тўғри алоқалар боғлаб туриш ҳуқуқига эгадир. Ана шу мақсадда 9-модданинг 2-банди бўйича иштирокчи давлатларнинг мажбуриятларига мувофиқ иштирокчи-давлатлар боланинг ва ота-онасининг ҳар қандай мамлакатни тарк этиш, жумладан, ўз мамлакатини ташлаб кетиши ва унга қайтиб келиш ҳуқуқини ҳурмат қиласидилар. ҳар қандай мамлакатни тарк этиш ҳуқуқига нисбатан қонунда белгилаб қўйилган ва давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини (*ordre publik*), аҳолининг соғлиги ва маънавияти ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ, ва эркинликларини сақлаш учун зарур ҳисобланган, ушбу Конвенцияда эътироф этилган бошқа ҳуқуқларга мос тушадиган чеклашларгина амалда бўлади.

11-модда

1. Иштирокчи-давлатлар болаларнинг гайриқонуний равишда кўчирилишига ва чет элдан қайтмаслигига қарши кураш олиб бориш учун чора-тадбирлар кўрадилар.

2. Ана шу мақсадда иштирокчи-давлатлар икки томонлама ёки күп томонлама битимлар тузилишига ёхуд амалдаги битимларга құшилишга құмаклашадилар.

12-модда

1. Иштирокчи-давлатлар үзининг қарашларини шакллантиришга қодир болага ана шу қарашларни болага таалуққылар барча масалалар бүйича эркин ифода этиш ҳуқуқини таъминлайдилар, бинобарин, боланинг қарашларига унинг ёши ва етуклигига мувофиқ муносиб даражада эътибор берилади.

2. Ана шу мақсадда болага, жумладан, болага таалуққылар қарандай суд ёки маъмурий мухокама пайтида, бевосита вакил ёхуд тегишли орган орқали миллий қонунчилликнинг процессуал меъёрларида кўзда тутилган тартибда үзининг фикрларини улар томонидан эшитиш имконияти берилади.

13-модда

1. Бола үзининг фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга: бу ҳуқуқ ҳар қандай турдаги ахборотни, чегарасидан қатъи назар, оғзаки, ёзма ёки босма шаклда, санъят асари кўринишида ёки боланинг танловига кўра бошқа воситалар ёрдамида излаш, олиш ва узатиш эркинлигини ўз ичига олади.

2. Бундай ҳуқуқнинг амалга оширилиши баъзи бир чеклапларга дуч келиши мумкин, бироқ бундай чеклаплар фақат қонунда кўзда тутилган чеклаплардан иборат бўлади, бу қуидагилар учун зарур:

а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрўсини ҳурмат қилиш учун;

б) давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартибини (*ordre public*), аҳолининг соғлиғи ёки маънавиятини мухофаза қилиш учун.

14-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг фикрлари, виждан ва дин эркинлиги ҳуқуқини ҳурмат қиладилар.

2. Иштирокчи-давлатлар ота-онанинг ҳамда тегишли ҳолатларда қонуний васийларнинг болага унинг ривожла-наётган қобилиятларига мувофиқ келадиган усул орқали бола ҳуқуқини амалга оширишда раҳбарлик қилиш ҳуқуқи ва мажбуриятларини ҳурмат қиладилар.

3. Ўз дини ёки эътиқодини тарғиб қилиш эркинлиги фақат қонунда белгиланган ҳамда давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳолининг маънавияти ва соглигини сақлаш ёки бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркин-ликларини ҳимоя қилиш учун зарур ҳисоблангандағина чекланиш мумкин.

15-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг ассоциация ва тинч йиғилишлар эркинлиги ҳуқуқини эътироф этадилар.

2. Бу ҳуқуқнинг амалга оширилишига нисбатан бирор-бир чеклашлар қўлланилмайди, қонунга мувофиқ қўллани-ладиган ва демократик жамиятда давлат хавфсизлиги ёки жамият хавфсизлиги, жамоат тартиби (*ordre public*) ман-фаатлари йўлида, аҳолининг соғлиғи ёки маънавиятини сақлаш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган чеклашлар бундан мустас-нодир.

16-модда

1. Бирорта бола унинг шахсий ҳаёт, оиласвий ҳаёт, уй-жой дахлсизлиги ёки почта орқали юбориладиган нарса-ларнинг махфийлигига бўлган ҳуқуқи амалга оширилиши-га ўзбошимчалик билан ёки қонунга зид равишда арала-шиш ёхуд унинг шаъни ва обруғига ғайриқонуний тажовуз қилиш объекти бўлиши мумкин эмас.

2. Бола ана шундай аралашишлар ёки тажовуз қилиш-лардан қонун йўли билан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

17-модда

Иштирокчи-давлатлар оммавий ахборот воситаларининг муҳим мавқеини эътироф этадилар ҳамда бола турли хил

миллий ва халқаро манбаларнинг ахборотлари ҳамда материаллари, айниқса, ижтимоий, маънавий ва ахлоқий фаровонликка, шунингдек, боланинг соғлом, жисмоний ва руҳий ривожланишига кўмаклашишга қаратилган ахборотлардан баҳраманд бўлишини таъминлайдилар. Шу мақсадда иштирокчи-давлатлар:

- a) оммавий ахборот воситаларини ижтимоий ва маданий йўналишдаги ҳамда 29-модда руҳидаги бола учун фойдали ахборот ва материалларни тарқатишга рағбатлантирадилар;
- b) турли хил маданий, миллий ва халқаро манбалардан бундай ахборот ва материаллар тайёрлаш, айирбошлиш ҳамда тарқатиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни рағбатлантирадилар;
- c) болалар адабиётини нашр этиш ва тарқатишни рағбатлантирадилар;
- d) оммавий ахборот воситаларининг қандайдир озчиликни ташкил қилиувчи гурӯҳ ёки туб аҳолига мансуб боланинг тил эҳтиёжларига алоҳида эътибор беришни рағбатлантирадилар;
- e) 13 ва 18-моддаларни ҳисобга олган ҳолда боланинг фаровонлигига зарар етказадиган ахборот ва материаллардан уни ҳимоя қилишнинг тегишли тамойилларини ишлаб чиқишни рағбатлантирадилар.

18-модда

1. Иштирокчи-давлатлар бола тарбияланиши ва ривожланиши учун ота-онанинг умумий ва бир хил жавобгарлиги тамойили эътироф этилишини таъминлашга қаратилган барча мумкин бўлган куч-тайратларни сафарбар этадилар. Ота-она ёки тегишли ҳолатларда қонуний васийлар боланинг тарбияланиши ва ривожланиши учун асосий жавобгар бўладилар. Боланинг энг яхши манфаатлари улар кўрсатадиган асосий ғамхўрликнинг предмети ҳисобланади.

2. Ушбу Конвенцияда баён қилинган ҳуқуқларнинг амалга оширилишини кафолатлаш ва кўмаклашиш мақсадида

иштирокчи-давлатлар ота-она ва қонуний васийларга бола тарбияси бүйича мажбуриятларини бажаришларига тегишли ёрдам күрсатадилар ҳамда болалар муассасалари тармоги-нинг ривожланишини таъминлаидилар.

3. Иштирокчи-давлатлар ота-онаси ишлайдиган болалар учун мұлжалланған хизматлар ҳамда болалар парвариши қилинадиган муассасалардан болаларнинг фойдаланыш ҳуқуқыга эга бўлишларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

19-модда

1. Иштирокчи-давлатлар болани жисмоний ва руҳий зўравонликнинг, ҳақоратлаш ва суистеъмолликлар, ғамхўрлик кўрсатмаслик ёки бепарволик билан муомалади бўлиш, қўйпол муомала қилиш ёки ота-она, қонуний васийлар ёки бола ҳақида ғамхўрлик қилувчи ҳар қандай бошқа шахс томонидан эксплуатация қилиш, жумладан, шаҳвоний суистеъмолликлар содир этишнинг ҳар қандай шаклларидан ҳимоялаш мақсадида жамики зарур қонуний, маъмурий, ижтимоий ва маърифий чора-тадбирларни кўрадилар.

2. Бундай ҳимоя чоралари, зарурат туғилган тақдирда, бола ва унинг ҳақида ғамхўрлик кўрсатаётган шахсларни лозим даражада қўллаб-қувватлаш мақсадидаги ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиши учун самарали тартиб-руsumларни, шунингдек, бола билан юқорида кўрсатилган тарзда шафқатсизларча муомала қилиш ҳоллари муносабати билан огоҳдантириш, аниқлаш, хабар бериш, қараб чиқиши, тергов олиб бориш, даволаш ҳамда шундан кейинги чораларни кўриш зарурати туғилган тақдирда, суд ишини кўзгатиш учун чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олади.

20-модда

1. Ўзининг оила ғамхўрлигидан вақтинча ёки доимий маҳрум бўлган ёки ўзининг энг яхши манфаатлари йўлида бундай ғамхўрлиқда қола олмайдиган бола давлат томони-

дан күрсатылған алоҳида ҳимоя ва ёрдамни олиш ҳуқуқига этадир.

2. Иштирокчи-давлатлар үз миллий қонунларига мувофиқ, равищда болани парвариш қилишнинг алмаштирилишини таъминлайдилар.

3. Болани бундай парваришилаш, жумладан, ислом шариати бўйича «кафола»га тарбияга беришни, асраб олишни ёки зарурат туғилган тақдирда, болалар боқиладиган тегишли муассасаларга жойлаштиришни үз ичига олади. Парваришни алмаштириш турлари қараб чиқилаёттандада бола тарбиясидағи ворисликнинг мақсаддага мувофиқлиги ҳамда унинг этник келиб чиқиши, диний ва маданий мансублиги, она тили етарли даражада ҳисобга олиниши лозим.

21-модда

Бола асраб олиш тизими мавжудигини эътироф ёки ҳал қиладиган иштирокчи-давлатлар боланинг энг яхши манфаатлари биринчи навбатда ҳисобга олинишини таъминлайдилар, улар:

а) болани асраб олиш фақат ваколатли маъмурлар томонидан ҳал этилишини таъминлайдилар, бундай маъмурлар қўлланиладиган қонун ва тартиб-руsumларга мувофиқ ҳамда ишга таалуқли ва ишончли бутун ахборот асосида асраб олишга ота-она, қариндошлар ва қонуний васийларга нисбатан боланинг мақомига қараб, агар талаб этилса, манфаатдор шахслар зарур бўлиб қоладиган маслаҳат асосида асраб олиш учун ўзларининг онгли розиликларини беришлари боис йўл қўйилишини аниқлайдилар;

б) бошқа мамлакатда асраб олиш, агар болани тарбияга бериш ёки унинг тарбиясини таъминлай оладиган ёхуд асраб оладиган оиласа жойлаштириш мумкин бўлмаса, агар бола пайдо бўлган мамлакатда уни муносиб равищда тарбиялашни таъминлашнинг иложи бўлмаса, бола боқишининг муқобил усули сифатида қаралишини эътироф этадилар;

с) бола бошқа мамлакатда асраб олинган тақдирда ҳудди мамлакат ичкарисида асраб олинганида қўлланиладиган кафолат ва меъёрлар қўлланилишини таъминлайдилар;

д) бола бошқа мамлакатда асраб олинтан тақдирда унинг жойлаштирилиши шу иш билан боғлиқ шахсга ўзини оқладмаган молиявий фойда келтирмаслигини таъминлаш учун зарур чораларни кўрадилар;

е) зарур ҳолатларда ушбу модданинг мақсадларига икки томонлама ва кўп томонлама шартлашувлар ёки битимлар тузилиши йўли билан эришишга кўмаклашадилар ҳамда шу асосда боланинг бошқа мамлакатда жойлашуви ваколатли маъмурлар ва органлар томонидан амалга оширилишини таъминлашга интиладилар.

22-модда

1. Иштирокчи -давлатлар қоюқ мақомини олишни истаган ёки қоюқ ҳисобланган болани қўлланиладиган халқаро ёки ички ҳуқуқ, ва тартиб-руsumларга мувофиқ равишда, ҳам унга ҳамроҳ бўлаётган ва бўлмаётган ота-онаси ёки тегишли равишда ҳимоя қилаётган ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатадиган ҳар қандай бошқа шахсни, иштирокчилари ҳисобланадиган кўрсатиб ўтилган давлатлар ушбу Конвенцияда ва инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа халқаро ҳужжатларда ёки ҳужжатларда баён қилинган қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқлардан фойдаланишини таъминлаш учун зарур чораларни кўрадилар.

2. Ана шу мақсадда иштирокчи-давлатлар, ўзлари зарур деб топган ҳолатларда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа ваколатли ҳукуматлараро ташкилотлар ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлик қилаётган нодавлат ташкилотларнинг бундай болани ҳимоя қилиши, унга ёрдам кўрсатиш ҳамда ҳар қандай қоюқ боланинг ота-онаси ёки оиласининг бошқа аъзоларини излашда, унинг ўз оиласи билан қўшилиши учун зарур бўлган ахборотни олиш мақсадидаги ҳар қандай куч-тайратларига кўмаклашадалар. Агар ота-онаси ёки оиласининг бошқа аъзоларини топиш иложи бўлмаган тақдирда бу болага, ушбу Конвенцияда кўзда тутилганидек бирор-бир сабабга кўра ўзининг оиласи гамхўрлигидан доимий ёки вақтинча маҳрум бўлган ҳар қандай кўрсатиладиган ҳимоя тақдим этилади.

23-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ақдий ва жисмоний жиҳатдан яхши ривожланмаган бола ўзининг қадр-қимматини таъминлайдиган, ўзига ишонч туғдирадиган ва унинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини енгиллаштирадиган шароитларда тўлақонли ҳамда муносиб тарзда яшаши лозимлигини эътироф этадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар ақдий ва жисмоний нотўкис бола ўзига нисбатан алоҳида ҳамхўрлик кўрсатилиши ҳукуқига эга эканлигини эътироф этадилар ҳамда буни рағбатлантирадилар, имкониятлар мавжуд бўлган тақдирда, ёрдам сўраб илтимос қилинган бўлса ва бундай ёрдам боланинг аҳволига, унинг ота-онаси ва бола ҳақида ғамхўрлик кўрсатаётган бошқа шахсларнинг мавқеига мос келса, шунга ҳақли болага унга ғамхўрлик қилиш учун жавобгар кишиларга ана шундай ёрдам берилишини таъминлайдилар.

3. Ақдий ва жисмоний нотўкис боланинг алоҳида эҳтиёjlари зътироф этилган ҳолда ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ ёрдам имкон даражасида боланинг ота-онаси ва унинг ҳақида ғамхўрлик қилаётган бошқа шахсларнинг молиявий имкониятлари ҳисобга олиниб бепул берилади, бундай ёрдам нотўкис бола таълим, касб-кор тайёргарлиги, тиббиёт, соғлиқни тиклаш, меҳнат фаолиятига тайёргарлик кўриш соҳасидаги хизматларидан самарали равишда баҳраманд булишини таъминлашни кўзда тутади, шунингдек, дам олиш воситаларига йўл очадики, бундай воситалар имкон даражасида болани ижтимоий ҳаётга жалб этишга, шахснинг ривожланиши, жумладан, маданий ва маънавий камол топишга олиб келади.

4. Иштирокчи-давлатлар ҳалқаро ҳамкорлик руҳида нотўкис болаларнинг соғлигини сақлаш профилактикаси, тиббиёт, руҳий ва функционал даволаниши соҳасидаги тегишли ахборотнинг айирбошланишига кўмаклашадилар, соғломлаштириш усуллари, умумий таълим ва касб-кор тайёргарлиги ҳақидаги ахборотни тарқатиш, шунингдек, ана

шу ахборот билан танишиш имкониятига эга бўлиш ҳам шунга киради, токи иштирокчи-давлатлар бу соҳадаги ўз имкониятлари ва билимларини яхшилашга, тажрибаларини кенгайтиришга эришсинглар. Шу муносабат билан ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжларига алоҳида эътибор берилиши лозим.

24-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг соғлиқни сақлаш тизмининг такомиллашган хизматларидан, касалликларни даволаш ва саломатликни тиклаш воситаларидан фойдаланишини ҳуқуқий эътироф этадилар. Иштирокчи-давлатлар бирорта ҳам бола соғлиқни сақлаш тазимининг бундай хизматларидан баҳраманд бўлишдан иборат ўз ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолмаслигини таъминлашга ҳаракат қиласидар.

2. Иштирокчи-давлатлар бундай ҳуқуқнинг тўла амалга ошишига эришадилар, жумладан, қуйидаги чораларни курадилар:

а) чақалоқлар ва болалар ўлими даражасини пасайтириш;

б) ҳамма болаларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилиши ва уларнинг соғлигини сақлашга, бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ривожлантиришга биринчи даражали эътибор берилишига эришиш;

с) бошқа усуллар қаторида қулай технологияни қўллаш ва етарли миқдорда тўйимли озиқ-овқат ва тоза ичимлик сув етказиб бериш йўли билан ҳамда атроф-муҳитнинг ифлосланиш хавф-хатарини эътиборга олган ҳолда бирламчи тиббий-санитария ёрдам кўрсатиш доирасида касалликлар ва тўйиб овқатланмасликка қарши кураш олиб бориш;

д) оналарга туғиши олдидан ва тукқандан кейинги даврда уларнинг соғлигини сақлаш соҳасида тегишли равища хизматларни тақдим этиш;

е) жамият барча табакаларининг, жумладан, ота-оналар ва болаларнинг гўдаклар соғлиги ва овқатланиши, кўкрак

суги билан боқишининг афзалликлари, гигиена, бола яшаётган муҳит санитарияси ва баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳақидаги хабардорлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг илм олишига йўл очиш ва эгалланган билимларидан фойдаланишларини қўллаб-қувватлаш;

f) профилактик тиббий ёрдам ва оила ҳажмини режалаштириш соҳасидаги маърифий ишлар ва хизматларни ривожлантириш.

3. Иштирокчи-давлатлар болаларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган анъанавий амалиётта барҳам бериш мақсадида ҳар қандай самарали ва зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

4. Иштирокчи-давлатлар ушбу моддада эътироф этилган ҳуқуқлар тўла амалга ошишига аста-секин эришиш мақсадида ҳалқаро ҳамкорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш мажбуриятини оладилар. Шу муносабат билан ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжларига алоҳида эътибор берилиши зарур.

25-модда

Иштирокчи-давлат парвариш қилиш, ҳимоя остига олиш ёки жисмоний ёхуд руҳий даволаш, болага тақдим этиладиган даволашни вақтинча баҳолаш ҳамда бундай васийлик билан боғлиқ болага тегишли барча бошқа шарт-шароитни яратиб бериш мақсадида ваколатли органлар томонидан васийлика топширилган боланинг ҳуқуқларини эътироф этадилар.

26-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ҳар бир боланинг ижтимоий таъминот неъматларидан, жумладан, ижтимоий суғуртадан фойдаланиш ҳуқуқини эътироф этадилар ҳамда ана шу ҳуқуқ давлатларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ тарзда тўла амалга ошишига эришиш учун зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

2. Бу неъматлар заруратта қараб боланинг ҳамда болани боқиши масъулиятини з иммасига олган шахсларнинг, бола

томонидан ёки унинг номидан неъматларни олиш билан боғлик ҳар қандай фикр-мулоҳаза назарда тутилган ҳолда тақдим этилади.

27-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ҳар бир боланинг жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий камол топиш учун зарур ҳисобланган турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқини эътироф этадилар.

2. Ота-она ёки болани тарбиялаётган бошқа шахслар ўз қобилияtlари ва молиявий имкониятлари доирасида боланинг ривожланиши учун зарур бўлган турмуш шароитини таъминлашга асосий жавобгардир.

3. Иштирокчи-давлатлар миллий шарт-шароитларга мувофиқ ва ўз имкониятлари доирасида ана шу ҳуқуқини амалга ошишида ота-она ва болани тарбиялаётган бошқа шахсларга ёрдам кўrsатиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрадилар, зарурат туғилган ҳолларда моддий ёрдам берадилар, айниқса озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой билан таъминлаш борасидаги дастурни қўллаб-куватлайдилар.

4. Иштирокчи-давлатлар ота-она ёки бола учун молиявий жавобгар ҳисобланган бошқа шахслар томонидан болани боқишиш иштирокчи-давлат ичида ҳам, хорижда ҳам тикланишини таъминлаш учун барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар. Хусусан, бола учун молиявий жавобгар шахс ва бола турли давлатларда яшаётган бўлса, иштирокчи-давлатлар халқаро битимларга қўшилишга ёки шундай битимлар тузилишига, шунингдек, бошқа тегишли келишувларга эришишга кўмаклашадилар.

28-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг илм олиш ҳуқуқини эътироф этадилар ҳамда ана шу ҳуқуқ, teng имкониятлар асосида амалга оширишига аста-секин эришиш мақсадида улар, жумладан:

а) бепул ва мажбурий бошлангич таълимни жорий эта-
дилар;

б) ҳам умумий, ҳам касб-хунар бўйича ўрта таълимнинг
турли шакллари ривожланишини рағбатлантирадилар, бун-
дай таълимдан ҳамма болалар баҳраманд бўлишларини таъ-
минлайдилар ҳамда бепул таълим жорий этиш ва зарурат
туғилган ҳолларда молиявий ёрдам кўрсатиш сингари за-
пур чора-тадбирларни кўрадилар;

с) барча зарур воситалар ёрдамида ҳар бир боланинг
қобилияти асосида олий таълимдан баҳраманд бўлишини
таъминлайдилар;

д) барча болалар учун таълим ва касб-хунар тайёргар-
лиги соҳасида ахборот ҳамда материаллар билан танишиш
имкониятларини яратиб берадилар;

е) болаларнинг мактабга мунтазам боришлирага кўмак-
лашиш ҳамда мактабни ташлаб кетадиган ўқувчилар сони-
нинг камайиши учун чора-тадбирлар кўрадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар мактаб интизоми боланинг ин-
сонийлик қадр-қимматини ҳурматлаш ўз ифодасини топ-
ган усуллар ёрдамида ҳамда ушбу Конвенцияга мувофиқ
боғлаб олиб борилиши учун барча зарур чора-тадбирларни
кўрадилар.

3. Иштирокчи-давлатлар таълимга тааллуқли масалалар
бўйича, жумладан, бутун дунёда жоҳиллик ва саводсизлик-
ни тутатишга ёрдам берадиган ҳамда илмий-техникавий
билимлар ва ўқитишнинг замонавий усулларига йўл очиши-
ни енгиллаштирадиган мақсадларга қаратилган халқаро
ҳамкорликни рағбатлантирадилар ва ривожлантирадилар.
Шу муносабат билан ривожланаётган мамлакатларнинг
эҳтиёжларига алоҳида эътибор берилиши зарур.

29-модда

1. Иштирокчи-давлатлар болага таълим бериш қуйидаги
йўналишларда олиб борилиши лозимлигига розилик бил-
дирадилар:

а) боланинг шахси, истеъдоди, ақлий ва жисмоний қоби-лиятлари энг тўла ҳажмда ривожланиши;

б) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида эълон қилинган тамойилларга ҳурматни тарбиялаш;

с) боланинг ота-онага, унинг маданий ўзига хослиги, тили ва қадриятларига, бола яшайтган мамлакатнинг, у дунёга келган мамлакатнинг миллий қадриятларига, ўзини-кидан фарқ қиласидиган маданий тараққиёт даражасига ҳур-мат билан қарашни тарбиялаш;

д) болани эркин жамиятда, тинчлик, сабр-тоқатли бўлиш, эркаклар ва аёлларнинг тентлиги ҳамда барча халқлар, эт-ник, миллий ва диний гурухлар, шунингдек, туб аҳоли ора-сидан бўлган шахслар ўртасида дўстлик руҳида тайёрлаш;

е) атроф - табиатта ҳурматни тарбиялаш.

2. Ушбу модданинг ёки 28-модданинг ҳеч қайси банди алоҳида шахслар ва органларнинг ўқув юргларини очиш ҳамда уларга ушбу модданинг 1-бандида баён этилган тамойилларга риоя қиласидиган ҳолда раҳбарликни амалга ошириш ҳамда бундай ўқув юргларида бериладиган таълим давлат томонидан ўрнатилган минимал меъёрларга жавоб бериши керак, деган талабнинг бажарилишидаги эркинлигини чеклаш сифатида талқин қилинмайди.

30-модда

Этник, диний ёки тил жиҳатдан озчиликни ташкил қилувчи ёхуд туб аҳолига мансуб шахслар яшайдиган давлатларда ана шундай озчилик ёки туб аҳолига мансуб боланинг мазкур гуруҳ, бошқа аъзолари билан биргаликда ўз маданиятидан фойдаланиш, ўз динига эътиқод қилиш ва унинг расм-русумларини бажариш, шунингдек, она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи рад этилмаслиги лозим.

31-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг дам олиш ва бўш вак-тини ўтказиш ҳуқуқини, ўзининг ёшига мос келадиган ўйин-

лар ва күнгилочар тадбирларда иштирок этиш, маданий ҳаётда эркин қатнашиш, санъат билан шуғулланиш ҳуқуқини эътироф этадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар боланинг маданий ва ижодий ҳаётда ҳар томонлама қатнашиш ҳуқуқини ҳурмат қиласидилар, рағбатлантирадилар ҳамда маданий ва ижодий фолият, бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш учун тегишли тенг имкониятлар яратиб берилишига кўмаклашадилар.

32-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг иқтисодий эксплуатациядан ҳамда унинг соғлиги учун хавф-хатар етказиши мумкин бўлган ёки таълим олишига тўсқинлик қиласидиган ёхуд соғлиги, жисмоний, ақлий, маънавий, аҳлоқий ва ижтимоий ривожланишига зарар келтирадиган ҳар қандай ишлардан ҳимоя қилиниш ҳуқуқини эътироф этадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар ушбу модданинг амалга оширилишини таъминлаш учун қонуний, маъмурий ва ижтимоий, шунингдек, таълим соҳасидаги чора-тадбирларни кўрадилар. Ана шу мақсадларда, бошқа халқаро ҳужжатларнинг тегишли қоидаларига амал қилган ҳолда, иштирокчи-давлатлар, жумладан:

а) ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш ёки энг кичик ёшларни белгилаб қўядилар;

б) кундалик вақтдаги ишнинг муддати ва меҳнат шароитига доир зарур талабларни аниқлайдилар;

с) ушбу модданинг самарали амалга оширилишини таъминлаш учун жазонинг тегишли турлари ёки бошқа санкцияларни кўзда тутадилар.

33-модда

Иштирокчи-давлатлар тегишли халқаро шартномаларда белгилаб қўйилганидек, болаларни гиёҳвандлик ва психотроп моддаларини файриқонуний равишида истеъмол қилишдан ҳимоя этиш мақсадида зарур барча чора-тадбирларни, жумладан, қонуний, маъмурий ва ижтимоий, шунингдек

таълим соҳасидаги чораларни, ҳамда ана шундай моддаларни ғайриқонуний равищда ишлаб чиқаришда ва уларни сотишда болалардан фойдаланишга йўл қўймаслик чоралирини кўрадилар.

34-модда

Иштирокчи-давлатлар болани шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш ва шаҳвоний бузишнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Ана шу мақсадларда иштирокчи-давлатлар, жумладан, миллий, икки томонлама ва кўп томонлама даражада қуйидаги ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳамма зарур чора-тадбирларни кўрадилар:

- а) болани ҳар қандай ғайриқонуний равищдаги шаҳвоний фаолиятга тортиш ва мажбураш;
- б) болалардан фоҳишибозлик ёки ғайриқонуний равищдаги бошқа шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш;
- с) болалардан порнография ва порнография материалари тайёрлаш мақсадларида фойдаланиш.

35-модда

1. Иштирокчи-давлатлар болаларни ўтираш, сотиш ёки уларни ҳар қандай мақсадларда ва ҳар қандай шакллarda контрабанда қилишининг олдини олиш учун миллий, икки томонлама ва кўп томонлама даражада барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

36-модда

Иштирокчи-давлатлар болани унинг фаровонлигига оид ҳар қандай жиҳатдан зарар етказадиган фойдаланишнинг барча бошқа шаклларидан ҳимоя қиласилар.

37-модда

Иштирокчи-давлатлар қуйидагиларни таъминлайдилар:
а) бирорта ҳам бола қийноқларга ёки бошқа шафкат-сизларча, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни оёқ ости қиласилар.

диган муюмала ёки жазога дучор этилмаслигини, на ўлим жазоси, на озодликка чиқарыш имкониятларини күзда тутмаган умрбод қамоқ жазоси 18 ёшдан кичик бўлган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун белгиланмайди;

b) бирорта ҳам бола гайриқонуний равишда ёки ўзбoshимчалик билан озодликдан маҳрум этилмаслигини, болани ҳибсга олиш, ушлаб туриш ёки қамоққа солиш қонунга мувофиқ амалга оширилади ҳамда фақат ноилож чора сифатида ва мумкин қадар тегишли қисқа вақт мобайнида ишлатиласди;

c) озодликдан маҳрум этилган ҳар бир бола унинг ёшидаги шахс эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда инсоний муюмала ва шахсининг ажралмас қисми бўлган қадрқимматини ҳурматлашдан фойдаланиши, хусусан, озодликдан маҳрум этилган ҳар бир бола, агар боланинг энг яхши манфаатлари йўлида шундай қилиш керак, деб ҳисобланмаса, катталарадан ажратиб сақланади ҳамда алоҳида ҳолатларни истисно қилганда, ўз оиласи билан хат ёзиш ва дийдор кўришиш орқали алоқа боғлаб туриш ҳуқуқига эгадир;

d) озодликдан маҳрум этилган ҳар бир бола ҳуқуқий ва бошқа тегишли ёрдамдан зудлик билан баҳраманд бўлиш ҳуқуқидан, шунингдек, суд ёки бошқа ваколатли, мустақил ва холис орган олдида ўзининг озодликдан маҳрум этилишининг қонунийлигига эътиroz билдириш ҳуқуқидан ҳамда ана шундай ҳар қандай процессуал хатти-ҳаракатга нисбатан улар томонидан кечиктирмасдан қарор қабул қилиниши ҳуқуқидан фойдаланади.

38-модда

1. Иштирокчи-давлатлар халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг қуролли можаролар рўй берган ҳолатда уларга нисбатан қўлланиладиган ва болаларга тааллуқли меъёрларини ҳурмат қилишни, уларга риоя этилишини таъминлашни ўз зиммаларига оладилар.

2. Иштирокчи-давлатлар 15 ёшга тұлмаган шахслар ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этмасликларини таъминлаш учун имкони бүлган барча чора-тадбирларни күрадилар.

3. Иштирокчи-давлатлар 15 ёшга тұлмаган ҳар қандай шахсни үз қуролли кучлари сафига хизматта чақиришга йүл қўймайдилар. 15 ёшга еттан бироқ 18 ёшга тұлмаган шахслар орасидан армияга жалб этилаётганда иштирокчи-давлатлар ёши каттароқ шахсларни маъқул кўришга ҳарарат қиласидилар.

4. Қуролли можаролар пайтида ҳарбий бүлмаган аҳолини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳалқаро инсонпарварлик ҳукуқи бўйича мажбуриятларига мувофиқ иштирокчи-давлатлар қуролли можароларнинг таъсиридан болаларни ҳимоялаш ҳамда парваришлишни таъминлаш учун имкони бүлган барча зарур чора-тадбирларни кўриш мажбуриятини үз зиммаларига оладилар.

39-модда

Иштирокчи-давлатлар беларвоник, ишлатиш ёки суиистеъмолликлар, қийнашнинг ҳар қандай кўринишлари ёки шафқатсизлик, ноинсоний ёхуд қадр-қимматни оёқости қиласидиган бошқа ҳар қандай муомала, жазолаш ёки қуролли можаролар қурбони бүлган боланинг жисмоний ва руҳий тикланиши ҳамда ижтимоий жиҳатдан үзини ўнглаб олишига кўмаклашиб учун барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар. Бундай тикланиш ва үзини ўнглаб олиш боланинг соғлиғи, үзини ўзи ҳурматлаши ва қадр-қимматини таъминлайдиган шароитларда амалга оширилиши лозим.

40-модда

Иштирокчи-давлатлар жиноий қонунчиликни бузган деб топилган, қонунни бузишда айбланаётган ёки айбдор деб топилаётган ҳар бир боланинг унда қадр-қиммат ва аҳамиятта моликлик ҳис-туйгусини тарбиялайдиган, болада инсон ҳукуқларига ва бошқаларнинг асосий эркинликларига

хурматни мустаҳкамлайдиган ҳамда бунда боланинг ёши ва ўзини ўнглаб олиши, жамиятда фойдали ўрин тутишига қўмаклашиш истаги ҳисобга олинадиган ҳуқуқини эътироф этадилар.

2. Ана шу мақсадларда ва ҳалқаро ҳужжатларнинг тегишли қоидаларини эътиборга олиб, иштирокчи-давлатлар, жумладан, қуидагиларни таъминлайдилар:

а) бирорта бола хатти-ҳаракат содир этилган вақтда миллий ёки ҳалқаро ҳуқуқда ман этилмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик сабабли жиноий қонунчиликни бузган деб топилмаслиги, айбланмаслиги ва айбор деб топилмаслигини;

б) жиноий қонунчиликни бузган деб ҳисоблананаётган ёки уни бузишда айбланаётган ҳар бир бола камида қуидаги кафолатларга эга бўлиши зарур:

I. Унинг айби қонунга мувофиқ исботлангунча айбсизлик презумпцияси;

II. Унга қарши қўйилаётган айблар ҳақида ўзига, зарурат түғилган тақдирда, унинг ота-онаси ёки қонуний вассиysi орқали кечиктирмасдан ва бевосита маълум қилиш ҳамда ўзининг ҳимоясини тайёрлаш ва амалга оширишда ҳуқуқий ва бошқа хил ёрдам олиши;

III. Кўриб чиқилаётган масала юзасидан ваколатли, мустақил ва холис орган ёки суд органи томонидан ишни адолатли тарзда кўриш давомида қонунга мувофиқ равишда адвокат ёхуд бошқа тегишли шахс иштирокида, агар бу боланинг энг яхши манфаатларига зид келади деб ҳисобланмаса, хусусан, унинг ёши ёки ота-онаси ёхуд қонуний вассийларининг мавқеи ҳисобга олинган ҳолда ҳеч кечиктирмасдан қарор қабул қилиниши;

IV. Гувоҳлик кўрсатмаси бериш ёки айбга иқрор бўлишга мажбуrlашдан эркинлик; айблаш бўйича гувоҳларнинг кўрсатмаларини ёхуд мустақил равишда ёхуд бошқа шахслар ёрдамида ўрганиб чиқиши ҳамда ҳимоя гувоҳларининг тенг равишдаги иштироки ва уларнинг кўрсатмаларини ўрганишни таъминлаш;

V. Агар бола жиноий қонунчилликни бузган деб ҳисобланса, юқори турувчи ваколатли, мустақил ва холис орган ёки суд томонидан тегишли қарорни ва у билан боғлиқ ҳолда қабул қилинган ҳар қандай чораларни қонунга мувофиқ равишда такроран кўриб чиқиш;

VI. Агар бола фойдаланилаёттан тилни тушунмаса ёки бу тилда гапира олмаса, таржимоннинг бепул ёрдам бериси;

VII. Ишни кўриб чиқишининг барча босқичларида унинг шахсий ҳаётини тўла ҳурмат қилиш.

3. Иштирокчи-давлатлар жиноий қонунчилликни бузган деб ҳисобланадиган, қонунбузарлиқда айбланаётган ёки айбдор деб топилган болаларга бевосита тааллуқли қонунлар, тартиб-қоидалар, органлар ва муассасаларни аниқлашда қўмаклашишга интиладилар, жумладан:

а) жиноий қонунчилликни бузишга қодир бўлмаган энг кичик ёшни белгилашга;

б) зарурат түғилган тақдирда ва истак бўлганда, бундай болалар билан муомала қилиш бўйича инсон ҳукуқи ва ҳукуқий кафолатларга тўла риоя этилган ҳолда суд муҳокамасидан фойдаланмаслик чора-тадбирларини кўришга.

4. Боланинг фаровонлиги, ҳолати ва жиноятнинг характерига мувофиқ келадиган, муассасалардаги парваришнинг ўрнини босадиган муомала қилишни таъминлаш мақсадида парвариш, васийлик ва назорат ҳақида қоида, маслаҳат хизматлари, синов муддатини белгилаш, ўқув ва касб-хунарга тайёрлаш дастурлари ва парваришнинг бошқа шакллари мавжуд бўлиши зарурдир.

41-модда

Ушбу Конвенциядаги ҳеч бир нарса бола ҳукуқларини амалга оширишга кўп даражада ёрдам берадиган ҳар қандай вазиятта дахл қилмайди ҳамда бундай қоидалар қуидагиларда ўз ифодасини топиши мумкин:

а) иштирокчи-давлат қонунчилигида;

b) мазкур давлатта нисбатан амал қилаёттан халқаро ҳуқуқ нормаларида.

II ҚИСМ

42-модда

Иштирокчи-давлатлар тегишли ва таъсирилі васиталардан фойдаланған ҳолда Конвенциянинг тамойиллари ва қоидалари ҳақида катта ёшдагиларни ҳам, болаларни ҳам кенг хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

43-модда

1. Иштирокчи-давлатлар томонидан ушбу Конвенцияга мұвофиқ қабул қилинған мажбуриятлар бүйича эришилған тараққиётни күриб чиқыш мақсадыда қуида күзде тутилған вазифаларни адо этадиган Бола ҳуқуқи бүйича құмита таъсис қилинади.

2. Құмита ўзининг юксак маңнавий фазилатлари ҳамда ушбу Конвенцияда қамраб олинған соҳаларда ваколатли деб эътироф этилған үн нафар экспертден иборатдир. Құмита аъзолари иштирокчи-давлатлар томонидан ўз фуқаролари ичидан сайланадилар ҳамда улар шахсан иштирок этадилар, бинобарин, адолатли равищда жуғрофий тақсимланишта, шунингдек, бош ҳуқуқи тизимларга эътибор берилади.

3. Құмита аъзолари иштирокчи-давлатлар томонидан күрсатылған шахслар рұйхатига киритилғанлар орасыдан ёпик овоз бериш йўли билан сайланадилар. ҳар бир иштирокчи-давлат ўз фуқаролари орасыдан битта шахсни кўрсатиши мумкин.

4. Құмитага дастлабки сайлов ушбу Конвенция кучга кирган кундан эътиборан олти ойдан кечикмасдан, кейин эса ҳар икки йилда бир марта ўтказилади. ҳар бир сайлов кунидан камида тўрт ой олдин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби иштирокчи-давлатларга икки ой мобайнида ўз номзоддарини тақдим этиш таклифи билан хат ор-

қали мурожаат қиласы. Сүнгра Баш котиб күрсатылған барча номзоддар рүйхатини алифбо тартибида иштирокчи-давлаттар номиниң қайды эттан ҳолда тузиб чиқады ҳамда бу рүйхатни ушбу Конвенция иштирокчи-давлатларига тақдим этади.

5. Сайловлар Баш котиб томонидан чақириладылган Бирлашынан Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида иштирокчи-давлатлар көнгашларида үтказылади. Иштирокчи-давлатларнинг учдан икки қисми кворумни ташкил этадылган ана шу көнгашларда Құмита таркибиға сайланған деб энг күп овоз олған ҳамда иштирокчи-давлатларнинг көнгашыда иштирок этаеттеган ва овоз берішінде қатнашаёттеган вакилларининг мутлақ күпчилік овозини түплаған номзоддар ҳисобланадылар.

6. Құмита аязолары түрт йиллик муддатта сайланадылар. Улар номзодлардың тақроран күрсатылған тақдирда қайта сайланыши ҳуқуқыға әгадирлар. Бириңчи сайловларда сайланған беш аязонинг ваколат муддаты икки йиллик давр охирида тугайды, бириңчи сайловдан кейин оқ зудлик билан айнан шу беш аязо көнгаш Раиси томонидан қуръа ташлашы орқали аниқланады.

7. Құмита аязоларидан бирортаси вафот эттан ёки искеңдеғога чиққан ёхуд у қандайдыр сабабга күра Құмита аязоси вазифаларини бундан кейин бажара олмай қолған тақдирда үша ғұмита аязосини күрсаттын иштирокчи-давлат Құмита құллаб-қувватлаши шарти билан қолған муддатта үз фуқаролари орасыдан бошқа экспер特 тайинлайды.

8. Құмита үзининг тартиб-қоидаларини үрнатады.

9. Құмита икки йиллик муддатта үзининг мансабдор шахсларини сайлады.

10. Құмита сессиялари, одатда, Бирлашынан Миллатлар Ташкилотининг марказий муассасаларида ёки ғұмита танлаган бошқа ҳар қандай қулай жойда үтказылады. Құмита үз сессияларини, одатда ҳар йили үтказады. Құмита сессияларының давом этиши Баш Ассамблея құллаб-қувватлаши шарти билан ушбу Конвенция иштирокчи-давлатларининг

кенгашида аниқлаб қўйилади ва заруратта қараб қайта кўриб чиқилади.

11. Қўмита ўзининг вазифаларини ушбу Конвенцияга мувофиқ самарали бажариши учун уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Котиби зарур ходимлар ва моддий маблағ билан таъминлайди.

12. Ушбу Конвенцияга биноан таъсис этилган Қўмита аъзолари Бош Ассамблея томонидан белгилаб қўйилган тартиб ва шартларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маблағлари ҳисобидан Бош Ассамблея тасдиқлаган рағбатлантиришларни оладилар.

44-модда

1. Иштирокчи-давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби орқали ғўмитага Конвенцияда эътироф этилган ҳуқуқларни мустаҳкамлаш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар ҳақида ҳамда ана шу ҳуқуқларини амалга оширишда эришилган тараққиётда маъruzalар тақдим этиш мажбуриятини оладилар:

а) Конвенция кучга кирганидан кейин икки йил мобайнида тегишли иштирокчи-давлат учун;

б) кейинчалик ҳар беш йилда.

2. Ушбу моддага мувофиқ тақдим этиладиган маъruzalarда мазкур Конвенция бўйича мажбуриятларнинг бажарилиш даражасига таъсир этувчи омил ва қийинчиликлар, агар улар мавжуд бўлса, кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, маъruzalarда етарли ахборот ҳам ўз ифодасини топади, токи мазкур мамлакатда Конвенциянинг амал қилиши борасида Қўмита тўла тасаввурга эга бўлсин.

3. Қўмита ҳар томонлама дастлабки муфассал маъруза тақдим этган иштирокчи-давлат ушбу модданинг 1 бандига биноан тақдим этиладиган кейинги маъruzalarда илгари баён қилинган асосий ахборотни тақрорлашига зарурат бўлмайди.

4. Қўмита иштирокчи-давлатлардан ушбу Конвенциянинг бажарилишига тааллуқли бўлган қўшимча ахборот сўраб олиши мумкин.

5. Құмита фаолияти тұғрисидаги маъruzалар иккі йилда бир марта Бөш Ассамблеяга Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш воситачилигида тақдим этилади.

6. Иштирокчи-давлатлар маъruzаларини үз мамлакат-ларида кенг ошкора бўлишини таъминлайдилар.

45-модда

Конвенциянинг самарали амалга оширилишига қўмаклашиш ва ушбу Конвенцияда қамраб олинган соҳалардаги халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида:

а) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасалари, Болалар жамғармаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бошқа органлари ушбу Конвенциянинг улар ваколати доирасига кирадиган қоидаларини амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинаётган пайтда вакил юбориш ҳуқуқига эгадирлар, Құмита Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасалари, Болалар жамғармаси ва бошқа ваколатли органларига агар мақсадга мувофиқ деб топса, уларнинг тегишли ваколат доирасига кирадиган масалаларда Конвенциянинг амалга оширилишига доир эксперлар хулосасини тақдим қилишни таклиф этиши мумкин. Құмита Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасалари, Болалар жамғармаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бошқа органларига үз фаолият доирасига кирадиган соҳаларда Конвенциянинг амалга оширилиши ҳақида маъruzалар тақдим қилишни таклиф этиши мумкин;

б) Құмита Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасалари, Болалар жамғармаси ва бошқа ваколатли органларига, агар мақсадга мувофиқ деб топса, иштирокчи-давлатларнинг техник маслаҳат ёки ёрдам сўралган ёхуд шунга эҳтиёж кўрсатиб ўтилган ҳар қандай маъruzаларини, шунингдек, ғўмитанинг ана шундай илтимос ва ёки кўрсатмаларга доир фикр-мулоаза ва таклифларини, агар улар мавжуд бўлса, қайта йўллайди;

с) Күмита Баш Ассамблеяга ўз номидан Баш котибга бола ҳукуқларига тааллуқлы алоҳида масалалар юзасидан тадқиқотлар ўтказишни таклиф этишни тавсия қилиши мумкин;

д) Күмита ушбу Конвенциянинг 44- ва 45-моддаларига мувофиқ олинадиган ахборотта асосланган умумий аҳамиятта молик таклиф ва тавсиялар киритиши мумкин. Умумий аҳамиятта молик бундай таклиф ва тавсиялар манфаатдор ҳар қандай иштирокчи-давлатта олдиндан йўллана-ди ҳамда иштирокчи-давлатларнинг фикр-мулоҳазалари билан биргаликда, агар мавжуд бўлса, Баш Ассамблеяга маълум қилинади.

III ҚИСМ **46-модда**

Ушбу Конвенция барча давлатлар томонидан имзоланиши учун очиқдир.

47-модда

Ушбу Конвенция ратификация қилиниши зарур. Ратификация ёрлиқлари сақлаб қўйиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Баш котибига топширилади.

48-модда

Ушбу Конвенция унга ҳар қандай давлатнинг қўшилиши учун очиқдир. Қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар сақлаб қўйиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Баш котибига топширилади.

49-модда

1. Ушбу Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиги ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаб қўйиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Баш котибига топширилган санадан эътиборан ўттизинчى кун ўтгандан кейин кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қиласидиган ёки унга қўшиладиган ҳар бир давлат учун йигирманчи ратифи-

кация ёрлиги ёхуд құшилиш тұғрисидаги ҳужжат сақ-
лаб қўйишга топширилган санадан эътиборан мазкур
Конвенция бундай давлат уни ратификация қилиш ёки
қўшилиш тұғрисидаги ҳужжатни сақлаб қўйишга топ-
ширилгандан кейинги ўттизинчи кундан бошлаб кучга
киради.

50-модда

1. Ҳар қандай иштирокчи-давлат Конвенцияга тузатишиң таклиф қилиши ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин. Шундан сўнг Бош котиб таклиф этилган тузатишиң иштирокчи-давлатларга мана шу таклифларни кўриб чиқиши ва уларни овозга қўйиш мақсадида иштирокчи-давлатларнинг конференциясини чақириш тарафдорими, деган сўров билан қайта йўллайди. Агар мана шундай хабар етказилган санадан бошлаб тўрт ой мобайнида иштирокчи-давлатларнинг камидаги учдан бир қисми шундай конференцияни чақиришни ёқлаб чиқса, Бош котиб бундай конференцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти белгиси остида чақиради. Бу конференцияда иштирок этаёттан ва овоз беришда қатнашаётган иштирокчи-давлатларнинг кўпчилиги овози билан қабул қилинган ҳар қандай тузатиши тасдиқлаш учун Бош Ассамблеяга тақдим этилади.

2. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилинган тузатишиң уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси тасдиқлагандан кейин ҳамда иштирокчи-давлатларнинг учдан икки аксарият қисми қабул қилинган тақдирда кучга киради.

3. Тузатишиң кучга киргандан кейин у мана шу тузатишиң қабул қиласын иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлиб қолади, бошқа давлатлар учун эса ушбу Конвенция қоидалари ҳамда улар қабул қиласиган кейинги ҳар қандай тузатишилар мажбурий ҳисобланади.

51-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби томонидан ратификация ёки қўшилиш пайтида билдирилган эътиroz матнини қабул қилиб олади ҳамда барча давлатларга юборади.

2. Ушбу Конвенциянинг мақсад ва вазифаларига мос тушмайдиган эътиrozга йўл берилмайди.

3. Эътиroz Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига юборилган тегишли билдиришнома йўли билан исталгани пайтда олиб ташланиши мумкин, сўнгра Бош котиб бу ҳакда барча давлатларга хабар етказади. Бундай билдиришнома уни Бош котиб қўлга олган кундан бошлаб кучга киради.

52-модда

Ҳар қандай иштирокчи-давлатлар ушбу Конвенцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ёзма равишдаги билдиришнома юбориш асосида бир томонлама бекор қилиши, Бош котиб билдиришномани олганидан кейин бир йил ўтгач, кучга киради.

53-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Конвенциянинг сақловчиси этиб тайинланади.

54-модда

Ушбу Конвенциянинг инглизча, арабча, испанча, хитойча, русча ва французча асл нусхаси матнлари teng бир хилликка эга бўлиб, сақлаб қўйиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилади.

Шуни тасдиқлаш учун қуида имзо чеккан ваколатли вакиллар ўзларининг тегишли ҳукуматлари томонидан шунга етарли даражада вакил қилинган бўлиб, мазкур Конвенцияни имзоладилар.

Илова №2

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТҮГРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда, 2009 й., 52-сон, 554-модда). Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда маъқулланган.

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари түгрисидаги қонун хужжатлари

Бола ҳуқуқларининг кафолатлари түгрисидаги қонун хужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун хужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқларининг кафолатлари түгрисидаги қонун хужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, ҳалқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:
бала (болалар) — ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар);

боланинг қонуний вакиллари — ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар;

васийлик ва ҳомийлик — ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни уларга таъминот, тарбия ҳамда таълим бериш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришишнинг ҳуқуқий шакли. Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган, ҳомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларга нисбатан белгиланади;

етим бола — отаси ҳам, онаси ҳам вафот эттан ёки улар суд қарорига биноан вафот эттан деб эълон қилинган бола;

жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола — ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлган бола;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар — юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар, шу жумладан:

ногирон болалар;

жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар;

етим болалар;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;

ихтинослаштирилган болалар муассасаларида тарбияла-наёттан болалар;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар;

кам таъминланган оиласалардаги болалар;

жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар;

зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табии оғатлар натижасида жабрланган болалар;

ногирон бола — жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлганлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдамга, ҳимояга муҳтож ҳамда қонунда белгиланган тартибда ногирон деб топилган бола;

ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар — қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналий ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналий мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка олувлilar, васийлар ва ҳомийлар);

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола — ҳар қандай сабабга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола, бундан етим бола мустасно.

4-модда. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

боланинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш;

боланинг камситилишига йўл қўймаслик;

боланинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;

болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш;

бала ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

бала ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоха этилишини таъминлаш;

бала ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш;

болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашши;

бала ҳуқуқларини ҳимоя қилиши соҳасида фаолиятни амалга оширувчи қадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

болаларда ватанпарварлик, фуқаролик, бағрикентлик ва тинчликсеварлик туйғуларини тарбиялаш;

болани Ўзбекистон ҳалқининг тарихий ва миллий анъаналари, маънавий қадриятлари ҳамда жаҳон маданияти ютуқлари билан танишириш;

боланинг шахсини, унинг илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш;

болалар ташаббусларини кўллаб-қувватлаш;

болада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш;

бала ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик қилиш;

бала ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

болаларнинг ижтимоий кўнгли масига, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтиришга кўмаклашиш.

5-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ваколатлари

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз вазифалари доирасида қўйидаги ваколатларни амалга оширади:

бала ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;

бала ҳуқуқларини таъминлаш бўйича устувор йўналишларни белгилаш;

бала ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш;

бала ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ҳамда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

бала ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат органлари, болалар муассасалари, ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

бала ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга доир тадбирларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш;

давлатта қарашли болалар муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва нодавлат болалар муассасаларини ривожлантиришга кўмаклашиш чора-тадбирларини кўриш;

бала ҳуқуқларини таъминлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш ҳамда халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифодалаш;

ахборот-маърифий фаолиятни амалга ошириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этиш.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, давлат органлари ва бошқа органларнинг, ташкилотларнинг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиши бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бола ҳуқуқлари бўйича ваколатли орган ташкил этилиши мумкин.

6-модда. Бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ва ҳимоя қилишда кўмаклашади, болага ёки унинг қонуний вакилига ҳуқуқий, услубий, ахборотта оид ва бошқа ёрдам кўрсатади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари:

бала ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда рўёбга чиқаришда иштирок этиши;

бала ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир ваколатларни амалга оширишда давлатдан ва халқаро ташкилотлардан услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши мумкин.

2-боб. Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари

7-модда. Бола ҳуқуқларининг қонуний кафолатлари

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳар бир болага инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари тегишли бўлади ҳамда давлат томонидан кафолатланади.

Никоҳда ва никоҳсиз тутғилган болалар teng ҳамда ҳар тарафлама ҳимоядан фойдаланади.

Давлат боланинг барча шакллардаги камситишлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради.

Бола ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас, қонунда белги-ланган ҳоллар бундан мустасно.

8-модда. Боланинг яшаш ҳуқуқи кафолатлари

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқидир. Бола ҳаётига суюқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Давлат соглом боланинг туғилиши ва ривожланишини таъминлаш учун шароит юратади.

9-модда. Боланинг индивидуалликка ва уни сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир бола туғилган пайтдан эътиборан фамилия, исм, ота исми олиш, миллати ва фуқаролигига эта бўлиш ҳуқуқига, шунингдек уларни сақлаб қолиш ҳуқуқига эта.

10-модда. Боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир бола эркинлик, шахсий дахлсизлик, туар жойи дахлсизлиги ва хат-хабарларини сир тутиш ҳуқуқига эта.

Ҳар бир бола ўз шаъни ва қадр-қимматига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига тайриқонуний аралашувлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эта.

Бола қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турилиши, ҳибсга олиниши, қамоққа олиниши мумкин эмас.

Давлат боланинг шахси, туар жойи дахлсизлигини, хат-хабарлари сир тутилишини таъминлайди ҳамда болани эксплуатациянинг барча шакларидан, шу жумладан жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноққа солишлардан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан, шаҳвоний шилқимликлардан, жиной фаолиятга, фоҳишалик билан шугулланишта жалб этилишдан ҳимоя қилишни амалга оширади.

11-модда. Боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг тайриқонуний ҳара-

катлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор, суд томонидан амалга оширилади.

Воята еттунча қонунга мувофиқ тўла муомалага лаёқатли деб эътироф этилган (эмансипация) бола ўз ҳуқуқларини, шу жумладан ҳимояга бўлган ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳамда мажбуриятларини мустақил бажаришга ҳақлидир.

Бола ота-она ва ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар томонидан қилинадиган сунистемолликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эта.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини сунистемол қилганда бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб висийлик ва ҳомийлик органига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақли.

Боланинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилганидан, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлигидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола ҳақиқатда турган жойдаги висийлик ва ҳомийлик органига маълум қилишлари шарт. Шундай маълумотлар олинган тақдирда, висийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чоралар кўриши шарт.

12-модда. Болаларни тарбиялаётган оиласарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Давлат болаларни тарбиялаётган оиласарни қўллаб-қувватлашни кафолатлайди, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди.

13-модда. Боланинг оилавий мұхиттә бүлган ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир бола оиласы яшаш ва тарбияланиш, үз ота-онаси-ни билиш, улар билан биргә яшаш ва уларнинг ғамхұрлыгидан фойдаланиш ҳуқуқига эга, унинг манфаатларига зид бүлган ҳоллар бундан мустасно.

Боланинг ота-онаси бүлмаганды, улар ота-оналиктен ҳуқуқидан маҳрум қылинганды ҳамда бола ота-она қарамогидан маҳрум бүлган бошқа ҳолларда унинг оиласы яшаш ҳамда тарбияла-ниш ҳуқуқи васийлик ва ҳомиийлик органдаридан таъ-минланади.

Бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-син-гиллари ва бошқа қариндошлари билан күришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасинаң никохдан ажralиши, никохнинг ҳақиқиي әмас деб топилиши ёки ота ва онанинг бошқа-бошқа яшап боланинг ҳуқуқларига таъсир қылмайды.

Ота ва она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан күришиш ҳуқуқига эга.

Экстремал вазиятларга (ушлаб туриш, ҳибсга олиш, қамоққа олиш, даволаш муассасасыда бүлиші ва бошқа ҳол-ларда) тушиб қолған бола үз ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қонун ҳужжатларидан белгиланған тартибда күри-шиш ҳуқуқига эга.

14-модда. Боланинг ғайриқонуний күчирилиштән ҳимоя-ланиш ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир бола ғайриқонуний күчирилиштән ва чет элдан қайтарилимаслиқдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Боланинг чет элга сафарлари фақат ота ва онанинг ёки ота-онанинг үрнини босувчи шахсларнинг розилигі билан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалға оширилиши мүмкін. Үшбу масала бүйіча ота ва она ёки ота-онанинг үрнини бо-сувчи шахслар үртасыдағы ҳар қандай келишмовчилік суд томонидан ҳал қылнади.

Ота-она ёки ота-онанинг үрнини босувчи шахслар боланинг йүқолғанлығы ҳақида тегишли органларға дархол хабар берішлары шарт.

Ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ҳамроҳлигида бўлмаган болалар уларнинг ёнига кафолатли қайтарилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари чет элда қонуний вакиллари ҳамроҳлигисиз турган болаларнинг — Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳисобини юритади ва уларнинг қайтарилиши бўйича чоралар кўради. Ота-онаси бедарак йўқолган деб топилган ёки улар вафот этган деб эълон қилинган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи ана шу болаларни оиласа, бундай имконият бўлмаганда эса етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган муассасаларга жойлаштириш чораларини кўради.

Қонуний вакиллари ҳамроҳлигисиз чет элда турган болаларни қайтариш масалалари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ, давлат ижро этиш мақсадлари, шакллари ва усулларидан қатъи назар, болаларни тайри-қонуний кўчиришининг олдини олиш, шунингдек уларни доимий яшайдиган мамлакатига қайтариш чораларини кўради.

15-модда. Боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи кафолатлари

Оилада ҳар бир бола ўз фикрини ифода этишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида ўз манфаатларига таалуқди масалалар юзасидан сўзлашга ҳақлидир.

16-модда. Боланинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир бола ўзининг соглиги, ахлоқий ва маънавий камол топишига зиён етказмайдиган ахборотни олиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир бола ҳар қандай ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга, қонунда назарда тутилган чеклашлар бундан мустасно.

Порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш,

адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намойиш этиш тақиқданади.

17-модда. Боланинг фикрлаш, сўз, виждан ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи кафолатлари

Бола фикрлаш, сўз, виждан ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга.

Боланинг фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги қонун-да белгиланган тартибда чекланиши мумкин.

18-модда. Боланинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқи кафолатлари

Бола қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

Боланинг шахсий фойдаланишида бўлган, бола томонидан ҳадя, мерос тариқасида олинган, шахсий меҳнати эвазига ёки бошқа қонуний усууда олинган буюмлар, мол-мулк унинг хусусий мулкидир.

19-модда. Боланинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари

Ҳар бир бола турар жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳуқуқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Турар жой мулқдорининг ёки турар жойни ижарага олувчининг оила ағзолари бўлган болалар улар қаерда бўлишила-ридан қатъи назар, турар жой мулқдори ёки турар жойни ижарага олувчиси эгаллаб турган турар жойга нисбатан ҳуқуққа эга бўлади.

Тарбия, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларда, қариндошлари, васийлари ёки ҳомийлари қарамоғида бўлган етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақдаб қолади.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланган боланинг мулкида ёки фойдаланишида бўлган турар жойни ўзга шахста ўтказиш учун васийлик ёки ҳомийлик органининг розилиги талаб қилинади.

20-модда. Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлигининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган

тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга.

Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади.

(20-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-239-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 554-модда)

Болаларни меҳнаттага тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрга маҳсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишидан бўш вақтида бажариши учун — улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бири-нинг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бири-нинг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

(20-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-239-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 554-модда)

Давлат ўн саккиз ёшга тўлмаган ишловчи шахсларга ишни таълим билан қўшиб олиб бориши учун зарур шароитларни яратиб бериш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чораларни кўриш орқали боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланишини кафолатлади.

21-модда. Боланинг дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқи кафолатлари

ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғи ҳамда эҳтиёжларига мос келадиган дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуққа эга.

Ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ўз қобилятилари ҳамда имкониятларига мувофиқ, боланинг ҳар томонлами камол топиши ва фаровонлиги учун зарур турмуш шароитини таъминлайди.

Болалар соғломлаштириш, спорт, ижодий ташкилотлари ҳамда дам олишини ва бўш вақтни уюштирувчи бошқа ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат органлари томонидан таъсис этилади ва қўллаб-қувватланади.

22-модда. Боланинг соғлигини сақлаш ҳуқуқи кафолатлари

ҳар бир бола соглигини сақдаш ҳуқуқита эга.

Давлат соғлом бола туғилишини таъминлаш учун онага унинг соглигини сақдаш шароитларини яратади.

Давлат болаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳажмда бепул тиббий ёрдамни кафолатлады.

Боланинг соглигини сақдаш ҳуқуқи давлат томонидан қўйидаги йўллар билан таъминланади:

малакали тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил қилиш;

боланинг, унинг ота-онасининг саломатлигини назорат қилиш ва болалар касалликлари профилактикаси;

болалар ва ўсминаларни даволаш-профилактика муассасаларида диспансер кузатувини олиб бориш ҳамда даволаш;

талаф даражасидаги сифатта эга бўлган озиқ-овқат маҳ-сулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилишини назорат қилиш;

боланинг физиологик ҳусусиятлари ва соглиги ҳолатига жавоб берадиган таълим олиш ҳамда меҳнат қилиш шароитларини яратиш;

касбга яроқлиликни аниқлашда Ўзбекистон Республика-сининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул тиббий маслаҳат бериш;

санитария-гигиена таълими бериш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва рағбатлантириши;

соглигининг ҳолати тўғрисида бола учун қулай бўлган тарзда зарур ахборотни тақдим этиш.

Ўн тўрт ёшдан катта ёшдаги бола маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик бериш ёки уни рад этиш ҳуқуқига эга.

Бола билан унинг ҳаётига, соглиги ва нормал ривожланишига зиён етказувчи ҳар қандай илмий тажриба ёки бошқа экспериментлар ўтказиш тақиқланади.

Давлат маҳсус чекловларни жорий этиш ва маҳсус профилактика дастурларини амалга ошириш орқали болани ал-коголга мойилликдан, чекишдан, гиёҳвандик воситаларини, психотроп моддалар ва интеллектуал-иродавий фаолиятта таъсир кўрсатадиган бошқа моддаларни истеъмол қилишдан ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни кўради.

23-модда. Боланинг билим олиш ҳуқуқи кафолатлари

Хар бир бола билим олиш ҳуқуқига эга.

Давлат боланинг бепул мажбурий умумий ўрта таълим, шунингдек ўрга маҳсус касб-хунар таълими олишини кафолатлайди.

3-боб. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари

24-модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларнинг оила муҳитига бўлган ҳуқуқи кафолатлари

Давлат боланинг оиласида бўлишига тўсқинлик қилувчи шароитларни бартараф қилиш, бола оиласидан ажратилган ҳолларда эса уни оиласига тезроқ, қайтариш бўйича зарур чораларни кўради.

Давлат ногирон болаларни ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тарбиялаётган оиласарга моддий ёрдам, маслаҳат ёрдами ва бошқа ёрдам қўрсатади ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола тўғрисида ғамхўрлик қилишда имтиёзли ҳуқуқ, бу вазифани бажаришга қодир бўлган қариндошларига берилади.

Болани оиласи жойлаштиришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, уни ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш охирги чорадир.

Оиласи тарбияланиши мумкин бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болалар уларга зарур ғамхўрликни ҳамда қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган муқобил шаклда жойлаштирилиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларни муқобил жойлаштиришнинг шакллари қуийдагилардир:

васийлик ва ҳомийликни белгилаш;

болани фарзандликка олиш;

оиласи тарбияга олиш (патронат);

ихтисослаштирилган тарбия, даволаш муассасаларига, ижтимоий ҳимоя муассасаларига жойлаштириш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларни муқобил жойлаштиришнинг бошқа шакллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ижтимоий ҳимояга мұхтож болаларни мүқобил жойлаштириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

25-модда. Ижтимоий ҳимояга мұхтож болаларнинг жамиятта уйғуналашиш ҳуқуқи қафолатлари

Ижтимоий ҳимояга мұхтож болалар жамият ҳаётида иштирок этишдә башқа болалар билан тенг ҳуқуқларга эгадир.

Давлат ижтимоий ҳимояга мұхтож болалар ва улар оиласыннинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш учун уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслик шартлари асосида дастурлар ишлаб чиқиши ташаббускори бўлади ҳамда зарур ресурслар ажратади.

Таълим, тиббиёт ва маданий-маърифий муассасалар ногирон болалар ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг эркин ҳаракатланишлари учун мослаштирилган бўлиши керак.

Давлат ижтимоий ҳимояга мұхтож болаларни реабилитация қилиш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни ташкил этади ҳамда бунга кўмаклашади.

Ногиронлик белгиланган пайтдан бошлаб бола тегишли давлат органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган якка тартибдаги реабилитация дастуридан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

26-модда. Ижтимоий ҳимояга мұхтож болаларнинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари қафолатлари

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, тўлиқ, давлат таъминотида турган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини битирган ёки жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган болалар, шунингдек ижтимоий ҳимояга мұхтож бўлган башқа тоифадаги болалар ўзлари илгари яшаган турар жой майдонига эга бўлиш ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой олиш ҳуқуқига эга.

27-модда. Ижтимоий ҳимояга мұхтож болаларнинг ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи қафолатлари

Ижтимоий ёрдам уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир болага тайинланади.

Ижтимоий ёрдам кўрсатиш миқдори, шартлари ва тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Етим болаларга ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний ва-килларининг қарамогидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда тўлиқ, давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

Давлат органлари ота-она қарамогидан маҳрум бўлган ҳар бир болага, болаларнинг жойлаштирилиши шаклидан қатъи назар, моддий ва бошқа шароитларни таъминлайди.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳомийлик дастурларини қонун ҳужжатларига мувофиқ, рағбатлантиради.

28-модда. Ногирон болалар, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари

Ногирон болалар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу профилактика, даволаш-ташхис қўйиш, реабилитация, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдамини, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли шартларда таъминлашиши ва бошқа ёрдам турларини ўз ичига олади.

Ногирон болалар давлат соглиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйларида парвариш қилиниш ҳуқуқига эга.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби, уларга бериладиган имтиёзлар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг аризасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, ҳомийлик ва бошқа жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан, шунингдек ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ижтимоий муҳофаза тизими муассасаларида сақланишлари мумкин.

29-модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи кафолатлари

Давлат махсус педагогик ёндашувга эҳтиёжи бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларнинг белгиланган таълим стандартлари ва талаблари дараҷасида билим олишларини кафолатловчи зарур маблағлар ажратади ҳамда бошқа чоралар кўради.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болалар учун махсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича таълим муассасаларида ўқиш ва тарбияланиш ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилиятлари ва хоҳишлирага мос бўлган таълим олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг тавсияси бўлган тақдирда, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болаларнинг ота-оналари ўз хоҳишистагига кўра ҳамда боланинг қизиқишиларидан келиб чиққан ҳолда таълим (умумтаълим ёки ихтисослаштирилган) муассасаси турини танлаш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларга ўрта махсус, касб-хунар ва олий ўқув юртларига ўқишига киришда қонун ҳужжатлари билан имтиёзлар белгиланиши мумкин.

4-боб. Якунловчи қоидалар

30-модда. Низоларни ҳал этиш

Бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

31-модда. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

32-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,

2008 йил 7 январь,

ЎРҚ-139-сон

Мундарижа

Сўз боши.....	3
1-Боб. БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ СИФАТИДА.....	6
1.1§. Бола ҳуқуқлари ва журналистика.....	6
1.2§. Бола ҳуқуқларининг вужудга келиш тарихи.....	17
2-БОБ. БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА.....	24
2.1§. Бола ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар.....	24
2.2.§ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция.....	37
2.3§. Болаларга нисбатан одил судловнинг амалга оширилиши.....	55
2.4§. Болаларни ёритишда жаҳон ОАВнинг тажрибаси.....	68
2.5§. Оммавий ахборот воситаларида қатнашишининг аҳамияти ҳақида болаларнинг фикрлари	77
3-БОБ. БОЛАЛАР МАВЗУСИ ВА МИЛЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКА.....	81
3.1§. Ўзбекистонда болалар ОАВнинг таснифи.....	81
3.2§. Бола ҳуқуқлари билан боғлиқ мавзуларнинг босма ОАВда акс этиши: ютуқ ва муаммолар.....	86
3.3§. Болалар мавзуси ва ОАВ стереотиплари.....	90
3.4§. Болалар мавзусини ёритишда журналистлар томонидан йўл қўйиладиган хатолар.....	101
4-БОБ. ОАВДА БОЛАЛАР МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ВА ПРОФЕССИОНАЛ МАҲОРАТ.....	105
4.1§. Бола мавзусини ёритишда журналистта қўйиладиган талаблар.....	105
4.2§. Матбуотда чоп этилган болалар мавзусига бағишлиланган материалларнинг тили ва услуби.....	114
5-БОБ. БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ЁРИТИШДА КАСБИЙ АҲЛОҚ МЕЪЁРЛАРИ ВА ЖУРНАЛИСТИК ЁНДАШУВ.....	123

5.1§. Ахборот манбалари билан ишлаш тамоийлари.....	123
5.2§. Халқаро ва миллий журналистикада болалар мавзусининг акс этишида ахлоқ, кодексларига амал қилиш.....	132
6-БОБ. БОЛАЛАР МАВЗУСИНИ ОАВДА ЁРИТИШ АМАЛИЁТИ.....	142
6.1§. ОАВ болаларнинг фикр айтиши минбари сифатида.....	142
6.2§. Болаларни сўровномадан ўтказиш бўйича ЮНИСЕФ тажрибаси.....	147
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	156
Илова.....	161
Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция.....	161
Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ти Қонуни.....	194

Мұхаррір

Д.Умарова

Мусақхих

Ә.Атақурова

Сақиғаловчи-
дизайнер

М.Ахлидинов

Босишга рұхсат этилди _____.02.2014. Қоғоз бичими 84x108 1/32.
Офсет босма усулида босилди. 7 босма табок,
Адади _____ нұсха. Буюртма № _____